




ЖЮЛЬ
ВЕРН

ОСТИН-УСТИН

W(442)
B47

ЖЮЛЬ ВЕРН

ОСТИН-УСТИН

Н. Муратов расмлари



07

БИБЛИОТЕКА КГПИ

Инв. № _____

44723 106 г.

ЎЗБЕКИСТОН ССР МАДАНИЯТ МИНИСТРЛИГИ
ЎЗБЕКИСТОН ЛКСМ МАРКАЗИЯ КОМИТЕТИ
«ЕШ ГВАРДИЯ» НАШРИЕТИ
ТОШКЕНТ — 1960

Детгизнинг 1952 йил нашридан
Ф. Алиева таржимаси



І Б О Б

бу бобда „Шимолий қутб компанияси“нинг бутун дунёга қандай ахборот билан мурожаат этгани ҳикоя қилинади

— Демак, мистер Мастон, сизнинг фикрингизча, хотин киши аниқ ва тажриба фанларининг тараққиётига ёрдам кўрсата олмас экан-да?

— Кўп афсуски, буни эътироф этишга мажбурман, миссис Скорбит,— деб жавоб қилди Мастон.— Аёллар орасида, айниқса рус аёллари орасида кўзга кўринган бир неча математик¹ бўлган—буни жон-дилим билан тан

¹ Рус хотин-қизларидан чиққан математиклар орасида ўзининг машҳур асарлари билан айниқса Софья Васильевна Ковалевская (1850—1891) шуҳрат қозонган эди.

оламан; аммо, ўйлашимча, аёлларнинг мияси шундай тузилганки, бу ҳол уларнинг Архимед бўлишларига ёки қолаверса Ньютон бўлишларига сира имкон бермайди.

— О, мистер Мастон! Рухсат берсангиз, жинсимиз номидан норозилик баён этсам...

— Аёллар мавҳум назарий фанларга лаёқатли бўлмаганлари учун ҳам гўзал, латофатлидирлар.

— Бундан чиқди, мистер Мастон, сизнингча, ерга узилиб тушган олмани кўргани билан дунёнинг тортиш қонунини кашф қилиш фикри биронта аёлнинг ҳам миясига келмас экан-да?

— Ерга узилиб тушган олмани кўрган хотин кишининг миясига, миссис Скорбит, шу олмани олиб ейишдан бўлак ҳеч қандай фикр келмайди!

— Ҳа, энди англадим, сиз хотин-қизлардаги ақлий меҳнатга бўлган ҳар қандай қобилиятни инкор этар экансиз!

— Ҳар қандай қобилиятни дедингизми?.. Йўқ, бундай дея олмайман, аммо шунга эътибор қилингки, фанда хотинлар ақли билан Евклид¹ ва Лаплас² кашфиётларига ўхшаш кашфиётлар қилингани ҳали тарихда бўлган эмас.

— Шу ҳам далилми? Ҳамма вақт ўтмишга қараб келгусини белгилаб бўладими, ахир?

— Ҳа!.. Ҳар ҳолда, неча минг йиллар мобайнида бўлмаган нарсани келгусида кутишнинг ҳожати йўқ, албатта!..

— Демак, биз ҳамма нарсани йиғиштириб қўйиб, қўлимиздан келадиган иш фақат...

¹ Евклид ёки Эвклид—қадимги Грециянинг энг буюк математикларидан бири.

² Лаплас Пьер Симон (1749—1827)— француз математиги, физиги ва астрономи.

— Илҳом парилари бўлиш, деб ўтираверасиз!— деди Мастон унинг гапини бўлиб, мияси ҳар хил саволларга тўла олимга хос хушмуомала билан. Зотан миссис Скорбит бу гапдан жуда мамнун бўлди.

— Нима ҳам дердик,— деб давом этди миссис Скорбит,— ҳар ким қўлидан келганини қилади-да. Буюк математик бўлиб қолаверинг, шерикларингиз билан бирга ҳаётингизни бағишламоқчи бўлган буюк ишга батамом киришаверинг. Мен бўлсам, майли, ишингизга пул билан ёрдам бериб, илҳом парингиз бўлиб турарман...

— Бунинг учун умрбод сиздан миннатдор бўлажакмиз,— деб жавоб қилди Мастон.

Миссис Скорбитнинг юзига қизик югурди, чунки у барча олимларни бўлмаса-да, ҳар ҳолда ҳамсуҳбатини бир мунча ёқтирар эди.

Америкалик бу бой бева хотин ўз капиталининг анчагина қисмини қурбон қилишга қарор берган бу буюк ишни ҳақиқатан ҳам буюк деб атаса бўларди. Бу ишнинг моҳияти ва уни ўйлаб чиқарган одамларнинг мақсадлари қуйидагилардан иборат эди.

189... йилда Қўшма Штатлар ҳукуматида қўққисдан бир план — Шимолий қутб атрофида жойлашган, ҳали ҳеч ким томонидан очилмаган минтақани ким ошди йўли билан сотиш плани пайдо бўлиб қолди. Ер шарининг энг чеккасидаги бу жойни америкалик бир компания сотиб олмоқчи бўлди. Компания айтишга мақсадни кўзда тутиб ташкил этилган эди. Кейинчалик компания ўша ердан фойдаланиш учун ҳукуматдан концессия олишни мўлжаллар эди.

Тўғри, бундан бир неча йил аввал Берлиндаги аллақандай конференцияда¹ мусамлака қилиш ёки янги

¹ Жюль Верн 1884 йилдаги Берлин конференциясини кўзда тутиб, бу конференцияда буюк давлатлар Африканинг ҳали босиб олинмаган ерларини тақсимлаб олиш ҳақида келишган эдилар.

бозорлар очиш баҳонаси билан бошқаларнинг ерини босиб олишга интилган буюқ давлатлар учун махсус тартиб белгиланган эди. Бироқ бу қондани айти шу ишда қўлланиш мумкин эмасди, чунки қутб доирасида ҳеч ким яшамасди. Шундай бўлса ҳам, ҳеч кимга қарашли бўлмаган бу эгасиз ерни янги компания ўзига қаратиб олмақчи бўлди: лекин келгусида бу ерга бирон тажовуз бўлмасин учун, уни «босиб» олмасдан «сотиб» олиш мўлжалланган эди.

Қўшма Штатларда ҳеч бир иш, ҳатто энг қалтис, бажарилиши амри маҳол бўлган иш ҳам, ишнинг амалий томонини ўз зиммаларига олиб, унга ўз маблағларини қўшишга тайёр бўлган тарафдор ҳомийларга эга бўлмай қолмайдн. Бундан бир неча йил бурун Балтиморадаги Замбарак клуби еримизнинг йўлдоши Ойга тўғри йўл очиш мақсадида унга снаряд учирмоқчи бўлган вақтда ҳам худди ана шундай ҳодиса рўй берган эди. Ушанда учар янкилар орасида бу фаройибот иш учун катта-катта пул берган одамлар бўлмади дейсизми? Бу иш амалга ҳам ошди, чунки мазкур клубнинг икки аъзоси бу бемаъни тажрибада бевосита ўзлари қатнашган эдилар.

Борди-ю, бирон янги Лессепс¹ Европа ва Осиё орқали Атлантик океан тўлқинларидан хитой денгизларига-ча чўзиладиган канал қазииш ишини ўйлаб чиқарса, ёки бирон кашфиётчи инженер ер остидаги текин иссиқликдан фойдаланмоқ учун ерни энг чуқур қатламларига-ча пармалашни таклиф қилса, ёки бирон мард электротехник ёруғлик ва иссиқликнинг доимий, туганмас манбаларига эга бўлиш мақсадида ер шарига тарқалган барча электр қувватини бир бутун қилиб бирлаштиришни истаса, ёки бирон бинокор ёзнинг ортиқча иссиғини қиш

¹ Лессепс — Сувайш каналини қурган француз инженери.

фаслида совуқ донраларга бериш учун уни сақлаб қўядиган каттакон омбор қуриш фикрини айтса борми,— қанчадан-қанча «жамият» ва «компаниялар» вужудга келган бўларди! Бундай ҳолларда америкаликлар ҳамма вақт иштирокчилар ўртасида биринчи ўринни эгаллаган ва америка дарёларининг сувлари океанга қандай қуйилса, акционер жамиятларининг кассаларига долларлар ҳам шундай қуюлган бўларди.

Шунинг учун ҳам, қутб ери ким ошди савдосида энг кўп пул берган кишининг шахсий мулки бўлармиш, деган галати овоза ҳаммади қизиқтириб қўйган эди.

Қутб мамлакатларидан фойдаланиш! Бу фикр фақат телба одамнинг миёсидагина пайдо бўлиши мумкин!

Аммо шунга қарамай, лойиҳа мутлақо жиддий эди. Бутун дунёдаги газеталарда — Европа, Африка, Осиё, Океан мамлакатлари газеталарида, айниқса америка газеталарида 7 ноябрда ҳаяжонли ахборот эълон қилинди. У бутун дунёга таралди, аммо олимлар билан савдосотик аҳли бунга бутунлай турлича қарадилар. Ахборотда бундай дейилган эди:

«Ер шарини аҳолиси диққатига.

Шимолний кенгликнинг саксон тўртинчи градуси юқорисида жойлашган Шимолний қутб атрофидаги ерлар шу вақтгача ҳеч ким томонидан очилмаганлиги туфайли ҳануз фойдаланилмай ётмоқда. Саксон тўртинчи параллель билан қутб ўртасидаги бу бўшлик олти градусдан иборат бўлиб, уни ер шаридаги давлатларга қарашли тақсимланмаган мулк деб ҳисоблаш мумкин. Уни ким ошди савдоси йўли билан сотиб, шахсий мулкка айлантириш керак.

Адолат принципи бироқ нарсанинг тақсим-

ланмай қолишига йўл қўймайди. Шимолий Америка Штатлари ана шу принципга амал қилиб, қутб доирасини мусодара қилиш билан шуғулланишга қарор қилди.

Балтиморада «Шимолий қутб компанияси» деб аталмиш компания тузилган, бу компания расмий жиҳатдан Шимолий Америка Штатларининг маифаатларини кўзда тутди. Бу жамият мазкур ерларни, унинг барча ороллари, қитъалари, қоялари, денгизлари, кўллари, дарё ва сойлари билан, уларнинг муз билан абадий қопланган-қопланмаганидан ёки ёз фаслида муздан холи бўлишидан қатъий назар, шахсий мулк қилиб олишни ўз олдига мақсад қилиб қўйди.

Мулк ҳуқуқи ҳеч қачон, ҳатто муддати узоққа чўзилиб кетишига ҳам қарамай, бекор қилиниши мумкин эмас, шунингдек ер шарида географик ёки метеорологик жиҳатдан бирон ўзгариш юз берган тақдирда ҳам дахлсиз бўлиб қолаверади.

Барча давлатлар жаҳон ким ошди савдо-сида қатнаша олсин учун бу ахборотни ер шарининг барча аҳолисига маълум қилинади, бинобарин мулк ҳуқуқини савдода энг кўп ҳақ берган киши олади.

Қим-ошди савдоси шу йилнинг 3 декабрида Америка Қўшма Штатларининг Мэриленд штатидаги Балтимора шаҳридаги шаҳар аукцион залида бўлади.

Зарур маълумотлар олиш учун «Шимолий қутб компанияси»нинг вақтли агенти Вильям С. Форстерга — Балтимора шаҳри, Хайстрит, 93 — мурожаат қилинсин».

Бундай эълонни ғирт аҳмоқчилик деб ҳисоблаш мумкин эди, албатта. Аммо аниқлиги ва равшанлиги жиҳатидан олганда, бундан яхшироқ нарсa бўлмаса керак. Эълоннинг жиддий эканлиги шундан ҳам маълум эдики, Шимолий Америка Штатлари мулк ҳуқуқини олмасдан буруноқ Қутб доираси ерига концессия эълон қилган эди.

Жамоат фикри турлича эди: бировлар буни навбатдаги пуч иш деб ҳисоблардилар; бундай ишлар америкалик савдо-сотиқ аҳллари ўртасида тез-тез бўлиб турарди. Лекин бошқа бировлар бу ишга жиддийроқ қарардилар, чунки улар янги компания жамият ҳамёнига кўз тикмай, фақат ўзининг шахсий капиталига умид боғлаганини диққатга сазовор иш деб билардилар. Сал хасисроқ одамларнинг фикрича, мазкур компания бу ерларни сотиб олмай, балки «очиши» лозим эди, холос. Аммо ишнинг мушкул томони ҳам ана шунда эди-да: шу чоққача қутбга бирон одам қадам босмаган-ку, ахир. Шу туфайли, мабодо Қўшма Штатлар бу ерларга эга бўлгудай бўлса, концессионерлар уни сотиб олганликлари тўғрисидаги васиқани шундай ўринлатиб тузмоқчи эдиларки, унга ҳеч ким даъвогар бўлиб, тил тегизолмасди. Уларни койиш адолатсизлик бўлар эди, албатта. Улар эҳтиёткорлик билан иш қилардилар ва бундай ишларда шартнома бўлиши лозим бўлгани учун ҳам уларнинг эҳтиёткорликлари ортиқча эмас эди.

Айтгандай, эълонда сирли бир изоҳ ҳам бор эди; бунда, афтидан, келгусида пайдо бўлиши мумкин бўлган англашилмовчиликларнинг олдини олиш кўзда тутилган бўлса керак. Бу изоҳ қуйидагича баён этилган эди: «Мулк ҳуқуқи ҳеч қачон, ҳатто муддати узоққа чўзилиб кетишига ҳам қарамай, бекор қилиниши мумкин эмас, шунингдек ер шаридa географик ёки метеорологик жиҳатдан бирон ўзгариш юз берган тақдирда ҳам дахлсиз бўлиб қолаверади».

Бунинг маъноси нима? У қандай тасодифга ишора қилади? Ер шарнида қандай географик ва метеорологик ўзгаришлар юз бериши мумкин? Бу изоҳнинг маъноси турли шарҳларга сабаб бўлди, газеталар ундан шу ондаёқ фойдалана қолишди. Масалан, Филадельфияда чиқадиган бир газета қуйидаги ҳажвий хабарни босиб чиқарди:

«Шимолний қутб ерларининг бўлажак эгалари бу хил изоҳни бериш билан яқин келажакда ер шарининг қаттиқ ядрони қандайдир бир қуйруқли юлдуз билан тўқнашининг исбот этадилар; бу тўқнашув туфайли эса географик ва иқлимий ўзгаришлар бўлади». Жумла узундан-узоқ бўлса ҳам ҳеч нарсани англатмади. Бундан ташқари, ернинг қуйруқли юлдуз билан тўқнашуви фаросатли кишилар учун ақлга сиғмайдиган бир нарса бўлиб кўринарди.

Ҳар ҳолда, концессионерларни бундай гумонга жиддий қарашади деб ўйлаш мумкин эмас эди.

Бошқа бир, Янги-орлеан газетаси бундай деб ёзди: «Ахир нима учун янги компания чиндан ҳам бундай тўқнашув юз берган тақдирда, бу унинг ўша мулкдан фойдаланишига албатта яхши таъсир этади, деб қаттиқ ишонади?».

«Ҳақиқатан,— деб ёзди Парижда чиқадиган «Илмий обзор» журнали,—Адемар¹ «Океанининг тойилиши» деган ўз асарида, кеча-кундуз бараварлиги² ер орбитаси катта

¹ Адемар (1797 — 1862)—француз математиги, музликлар даврининг даврилиги ва уларнинг ер шарининг бир томонидан иккинчи томонига муттасили равишда силжиб турishi назариясининг аuctopи.

² Кеча-кундуз бараварлиги—ер ҳаракатларидан бирининг номи, бу шундан иборатки, ер ўқи секин, 26000 йил давомида конус чизигини ҳосил қилади, бунинг натижасида шимол осмонининг турли юлдузлари бирин-кетин «қутб юлдузига» айланади.



ўқининг асрлар бўйи бошқа жойга кўчуви билан қўшилганда, Ернинг турли жойларида температуранинг аста-секин ўзгаришига, бу эса қутбларда тоғдек уйилиб ётган музликларга таъсир кўрсатиши табиийдир, деган эди».

«Бу ҳали мутлақо исбот этилган эмас,— деб эътироз билдирди «Эдинбург обзори».— Мабодо бундай ҳодиса бўлиши мумкин деб ўйлаганимизда ҳам, шу нарсани эътиборга олиш керакки, Вега юлдузи бизнинг Қутб юлдузимиз бўлиши учун роса ўн икки минг йил талаб этилади».

«Хўш, нима бўпти! Майли, ўн икки минг йил кутсак кутайлик, ўшанда балки таваккалига бир-икки акция сотиб олармиз, лекин ҳозир бир крона ҳам бера олмаймиз»— деб луқма ташлади Копенгагенда чиқадиган «Куи» газетаси.

Хар ҳолда, Адемарнинг ҳақли ёки ноҳақлигидан қатъи назар, «Шимолий қутб компанияси» аъзолари кеча-кундуз бараварлиги назариясига ҳеч қачон умид боғлаган эмасдилар; бунга бемалол ишониш мумкин эди.

Юзаки қараганда, энг аниқ маълумотларни олиш учун мазкур жамиятнинг раиси, секретари ёки умуман аъзоларидан бирортасига мурожаат этиш кифоя эди. Аммо ҳамма гап шундаки, улардан бирортасини ҳам ҳеч ким ва ҳеч қачон кўрган эмасди. Улар кўзга кўринмас сирли одамлар эди, ҳатто эълоннинг ким томонидан чиқарилганлиги ҳам номаълум эди. Фақат одамлар бу эълоннинг «Нью-Йорк Герольд» газетаси редакциясига Балтиморада яшовчи, Нью-Фаундленддаги Ардринель ва К⁰¹ фирмасининг агенти, треска балиғи билан савдо этувчи қандайдир Вильям Форстер деган киши келтирганини билар эдилар, холос; бу шахснинг атайин юборилган бўлиши ҳам ажаб эмас. Бунинг устига Форстер ўзи сотаётган треска балиғи сингари гунг эдики, ҳеч ким, ҳатто энг эпчил мухбир ҳам ундан бирон сўз чиқара олмасди. Қисқаси, «Шимолий қутб компанияси» ўз аъзоларидан биронтасининг ҳам номини ошкора қилмай, усталик билан сир сақлади.

Шунга қарамай, янги коммерсия корхонасини таъсис этган шахслар ўз номларини сир сақлашга қанчалик уринмасин, бу компаниянинг мақсади ҳар икки яримшар аҳолисига маълум қилинган эълонда тўла-тўкис ифода-ланган эди. Яъни маркази Шимолий қутб бўлган Қутб доирасининг бир қисмини бутунлайига шахсий мулк қилиб олишдан иборат эди. Бу ерлар, юқорида айтиб ўтганимиздек, ҳали текширилмаган, мутлақо одам оёғи тегмаган территория эди. Аммо у Франция еридан икки ҳисса катта, бошқача қилиб айтганда, каттагина ширин

¹ К⁰— компания.

луқма эди. Арктика ўлкаларига ёндош бўлган давлатлар бу ерларни шимолга томон чўзилиб кетган ўз ерларимиз деб даъво қилишлари турган гап эди.

Юқорида айтиб ўтилган территорияга яқин қўшни бўлганлиги туфайли унга даъвогар давлатлар олтига: Америка, Англия, Дания, Швеция билан Норвегия,¹ Голландия ва Россиядан иборат эди. Булардан ташқари, жасур саёҳатчилари сирли Қутб доирасига ўтиш учун бир неча бор уриниб кўрган бошқа давлатларнинг ҳам бунга аралашуви мумкин эди. Бошқа баъзи давлатлар, шулар жумласидан Франция ва Германия ҳам қутб ерларига даъвогар бўлишлари мумкин, чунки уларнинг ботир саёҳатчилари Шимолда кўп кашфиётлар қилишган эди, аммо шундай бўлса-да, улар бу ширин луқмадан воз кечишди, афтидан тишларини синдириб қўйишдан қўрқишган бўлса керак. Энг таажжуби шуки, ҳамма вақт дахли бўлмаган ишларга аралашаверадиган Италия ҳам бу ишга аралашмай қўйди.

Ниҳоят, ёқутлар ва бошқа Сибирь халқлари, Шимоллий Американинг каттагина территориясини эгаллаган эскимослар, Гренландия, Лабрадор, Беринг Архипелаги, Алеут ороллари ҳамда Осиё билан Америка ўртасидаги оролларда яшовчи маҳаллий халқ бор эди; пировардида, чўқчилар деб аталадиган халқ ҳамда эски рус Аляскасида (у 1867 йилдан эътиборан Американики бўлди)² яшовчи халқлар ҳам бор эди. Аммо шу жойларнинг чинакам аҳолиси ҳисобланган бу қабилалар Шимолнинг сўзсиз эгалари бўлсалар-да, бу ишда ҳуқуқсиз эдилар.

¹ Уша вақтда Швеция билан Норвегия битта давлат ҳисобланарди.

² 1867 йилда чор Россияси ҳукумати давлат манфаатларини эътиборга олмай, рус ери бўлган Аляска ярим оролини арзимаган пулга — 7 миллион долларга Қўшма Штатларга сотган эди.

Ахир, бу камбағаллар қутб компанияси эълон қилган ким ошди савдосида нималарини ҳам тўлардилар? Чиғаноқларними, морж тишлариними ёки тюлень ёгиними?

— Тўғри, бу ерлар уларга қисман қарашли эди, чунки уни биринчи бўлиб улар «очган» эдилар! Эндиликда америкаликлар ким ошди савдоси билан сотмоқчи бўлаётган бу ерлар аслида уларники-ку! Улар ёқутлар, чўқчилар, эскимослар-да, шунинг учун улардан ҳеч ким сўраб ўтирмади ҳам...

И Б О Б

*бу бобда китобхон Голландия, Дания, Швеция,
Россия ва Англия вакиллари билан танишади*

Эълон қилинган ахборот эътиборсиз қолиши мумкин эмас эди. Дарҳақиқат, агар янги компания қутб ерларини ўз қўлига киритиб олса борми, унда бу ерлар сўнгги вақтларда жон-жаҳди билан босқинчиликка киришиб кетган Қўшма Штатларнинг тўла мулкига айланиб қоларди. Яқиндагина у каттагина бир ерни — Шимолий Кордильердан Беринг бўғозигача бўлган майдонни Россиядан олган эди; бу эса, Янги дунё ерини анчагина яхлит қилиб қўйди. Эндиликда Қўшма Штатлар ўз ерини Қутб ерлари ҳисобига янада кенгайтиришига бошқа давлатлар жимгина қараб турмасалар керак, албатта.

Аммо юқорида айтиб ўтилганидек, кўпчилик давлатлар бу ғалати савдода қатнашишдан бош тортдилар, чунки бу савдонинг натижаси уларга мужмал бўлиб туюлди. Фақат ерларининг чегаралари саксон тўрттинчи параллелга тақалиб турган давлатларгина ўз ҳуқуқларидан фойдаланиб, расмий вакилларини юборишга қарор бердилар.

Бу ишнинг фойдали чиқишига унча кўзи етмаган давлатлар бозор нархи аниқ бўлмаган, бориш жуда мушкул

бўлган бу ерларни сотиб олиш учун унча очикқўллик қилмадилар; фақат очкўз Англиягина ўз вакилига кенг ҳуқуқ беришга қарор қилди. Шунини айтиб ўтиш керакки, гап бораётган бу ерларни сотиб олиш «Европа тинчлигини» сира ҳам таҳликага солмасди.

Савдода қатнашишга даъво қилувчи ҳар бир давлат қуйидаги далилларни пеш қилди:

Швеция билан Норвегия ўз талабларини норвегиялик Кейльхаунинг қаҳрамонона ишлари ҳамда географик текширишлар соҳасида жуда кўп ишлар қилган машҳур швед денгизчиси Норденшельннинг қаҳрамонликлари билан асослаб, Шпицбергендан то Шимолий қутбгача бўлган ерларга ўз ҳуқуқлари борлигини айтдилар.

Дания 1619 йилда Гренландиянинг шарқий қирғоғини биринчи марта текширган Иенс Мункнинг кашфиётларини эслатиб ўтди. Даниянинг ҳозирги вақтда Гренландия қирғоғини, шунингдек Исландия ҳамда Ферер ороллари-ни эгаллаб туриши, унинг харидор бўлишга ҳуқуқли эканини шубҳасиз исбот этарди.

Голландия бўлса, ўз денгизчиларидан Баренц ҳамда Хэмскеркнинг XVI аср охиридаёқ Шпицберген билан Янги ерда бўлганини, кейинроқ, 1611 йилда эса, голландиялик Мэйен ўз номига қўйилган ороллари ватани ерига қўшганини пеш қилди.

Россия бир қанча номларни ва XVIII асрнинг биринчи ярмидан бошлаб рус денгизчилари қилган кашфиётларни кўрсатиб ўтди. Чунончи, Осиёни Америкадан ажратиб турган бўғозни текширишда қатнашган Беринг билан Павлукский қўмондонлигида ишлаган Алексей Чириков, капитан Мартин Шпанберг ва лейтенант Вальтон¹. Бу-

¹ Шимоли-Ғарбий Американи текширган рус кашфиётчиларининг номи XVII аср ўрталарида ўтган ажойиб рус саёҳатчиси Семён Дежнев билан бошланади, у Американинг айрим қитъа эканини

нинг устига, Сибирь территориясининг Камчаткагача бир юз йигирма даража чўзилиб кетгани, ёқутлар, чўқчилар ва рус давлатининг бошқа қабилалари яшаётган бу белоён қирғоқлар эътиборга олинганда, руслар Шимоллий муз океанининг ярмига ҳоким бўлиб чиқмайдими? Руслар етмиш бешинчи паралелда, қутбдан атиги тўққиз юз миля наридаги Янги Сибирь орол ва оролчаларига эга эмасми? XVIII асрда руслар томонидан очилган Ляхов ороллари уларники эмасми? Ниҳоят, 1764 йилда инглизлардан ҳам, америкаликлардан ҳам, шведлардан ҳам олдин икки қуруқлик орасидаги масофани қисқартириш учун янги йўл излаган Чичагов эмасми?— деди.

Америка ҳам ўз ҳуқуқлари тўғрисида гапирди. Ахир, Джон Франклин, Кэн, Гриннель, Грейс, Грили, де Лонг каби саёҳатчилар шу мамлакатдан чиққан эмасми? Ахир, шаҳзода Альберт, Виктория, қирол Вильгелм, Мельвиль Кокберн каби бир гуруҳ ороллар ҳамда кўпгина бошқа архипелаглар ва кичик ороллар унга қарашли эмасми? Шунинг учун ҳам Қутб атрофидаги ерларни сотиш тўғрисидаги таклифнинг Қўшма Штатлар ҳукуматидан чиққанлиги ва бунинг устига унинг қандайдир американ компанияси манфаатларини назарда тутиши табиий, деди.

Буюк Британия Канада ва Британия Колумбасига эга эканини, бундан ташқари кўпгина денгизчиларининг арктика экспедицияларида иштирок этганини ва ҳатто америкаликлардан 15" нари ўтиб кетганини кўрсатди. Бу билан Британия ер шарининг бу қисмини ўзининг кенг

биринчи бўлиб исбот этган. Русларнинг Аляскага дастлабки кўчиб келиши ҳам ўша вақтда бошланган эди. (Рус саёҳатчиларининг Шимоллий-Ғарбий Американи очишлари тўғрисидаги маълумотларни академик Л. С. Бергнинг «Буюк рус сайёҳлари» деган китобидан қаранг, М. Л. Детгиз 1950.)

колония империясига қўшиб олиш истаги борлигини тасдиқлади. Ахир, бу ерлар Англиянинг қўлига кирмай қолса, Англиянинг иззат-нафсига катта путур етади-ку, деди.

Энг қаттиқ кураш Англия билан Америка ўртасида, доллар билан фунт стерлинг ўртасида бўлиш турган гап эди.


Шундай бўлса ҳам Европа давлатлари саноатчилар билан олимлар кенгашини чақирди. Узоқ баҳслашувлардан кейин ким ошди савдосида иштирок этишга қарор қилинди; бу савдонинг очилиш куни 3 декабрга белгилашиб, Балтиморада ўтказиладиган бўлди. Вакилларга кредитлар белгилаб берилди, улар бунга қаттиқ амал қилишлари лозим эди. Савдодан тушган пул масаласига келганда, у иши унча юришмаган беш харидор ўртасида тақсим қилинадиган бўлди; бу уларнинг зиёнини қопларди, шундан кейин улар сотилаётган бу ерларга бўлган ҳар қандай ҳуқуқларидан воз кечишлари лозим эди.

Нихоят, барча масалалар ҳал этилди, тегишли ваколатлар билан таъмин этилган вакиллар ўз мамлакатлари билан хайрлашиб, Америкага йўл олдилар ва Балтиморага белгиланган муддатдан уч ҳафта илгари етиб келдилар.

Шимолий Америка Штатларидан делегат «Шимолий қутб компанияси»нинг вакили ҳалиги Вильям Форстернинг ўзи бўлиб чиқди; унинг номи 7 ноябрда «Нью-Йорк Герольд» газетасида эълон қилинган эди.

Голландиядан йўғон, юзи қизил, яғрини кенг, ўрта бўйли, бир қанча йиллар Голландия Ҳиндистонида хизмат этган Яков Янсен келди. У ақл бовар қилмайдиган ишларга унчалик ишонмайдиган, дуруст одам эди.

Дания вакили Эрик Бальденак эди; у Гренландияда вице-губернатор бўлган, ўрта бўйли, калласи ҳаддан ташқари катта, жуда семиз одам эди; кўзи ўта хиррали-



гидан ҳар бир қоғозни де-ярли тумшуғи тагига келти-риб ўқирди; у қутб ерлари-га ўз давлатидан бошқа ҳеч бир давлатнинг ҳуқуқини тан олмасди.

Швеция билан Норвегия Ян Гаральдни юборишди; у христианиялик астрономия профессори, Норденшельд экспедициясининг энг ашад-дий тарафдорларидан бири бўлган соғлом, ранги тоза, соф шимолликларга хос са-риқ соқолли одам эди. У, одамга маълум бўлмаган сирли Қутб доираси нуқул музликлардан иборат, деган фикр тарафдори эди, шу-нинг учун ҳам бу масалага бепарво қарарди.

Россиядан Борис Карков келди; у ярим ҳарбий, ярим дипломат бўлиб, баланд бўйли, савлатли, соқол-мўйловли одам эди. Уни «Ши-молий қутб компанияси» ўйлаган бу ишда кейинчалик халқаро жанжалларга сабаб бўладиган бирон яширин мақсад йўқмикин, деган масала қизиқтирарди.

Ниҳоят, Англиядан вакил бўлиб майор Джон Донсл-лан билан секретари Дэн Тудринк¹ келди; бу ҳар икка-ла вакил ўз ватанидаги савдо-сотиқ ва саноат арбобла-рининг бутун хулқи, интилиши, хислатларини ўзларида акс этдиран эдилар. Шунингдек улар ўз миллатларига

¹ Инглизча todrink — ичмоқ, тўйиб ичмоқ дегани.

хос одат билан, ҳали ҳеч кимга қарашли бўлмаган шимолдаги, жанубдаги, экватордаги ва бошқа минтақадаги ерларни табиатнинг гўё улар учун мавжуд бўлган қандайдир қонунига кўра, ўзларига қарашли деб ҳисоблардилар. Секретари Дэн Тудринк эса, бутунлай унинг акси эди. Шўх, енгилтак, қўнғир соч, кичкина ўйпоқи кўзлари пирпираб турадиган шотландиялик бу йигитни аския ва ҳазиллари учун ресторан ва кофеларда яхши танишарди. Англиянинг бошқалар ерини босиб олиши масаласига келганда, у ҳам майор Донеллан сингари бир ёқлама ва мураса қилиб бўлмайдиган одам эди.

Афтидан, ҳар иккала делегат ҳам «Шимолий қутб компанияси» вакили билан ашаддий душмандек олишмоқчи эдилар, чунки Қутб ерларига дунё барпо бўлгандан буён инглизлардан бошқа ҳеч кимнинг дахли йўқ эди-да! Гарчи долларга қарши курашиш осон бўлмаса-да, улар қутбни янкилар чангалидан сақлаб қолмоқчи эдилар!

Шуни ҳам айтиш керакки, гарчи Франция актив аралашидан бош тортган бўлса-да, ҳар ҳолда Балтиморага бир француз инженери етиб келди. У гўё томошабин сифатида шунчаки ишнинг боришини кузатгани келган эмиш.

Ҳамма вакиллар бошқа-бошқа пароходларда келишди. Ҳозирча улар фақат рақибларгина эди. Улар маълум даражада маблағ билан таъминланган, аммо



маблағларининг миқдори ҳар хил эди: бирови миллионга, бошқаси ундан камроқ, учинчи бирови эса кўпроқ пулга эга эди. Шуниси ҳам борки, ер шарининг бир бурчида бўлган бир бўлак ер учун уч ҳисса қиммат ҳақ тўлашни ҳеч ким истамасди.

Вакиллар Балтиморага етиб келишлари биланоқ газеталар яна ваҳима кўтара бошладилар: улар Қутб ерларининг сотилиши ҳақида фолбинлик қилишда бир-бирларидан ўтиб кетмоқчи бўлдилар. Ундан қанча фойда олиш мумкин? У ерда нималар қилиб бўлади? Музхоналарни ремонт қилса бўладими?— деб ёздилар.

Балтиморага етиб келгунга қадар ҳатто тасодифий учрашувлардан ҳам қочиб юрган вакиллар шаҳарга ўрнашишлари ҳамано бир-бирлари билан танишиб олдилар. Ҳар қайси вакил пароходдан тушиб сирли «Шимол» қутб компанияси»нинг вакилини топамакда, ундан компаниянинг яширин мақсадларини, бу иш қандай фойда келтиришини муфассал сўраб билиб оламан, деб умид қилган эди. Бироқ Форстер треска балиқ сингари гунг бўлиб чиқди; балки унинг ўзи ҳам ҳеч нарсани билмас. Умидларининг пучга чиққанига тўла ишонганларидан кейин, улар бир-бирлари билан аҳил бўлишди. Вакиллар ўзаро суҳбатлашиб, бир-биридан нимага интилаётгани, нима ниятда эканини сингаб кўра бошладилар: улар ўзларининг кўзга кўринмайдиган, аммо лекин даҳшатли рақибларига қарши иттифоққа ўхшаш бир нарсани тузиш ниятида эдилар. Шу мақсад билан 22 ноябрда майор Донеллан билан унинг секретари турган бинодаги «Уолсли» меҳмонхонасида вакиллар кенгашига ўхшаш бир мажлис бўлиб ўтди. Бу йиғилишнинг ташаббускори рус вакили Борис Карков бўлди, у юқорида айтиб ўтганимиздек, жуда ўткир дипломат эди.

Гап профессор Гаральднинг: шу ерга тўпланган ҳамкасбларнинг бирортаси янги компаниянинг саноат ва

савдо-сотиқ ишларидаги мақсадлари ҳақида қандай бўлмасин бирор маълумот ололмадим, деган саволи билан бошланди. Ана шунда ҳаммаларининг Форстердан бирор нарса билиб олишга уриниб, ҳеч нима билолмаганликларини ошкор бўлиб қолди.

— Менинг сира омадим юришмади,— деб иқрор бўлди Эрик Бальденак.

— Мен ҳам бекорга овора бўлдим,— деб қўшиб қўйди Янсен.

— Мен бўлсам,— деб гап бошлади Дэн Тудринк,— иш бундай бўлди: Хай-стритдаги магазинга кирган эдим, у ерда цилиндр кийган, қора камзулли, устига иягидан товонигача тушадиган узун оқ фартуқ тутган, семиз бир жанобни учратдим. Унга ўзимни танитганимдан сўнг, майор Донеллан номидан айрим маълумотлар олгани келганимни билдирдим; бунга жавобан у, ҳозиргина Нью-Фаундленддан янги треска балиғи ортилган «Жануб юлдузи» деган пароход келганини, Ардринель ва К^о фирмаси ҳисобидан шу балиқнинг каттагина бир қисмини менга бера олишини айтди.

— Хўш, нима бўпти,— деди голландиялик вакил, у ҳамма ишга ишончсизлик билан қарар эди,— менимча, номаълум бир музликларни сотиб олиб, пулни сувга оқизгандан кўра, треска балиғини сотиб олган яхшироқ.

— Гап треска балиғи устида кетаётгани йўқ,— деб гапни бўлди майор Донеллан, дағаллик билан гердайнб,— гап Қутб доираси тўғрисида борапти, уни...

— Америка ютиб юбормоқчи!— деди ҳазил билан Дэн Тудринк майорнинг гапини тамомлаб.

— Бу ер унинг томоғига тиқилиб қолмасмикин?— деб қўйди Борис Карков.

— Такрор айтаман,— деди бояги оҳангда сўзини давом этдириб Донеллан,— гап треска балиғи устида бораётгани йўқ, Америка «Шимолӣ қутб компанияси» баҳо-

наси билан 84° шимолий кенглик тепасидаги 400 000 квадрат миля майдонни сотиб олмоқчи бўлаётгани тўғрисида боряпти...

— Буларнинг ҳаммаси бизга аллақачон маълум, майор Донеллан,— деди бу гап унинг гапини бўлиб профессор Гаральд.— Энди бизни ҳаммадан кўпроқ қизиқтирган нарса, Американинг бу денгизлардан, территориядан қандай фойдаланмоқчи эканлиги ва...

Майор Донеллан учинчи марта такрорлади:

— Гап треска балиғи устида бораётгани йўқ. Қандайдир бир давлат ер шарининг бир қисмини сотиб олмоқчи, ваҳоланки бу ер ўзининг географик ҳолати жиҳатидан мутлақо Англияники бўлиши керак...

— Россияники,— деди полковник Карков.

— Нима учун Голландияники эмас?— деб қолди Янсен.

— Асли Швеция билан Норвегияники,— деб гап қистирди профессор Гаральд.

— Менингча Данияники бўлиши керак,— деди Эрик Бальденак.

Вакилларнинг тепа сочи тик бўлди, тинчгина ўтаётган мажлис қизғин баҳслашувга айланиб кетаётган эди, лекин шу пайт Дэн Тудринк гап бошлаб қолди:

— Менинг шеригим,— деди у ниҳоятда мулоим оҳангда,— аллақачон ҳал бўлган масала тўғрисида гапиряпти: Қутб доираси ким ошди савдоси билан сотилиб, ҳаммадан кўп ҳақ берганнинг шахсий мулкига айланадиган бўлди. Маълумки, бу ерга тўпланганларнинг ҳар бири ўз давлати томонидан вакил қилиб юборилган ва унга маълум миқдордаги пул ишониб топширилган. Шундай бўлгандан кейин синдикат¹ тузсак маъқул бўл-

¹ С и н д и к а т—устама фойда олиш учун бирлашган капиталistik корхона. Синдикат хом ашёга арзон ҳақ, тайёр маҳсулотга қиммат ҳақ белгилайди.

масмикин? Ахир, бу бизга «Шимолий қутб компанияси»-нинг даъволарига бирлашиб зарба бериш имконини беради-ку?

Вакиллар бир-бирларига қараб қўйишди. Синдикат-а! Чакки эмас! Ҳозирги пайтда саноатда ҳам, сиёсатда ҳам бу гап ниҳоятда расм бўлиб қолган. Нафас оласанми, ичасанми, ейсанми, ухлайсанми — ҳуллас ҳаммасига биронта синдикат рухсат бериши керак.

Аммо ҳали ҳамма нарса равшан эмас эди.

— Хўш, кейин нима бўлади?— деб сўради Янсен.

— Ҳа, дарвоқи... Борингки, синдикат сотиб олсин ҳам. Хўш, шундан кейин у сотиб олган нарсасини нима қилади?..

— Менга қолса, Англия...— деб сўз бошлади майор Донеллан совуққина.

— Россия ҳам,— деб қўшиб қўйди полковник Қарков, қошларини чимириб.

— Голландия ҳам,— шошганича қўшиб қўйди Янсен.

— Дания мавжуд бўлган даврдан эътиборан...— деб бошлади Эрик Бальденак.

— Шошманглар, шошманглар,— деб яна гапга аралашди Дэн Тудринк.— Жанжаллашишнинг нима кераги бор?.. Яхшиси синдикат масаласига қайтайлик...

— Хўш, ундан кейин нима бўлади?— деб саволини такрорлади Гаральд.

— Кейинми?— деди Дэн Тудринк.— Мана бундай бўлади: Қутб ерларини сотиб олганингиздан кейин, ундан ё ҳамма фойдаланади, ёки тўрт давлат уни маълум миқдордаги пул эвазига бешинчи давлатга шахсий мулк қилиб беради. Ҳар ҳолда, биз бу билан асл мақсадимизга эришамиз: Америка унга даъвогарликдан батамом маҳрум этилади.

Инглиз секретарининг таклифи ҳаммага маъқулдай кўринди; бу юзаки қараганда шундай эди, албатта,

чулки гап қолган тўртта мамлакат ўз ҳиссасини бериши лозим бўлган бешинчи давлатни танлашга келиб етганда эди, барча вакиллар бир-бирларининг сочини юлишдан ҳам тоймасди. Ҳар ҳолда, Тудринк ҳаққоний гапни айтди: Американинг бу ерларга эга бўлишдан бутунлай маҳрум этилиши жуда соз эди.

— Оқилона фикр,— деб маъқуллаб қўйди Эрик Бальденак.

— Ҳа, жуда маъқул фикр,— деб қўшилди полковник Карков.

— Ажойиб,— дея тасдиқлади Янсен.

— Қойил,— деди Гаральд.

— Нақ инглизчасига,— деб мақтаниб қўйди майор Донелланнинг ўзи ҳам.

Ҳар ким тил учиди бир сўз айтар, дилида эса қулай пайт пойлаб, ўз шерикларига панд беришни мўлжалларди.

— Демак,— деди Карков,— масала ҳал: агар биз синдикат ташкил этсак, ҳар бир давлат келгусида мустақил ҳаракат эта олади. Тўғрими?

Ҳамма маъқуллади.

Энди ҳар бир вакилнинг ихтиёрида қанча маблағи борлигини аниқлашгина қолган эди. Пулни бирга қўшиш ксрак, ана ўшанда жами пул шубҳасиз «Шимолий қутб компанияси» ихтиёридаги пулдан ортиқ бўлиб чиқар эди.

Маблағ тўғрисидаги масалани ҳам ўша Тудринкнинг ўзи таклиф этди. Лекин шу вақт кутилмаган бир ҳодиса юз берди.

Чуқур сукунат чўкди.

Ҳеч кимнинг миқ этгуси келмасди. Чўнтакдан пул чиқариш олдиндан ўз сирини ошкор қилиб, ўз ихтиёридаги бор-йўқ пулини рақибига билдириб қўйиш бўлади-ку? Ўўқ, катта раҳмат-э! Агар синдикат аъзолари ўртасида



жанжал чиқиб қолса-чи? Умуман вазият ўзгармай қолади деб бўладими? Йўқ, йўқ, сира ҳам! Бу бўлажак ўйини ниҳоятда эҳтиёткорликни талаб этади. Кармонинг-лаш пулни чиқариб ташламоқ — уни қўлдан бой бермоқ демакдир.

Тудринкка икки хил жавоб бериш мумкин эди: ё ўз маблағини кўп қилиб кўрсатиш (бу эса нақд пулни ўртага ташлашга тўғри келганда ноқулай аҳволга солиб қўйиши турган гап эди), ёки аксинча, уни жуда камайтириб кўрсатиш керак эдики, шунда синдикатнинг ўйлаган бутун иши ҳазилга айланиб кетарди.

Бу кейинги фикр даставвал голландиялик вакилнинг миясига келди, вакил инглиз секретарининг таклифига жиддий эътибор бермаган эди; ўз-ўзидан маълумки, бошқа вакиллар ҳам бу фикрга дарров ёпиша қолншли.

— Минг бор афсуски,— деди голландиялик вакил,— Қутб ерларини сотиб олиш учун ихтиёримда атиги эллик риксдалергина пул бор.

— Менинг ихтиёримда эса бори-йўғи ўттиз беш сўм бор, холос,— деди Россия вакили.

— Мен йигирма кронга эгаман,— деди Швеция билан Норвегия вакили.

— Менда эса ундан ҳам кам: атиги ўн беш крон бор,— деди Дания вакили.

— Нима ҳам дердик, бу сизларнинг фойдангиз,— деди майор Донеллан ўзига хос менсимаслик оҳанг билан.— Афтидан, Қутб ерлари сизларга насиб бўладиганга ўхшайди, чунки Англия унга атиги бир ярим шиллинг таклиф этмоқчи.

Шу билан Эски дунё вакилларининг кенгаши тамом бўлди.

III БОБ

бу бобда арктика ерлари сотилади

Нима учун 3 декабрга белгиланган Шимолий қутб савдоси мебель, идиш-товоқ, ашқол-дашқол асбоблар — қисқаси, ҳар хил кўчириладиган буюмлар сотиладиган оддий аукцион залда ўтказиладиган бўлди? Кўчирилмайдиган мулк сотилаётганидан кейин аукционни нима учун одат бўйича нотариус идорасида ёки суднинг граждан бўлимида ўтказишмайди? Гап ер шарининг бутун бир бўлагини сотиш устида борар экан, баҳоловчининг нима кераги бор? Ахир мутлақо кўчириб бўлмайдиган Шимолий қутбни кўчириладиган оддий мулкка тақозо қилиб бўладими?

Бу бемаъни бўлиб кўринса-да, лекин рост гап эди. Шимолий доира оддий уй ашёлари каби сотилса ҳам васиқа кучи ўз қимматини сира йўқотмасди. Аммо ик-

кинчи томондан олганда, бу савдо «Шимолий қутб компанияси» ўзининг кўчирилмас мулкига кўчириб бўладиган нарса деб қараётганини билдирмасмикин? Бу ғалати ишлар фаҳм-фаросатли одамларни ниҳоятда ҳайратда қолдирди; тўғри, бундай одамлар Қўшма Штатларда унча кўп эмас эди.

Ишнинг ғайри табиийлиги ким ошди савдоси бўладиган кунда зўр оломоннинг йиғилишига сабаб бўлди; тўп-ланганлар жазман харидорлар бўлмаса-да, ҳар ҳолда ишнинг охири нима билан тугашини сабрсизлик билан кутувчилар эди. Ҳақиқатан ҳам бу ким ошди савдосининг ниҳоятда қизиқ бўлиши кутилardi.

Бунинг устига шуни ҳам айтиб ўтмоқ керакки, Балтиморага Европа вакиллари келиши биланоқ уларга катта иззат-ҳурмат ва илтифот кўрсатилди; бироқ газета мухбирлари уларга сира тинчлик беришмади. Шунинг учун ҳам одамлар орасида, Америкада ҳамиша бўладиганидек, катта шов-шув кўтарилди. Одамлар ўз ҳаяжонларини босолмай, унар-унмасга бас бойлашарди. Мамлакатдаги барча гражданлар алоҳида фикрга эга бўлган айрим группаларга бўлиниб кетган бўлсалар-да, аммо умуман олганда ҳаммаси ўз ватандошлари тарафида эди, албатта. Америкаликлар Шимолий қутбга ҳаво ранг юлдузли байроқ ўрнатилади деб умид қилардилар. Аммо бу умид ташвишдан холи эмас эди. Америкаликларга Россия ҳам, Дания ҳам, Швеция билан Норвегия ҳам, Голландия ҳам унча қўрқинчли эмасди-ю, аммо бу ерда босқинчилиқни даъво қилувчи, зўр бериб ҳамма нарсани босиб олишга интилувчи, пул сарфлашда хасислик қилмайдиган пулдор Англия бор эди. Худди пойга мусобақаларида бўлганидай, баъзи бировлар Англия учун бас бойласа, бошқалар Америка учун бас бойлашди; бу ҳарикки давлат учун бас бойлаган одамларнинг сони деярли баробар эди. Қолган тўрт давлат учун ҳеч ким гаров

ўйнамади. Гарчи ким ошди савдоси соат ўн иккига тайинланган бўлса-да, қизиқувчилар эрталабданоқ Болтон-стритга тўпланиб, кўча ҳаракатига халақит бера бошлашди. Ғала-ғовур ҳаддан ошиб кетди. Телеграф бундан бир кун илгариёқ бутун Европа газеталарига хабар бериб, америкаликлар таклиф этган гаровнинг кўпини инглизлар қабул қилганини билдирди; бундан ташқари, бу тўғрида Тудринкнинг буйруғи билан аукцион залнинг деворларига дарҳол эълонлар осиб қўйилди. Халойиқ ўртасида, инглиз ҳукумати майор Донеллан ихтиёрига анчагина маблағ берган эмиш, Арктика ерлари аллақачон Адмиралтейство лордлари томонидан мустамлака рўйхатига киритиб қўйилганмиш, деган овоза тарқалди.

Бу гапларнинг ҳаммаси қанчалик тўғри эканини ҳеч ким билмасди; аммо шу кун Балтиморадаги энг эҳтиёткор ва зукко кишилар ҳам, мабодо «Шимолий қутб компанияси» ўз ҳолига ташлаб қўйилса, у ҳолда Англияга қарши курашда муваффақиятсизликка учрайди, деб ўйладилар.

Бу ҳол шундай ваҳима туғдирдики, баъзи серзарда янкилар дарҳол Вашингтон ҳукуматига таъсир ўтказишга уриниб кўрдилар. Камтарин Форстерни вакил қилган компаниянинг ўзи эса, ҳаммани чулғаб олган ҳаяжонни мутлақо сезмагандай ва ғалаба қилажасига олдиндан ишонгандай бепарво эди.

Белгиланган соат яқинлашган сари оломон тобора кўпая борди, ким ошди савдоси бошланишига уч соат қолди деганда Болтон-стрит шу қадар одамга тўлиб-тошган эдики, аукцион залига ўтиб олишнинг сира иложи қолмади. Зал эшиги очилиши билан бир зумда залга одам лиқ тўлди ва игна ургудек бўш жой қолмади. Фақат вакиллар учун ажратиб қўйилган жойгина бўш турарди, холос.

У ерга беш Европа давлатининг вакиллари ўтиб олишди. Улар худди ҳужумга тайёр турган солдатлардай елкани-елкага тираб туришарди.

Ҳақиқатан ҳам улар Шимолий қутбга ҳужум қилмоқчи эдилар-да!

Америка томонидан, агар балиқ фермасининг агенти-ни ҳисобга олмаганда, бу гал ҳам ҳеч ким келмаганди; балиқчиннинг дағал юзидан теварак-атрофда бўлаётган ҳодисаларга тамом бепарво экани сезилиб турарди. У Нью-Фаундленддан келтириладиган янги треска балиқлари ҳақидагина бош қотираётгандек кўринарди. Халойиқ уни кўриб ажабланар ва: бу семиз одамни вакил қилиб юборган капиталистлар кимлар бўлди экан, хойна-хой бунда миллионлаб долларлар бор-ку, деб ўйларди. Бу ишга Мастон билан миссис Скорбитнинг алоқаси бор деган фикр ҳеч кимнинг хаёлига ҳам келмасди. Қандай қилиб хаёлга келсин? Ахир улар халойиқ орасида, ким ошди савдода иштирок этмайдиганлар ўртасида ўтирибдилар-да! Улар билан бирга Замбарак клубининг баъзи машҳур аъзолари, Мастоннинг ўртоқлари ҳам бор эди. Четдан қараганда, улар ҳам бу залда ўтирганлар сингари оддий томошабинлардай кўринарди. Форстер гўё улар билан таниш ҳам эмасдай эди.

Қизиғи шуки, бу гал сотиладиган нарсани одатдагидай халққа кўрсатиб қўйиш мумкин эмас эди. Ахир Шимолий қутб қандайдир бир безак ёки қадимий буюм эмаски, уни қўлдан-қўлга узатиб томоша қилинса ёки лупа билан қараб, устига югуртирилган тилласи сохта эмасмикин деб бармоқ билан ишқалаб кўрилса?

Залда қутбнинг ўзи бўлмаса ҳам, аммо баҳоловчининг орқасидаги деворда, йиғилган халойиқ ва бу ишга қизиққан барча шахсларнинг нақ рўпарасида, қутб атрофидаги ерларнинг каттакон картаси осиб қўйилган эди. Бу картада Қутб доирасидан ўн етти даража юқорид

бутун саксон тўртинчи параллель бўйлаб ярқираган чизик тортилган ва бинобарин, ер шарининг «Шимолий қутб компанияси» сотмоқчи бўлган қисми ажратиб қўйилган эди.

Бу ерлар қалин муз билан қопланган денгиздан иборат экани эҳтимолдан холи эмасди. Аммо бу томонни харидорларга тааллуқли иш эди. Ҳар ҳолда бу ерда кўз бўямачилик йўқ эди, чунки ҳар ким нима сотиб олаётганини яхши биларди.

Роса соат ўн икки бўлганда залнинг тўридаги кичкина эшикдан аукционнинг бошлиғи Эндрю Джилмор кириб, стол ёнидаги жойга ўтирди. Нархларни қичқириб айтиб турувчи, овози ҳаддан ташқари ўткир аукциончи Флинт бўлса, анчадан бери аукциончининг столини халойиқдан ажратиб турган панжара ёнида туя юриш қилиб, у ёқдан-бу ёққа одимламоқда эди. Бу ҳар иккала шахс бўлажак савдодан келадиган катта процентни ўз чўнтакларига солиб, ҳузур қилажакларига ишонганлари тўфайли олдиндан хурсанд эдилар. Ўз-ўзидан маълумки, америка қонунларига мувофиқ, буюм нақд пулга сотилиши ва пули дарҳол тўланиши лозим. Сотилган ернинг барча пули, қанча кўп бўлишидан қатъи назар, шу ондаёқ ер тегмаган вакилларнинг қўлига батамом топширилиши лозим эди.

Залда ким ошди савдонинг очилишини билдирувчи қўнғироқ чалинди.

Ниҳоят энг ҳаяжонли дақиқа бошланди. Бутун квартал, бутун шаҳардаги одамларнинг юраги шув этиб кетди; бутун Болтон-стрит ҳамда унинг теварак-атрофидаги кўчалар бўйлаб шовқин-сурон кўтарилди, зал деворлари ларзага келди.

Эндрю Джилмор шовқин ва ҳаяжоннинг бир оз босилишини кутиб туришга мажбур бўлди.

Ниҳоят у ўрнидан туриб, залдагиларни кўздан кечи-

риб чиқди; сўнгра моноклини¹ олиб, ҳаяжонли овоз билан сўз бошлади:

— Ҳукуматимиз таклифига кўра, шунингдек Янги ва Эски дунё давлатлари розилиги билан Шимолий қутб атрофидаги, саксон тўртинчи параллель билан чегарадош бўлган ерларни сотиш белгиланган. Ундаги қуруқлик, денгиз, ороллар, оролчалар, муз майдонларидан иборат бўлган жойлар, унда мавжуд бўлган қаттиқ ёки суюқ нарсаларнинг барчаси бирга сотилади. Диққатингизни картага жалб этаман,— деб давом этди у, энг сўнгги текширишлар асосида тузилган географик карта-ни бармоғи билан кўрсатаркан.— Бу участканинг майдони тахминан тўрт юз етти минг квадрат милладан иборат. Сотиш қулай бўлсин учун ҳар бир квадрат миля алоҳида баҳоланади. Шу туфайли ҳар бир цент тўрт юз етти минг центга, бир доллар эса, тўрт юз етти минг долларга тенг деб ҳисобланадиган бўлди... Жим!..

Сўнгги илтимоснинг важи бор эди: залда шундай шовқин кўтарилган эдики, ҳеч нарсани эшитиб бўлмасди. Ниҳоят, Флинт туман ичида қолган кеманинг бўкиришига ўхшаш овози билан қичқиргандан кейингина одамлар бир оз тинчланди ва Джилмор ўз нутқини давом этдира бошлади:

— Ким ошди савдони бошлашдан олдин бу савдо шартларидан бирини эслатиб ўтишни бурчим ҳисоблайман, чунончи: қутбдаги жойлар сотиб олувчининг хусусий мулки бўлиб қолади ва келгусида қандай географик ёки метеорологик ўзгаришлар юз бермасин, мулкка бўлган эгалик ҳуқуқи абадий ўзгармайди.

Яна ўша сирли изоҳ тилга олинди: у баъзиларнинг кулгисини қистатган бўлса, бошқа бировларни беихтиёр шубҳага соларди.

¹ М о н о к л ь — бир кўзга тутиладиган кўзойнак.



— Аукцион очик!— деб эълон қилди титроқ овоз билан Джилмор, қўлига фил суягидан ясалган болғачани олиб.

У болғачани аукциончига хос ҳаракат билан баланд кўтариб, тўнғиллаган овоз билан қичқирди:

— Савдо бошланди: бир квадрат миляга ўн цент.

Ўн цент ёки долларнинг ўндан бир қисми, демак бутун Қутб доирасининг нархи ҳаммаси бўлиб қирқ минг етти юз доллардан иборат.

Дания вакили нархни биричи бўлиб оширди.

— Йигирма цент!— деди у.

— Ўттиз цент!— деб қичқирди Янсен Голландия номидан.

— Ўттиз беш!— деди Гаральд Швеция билан Норвегия номидан.

— Қирқ!— деди Борис Карков Россия номидан.

Бу дастлабки баҳони бир юз олтмиш минг саккиз юз долларга ошириб юборди, ваҳоланки аукцион эндигина бошланган эди.

Шуни ҳам айтиб ўтиш керакки, Англия вакили ҳалигача лоақал оғзини очгани йўқ, унинг маҳкам қимтилган лаблари орасидан лом-мим деган овоз чиқмади.

Треска балиғи билан савдо қилувчи фирма вакили Форстер ҳам қўлида газета ушлаб жим ўтирар, гўё савдо-сотик хабарларини ўқиш билан банд эди.

— Бир миляси қирқ цент,— деб такрорлади баланд овозли Флинт, сўзларини ҳижжалаб,— қирқ цент!

Майор Донелланининг тўрт шериги бир-бирларига қараб қўйишди. Наҳотки улар бор буди-шудларини айтиб қўя қолган бўлсалар? Наҳотки улар шу дақиқадан бошлаб савдода қатнашишдан четга чиқиб қолсалар?



— Яна такрор айтаман, қирқ цент,— деди Джилмор.— Ким ошади? Қирқ цент!.. Армонда қолманглар, Шимолий қутб қимматроқ турса керак...

Дания вакили чидаб тура олмай:

— Эллик цент!— деб қичқирди.

Голландия вакили яна ўнни қўшди.

— Милясига олтмиш цент...— деди Флинт яна янгроқ овози билан.— Олтмиш цент!.. Ким ошади?..

Энди анчагина катта пул — икки юз қирқ тўрт минг доллар ҳосил бўлди.

Голландия вакилининг ошириши залдагиларга яхши таъсир қилди шекилли, маъқуллаган шов-шув кўтарилди. Жуда ғалати, лекин шу билан бирга одатдаги бир ҳол сезилди: залда ўтирган, ёнида бир чақаси бўлмаганлар, бу доллар ўйинида қатнашувчиларга қараганда кўпроқ манфаатдордай ҳаяжонда эдилар.

Янсенининг сўнгги ошириши майор Донелланга ҳам бирмунча таъсир қилди: у бошини кўтариб, Тудринкга қаради, аммо Тудринк билинар-билинемас бошини чайқан эди, майор жим қолди.

Форстер бўлса илгаригидай берилиб газета ўқир ва аҳён-аҳёнда газета четига қалам билан қандайдир белгилар чизиб қўярди.

Оломон ичда турган Мастон миссис Скорбит билан кўз уриштирар ва Скорбитнинг жилмайишига жавобан маъқуллагандай бошини қимирлатарди.

— Хўш, нима бўлди, бирдан ҳаммаларингиз жим қолдинглар?— деб давом этди Джилмор.— Тезроқ бўлинглар!.. Аукцион ҳаддан ташқари чўзилиб кетяпти!.. Демак, ҳеч ким оширмайдими?.. Тугатса бўладими?..

У шундай дер экан, қўлидаги фил суягидан ясалган болғачасини гоҳ кўтариб, гоҳ тушириб, уни охириги марта уришга шайлади.

— Етмиш цент!— деди Гаральд мужмалроқ қилиб.

— Саксон!— деб қичқирди Борис Карков, рақиб гапини тамомлаши биланоқ.

— Хўп!.. Саксон цент!— деди Джилмор; унинг катта юмалоқ кўзлари нарх ошган сари кўпроқ чақнамоқда эди.

Дэн Тудринк бир имо қилган эди, майор Донеллан худди пружинада ўтиргандай ўрнидан ирғиб турди.

— Юз цент!— деди шартта Буюк Британия вакили.

Бу икки сўз билан Англия тўрт юз етти минг доллар бериш мажбуриятини ўз гарданига олди. Инглизлар

томони бўлиб бас бойлаганлар «ура» деб қичқириб юборишди, халойиқнинг кўпи унга қўшилди; бироқ бошқалар — Америка учун бас бойлаганлар бўлса, бир-бирларига қараб қўйишди. Улар, афтидан, ишнинг бундай хунук тус олганидан ҳафсалалари пир бўлгандай эдилар. Ҳазил гап эмас: тўрт юз етти миң доллар-а! Шунча пулга арзнийдиган бирон нарса бўлса ҳам гўрга эди-я, лекин ярим миллионга яқин доллар айсберглар¹ ва муз майдонлари учун бериляпти-да. Аммо сирли «Шимолий қутб компанияси» вакили ҳамон миқ этмас, лоақал бир марта бошини кўтармасди. Наҳотки у ҳамма вақт шундай, бир марта ҳам нархни оширмай, индамай ўтираверса! Эҳтимол у Дания, Голландия, Швеция ва Россия вакиллари ўз маблағларини тугатиб бўлишларини кутиб, фурсат пойлаб ўтиргандир, деб фараз қилайлик, аммо бу пайт келди шекилли. Ҳеч бўлмаганда майор Донеллан айтган рақамни — «юз цент»ни эшитиб ҳамманинг чекинишга тайёр экани аниқ кўриниб турибди-ку.

— Бир квадрат миля учун юз цент!— деб икки марта такрорлади баҳоловчи.

— Юз цент!.. Юз цент!.. Юз цент!..— баланд овоз билан такрорлади аукциончи.

— Ким ошади?— деб сўради Джилмор.— Демак, ҳал эканда?.. Кейин ҳеч ким афсусланмайдими?

У шу сўзларни айтаркан, болғачасини кўтариб қаттиқ ҳаяжондан нафас ютмай ўтирган одамларга бир-бир қараб чиқди.

— Бир!..— деди у болғачаси билан уриб,— икки!..

— Бир юз йигирма цент!— деди Вильям Форстер, хотиржамлик билан газетанинг бошқа томонини ўғирар экан, ҳатто бошини ҳам кўтармай.

¹ Муз тоғлар.

— Гип! Гип!— деб юборишди Америка учун бас бойлаганлар.

Майор Донеллан ҳам ғурур билан кеккайиб қўйди; унинг узун бўйни беихтиёр у ёқ-бу ёққа айланар, изгичка лаблари эса чўччайиб турарди. У американ компанияси вакилига тез кўз ташлаган эди, у ҳатто пинагни ҳам бузмади.

— Бир юз қирқ!— деди майор Донеллан.

— Бир юз олтмиш!— деб қўйди Форстер.

— Бир юз саксон!— деб дўриллади майор.

— Бир юз тўқсон!— деб мингиллади Форстер.

— Бир юз тўқсон беш цент!— деб қичқирди Англия вакили гўё бутун Америка Штатларини курашга чақираётгандай қўлларини кўксига қўйиб.

Залда шу қадар жимжитлик бошландики, пашшанинг учганини, ўрмалаётган қуртнинг шитирлашини ҳам эшитиш мумкин эди. Гўё ҳозир шу ерда ўтирган ҳар бир одамнинг тақдири майор Донеллан қўлида эди. Унинг у ёқдан-бу ёққа айланиб турган боши энди қимир этмасди. Дэн Тудринк аксинча қиртиллатиб гарданини қаширди. Джилмор бир лаҳза жим турди, бу вақт ҳаммага жуда узоқ бўлиб туюлди. Балиқ фермасининг вакили ҳамон бояғидай газета ўқир ва унинг четларига қалам билан қандайдир белгилар чизарди, афтидан, Шимолий ерларни сотиш ишига сира алоқаси йўқдек кўринарди.

Наҳотки унинг ҳам ҳамёни бўшаб қолган бўлса? Наҳотки сал бўлса ҳам нархни оширишдан бош тортса? Наҳотки ҳаддан ташқари катта кетганини ва музликдан иборат бўшлиқ учун шунча пул бериш уччига чиққан телбалик эканини англаган бўлса?

— Бир юз тўқсон беш цент!— деб такрорлади аукциончи.— Болғани ураман!..

У болғачасини столга урмоқчи бўлиб, баланд кўтарди.

— Бир!.. Икки!

— Тамомланг!.. Тамомланг!..— дейишди аукцион бошлиғининг мужмаллигидан тоқати тоқ бўлган кишилар.

— Бир!.. Икки!!— деб такоррлади у яна.

Ҳамманинг кўзи «Шимолий қутб компанияси» вакилида эди.

Бу ғалати одам бўлса чўнтагидан каттакон катак-катак ҳарир рўмолини чиқариб, шошмасдан бурнини қаттиқ қоқа бошлади. Мاستон билан миссис Скорбитнинг кўзлари ҳам бу йўғон одамда эди; иккаловнининг гоҳ оқариб, гоҳ қизариб турган юзларидан уларнинг ўз ҳаяжонларини яшириш учун қийналаётганларини фаҳмлаш қийин эмасди. Вильям Форстернинг майор таклиф этган пархни оширишга шу қадар шошмай, иккиланиб туришининг сабаби нимада экан?

Шу орада Форстер бурнини бир марта, иккинчи марта ва, ниҳоят, учинчи марта қоқиб олди-да, шундан сўнггина оҳиста минғиллаб:

— Икки юз цент!— деб қўйди.

Бутун зал ларзага келиб кетди ва бир дақиқадан сўнг ҳавода шу қадар қаттиқ «Гип!.. Гип!..» деган ҳайқириқлар янградики, дераза ойналари жиринглаб кетди. Майор Донеллан донг қотиб қолди: у ўзидан бадтар гапга қолган Тудринк ёнидаги стулга худди оёғидан чалингандай гул этиб ўтирди. Қутб ерларининг баҳоси саккиз юз минг долларга етказилган эди; афтидан, Буюк Британия вакилининг бу суммадан ошишга ҳақи йўқ эди.

— Икки юз цент!— деди Джилмор.

— Икки юз цент!— деди унинг кетидан Флинт.

— Бир!.. Икки!.. Ким ошади?..

Майор Донеллан беихтиёр яна ўрнидан туриб, ҳамма вакилларни кўздан кечириб чиқди. Афтидан, улар Ши-

молний қутбни америкаликлардан сақлаб қолишни фақат ундан умид қилардилар. Аммо бу, инглиз вакилининг сўнгги зўр бериши эди. У гапирмоқчи бўлган эди-ю, лекин бир сўз ҳам айта олмай яна жойига ўтирди. Англия ўз рақибига ён берди.

— Уч!— деб қичқирди Джилмор; болғачанинг тақиллаган товуши зални тутиб кетди.

— Гип!.. Гип!.. Гип!..— деб бақирди Қўшма Штатлар учун бас бойлаганлар.

Аукционнинг қандай тугагани тўғрисидаги хабар бир зумда бутун Балтиморага тарқалди, телеграф симлари бўлса бу хабарни Эски ва Янги дунёнинг ҳамма бурчакларига етказди.

Шу пайдан бошлаб Қутб доираси «Шимолий қутб компанияси»нинг мулки бўлиб қолди. Эртаси куни Форстер, америка қондаларига биноан, Қутб ерларини ким томонидан сотиб олинганини эълон қилгани жўнаб кетди. Ундан ўша кишининг номини сўраганларида у: Барбикен ва К^о, деб жавоб қайтарди.

IV БОБ

бу бобда ёш китобхонларимизнинг эски танишлари пайдо бўлади

Барбикен ва К^о!.. Замбарак клубининг раиси! Ҳақиқатан ҳам ажабланидиган нарсалар! Бундай ҳолларда артиллериячилар нима қилишлари керак? Мана ҳозир буни билиб оламиз.

Китобхонларни Балтиморадаги Замбарак клубининг раиси Импи Барбикен, капитан Николь, Мастоун, ёғоч оёқли Том Гентер, чарчамас Билсби, полковник Блемс-бери ва уларнинг кўпгина бошқа ўртоқлари билан расмий таништириб ўтириш керакмикин? Албатта йўқ! Китобхонлар уларни билишади-ку! Тўғри, бу тентаклар Ойга боришга уриниб, бугун дунёда шов-шув кўтарган-

ларидан бери ўтган йигирма йил ичида анча қариган бўлсалар-да, асосан ўша-ўша бурунгидай эдилар. Уларнинг ҳаммасида бирор нарса етишмас: бирининг оёғи, бирининг қўли йўқ эди; шундай бўлса ҳам улар ҳалигача тап тортмас, энг ғайри табиий саргузаштларни ҳам ўйламай-нетмай бошлашга тайёр турган одамлар эди. Анча вақт ўтганлигига қарамай бу истеъфо берган артиллериячилар легиони ўзгармади — яроқсиз бўлиб, эски қурол-аслаҳа музейларини безаб турган замбараклар сингари улар ҳам шундай ўзгармай қолаверди.

Агар Замбарак клуби бундан йигирма йил муқаддам, яъни ўзи ташкил топган биринчи йилдаёқ саккиз юз ўттиз уч аъзога эга бўлган бўлса (маълумки, биз аъзо деб одамларнинг тана аъзоларини, оёқ-қўлларини эмас, уларнинг ўзини назарда тутамиз, чунки бу пухсаларнинг кўпида ўша вақтдаёқ бу жиҳатдан катта нуқсонлар бор эди), биз тасвирлаётган замонда эса улар анчагина кўпайган эди, албатта. Клуб аъзоларининг бутун дунёга машҳур бўлган энг сўнгги ҳаракатидан, яъни Ой билан алоқа бошлашга уриниб кўрганларидан сўнг уларнинг сонни айниқса кўпайган эди. Ўз даврида бутун дунёга довуғи кетган бу машҳур воқияни китобхонларга бир неча сўз билан эслатиб ўтсак ортиқча бўлмас.

Шимол ва Жануб ўртасида бўлган урушдан сўнг бир неча йил ўтгач, Замбарак клубининг баъзи аъзолари бекорчиликдан зерикиб, каттакон тўп воситаси билан Ойга снаряд чиқармоқчи бўлдилар. Шу мақсад билан каттакон тўп ясалиб, Флорида ярим оролида ўрнатилди. Тўғри, бу тўпдан отилган цилиндр-конус шаклидаги алюмин снаряд белгиланган жойга бориб етмай, Ерга қайтиб тушган эди.

Снаряд ичида клуб раиси Импи Барбикен билан капитан Николь бор эди. Учинчи пассажир турли саргузашт-

ларга ниҳоятда ишқибоз бўлган бир француз эди. Буларнинг ҳар учаласи ҳам бу сафардан соғ-саломат қайтишди. Шундай бўлса ҳам бу учиндан олинган таас-сурот шу қадар кучли эдики, америкаликлар бундай ишларда яна қатнашиш истагини йўқотмаган бўлсалар, аммо француз иккинчи марта бундай сафарнинг ёнига йўламайдиган бўлди; у Европага жўнаб кетди, афтидан полизига карам экиб, тинч ва яхши яшаб юрган бўлса керак.

Барбикен билан Николь шуҳрат қозониб, ўз шаҳар-ларига қайтиб келгач, бир қанча вақт дам олиб, тинч яшадилар, аммо бу тинчлик узоқ давом этмади.

Бу бетиним кишилар ҳамон янги зафарлар ва буюк ишлар тўғрисида хаёл сурардилар. Уларнинг пулдан камчилиги йўқ эди: уларда ёрдам варақаси билан Янги ва Эски дунёдан тўпланган маблағлардан икки юз минг долларга яқин пул қолган эди. Бундан ташқари, агар улар ўзларининг аллюминий снарядларида американинг барча шаҳарларини кезиб, ўзларини кўрсатиб юрсалар борми, яна анчагина пул тўплаган ва бунинг устига шуҳратларини ҳам янада оширган бўлардилар.

Барбикен билан клуб аъзолари ўз келажаклари тўғрисида ташвиш тортмасалар ҳам бўларди-ю, аммо улар зеркиб қолишди ва ўзларига овунчоқ топиш учун Шимолний қутбни сотиб олмоқчи бўлишди. Бироқ бу иш шу қадар кўп пул талаб этардики, агар миссис Скорбит сахийлик кўрсатиб ёрдам бермаганида, Америка Европани енгиб чиқолмаган бўларди.

Бу сахийликнинг сабаби қуйидагича изоҳланади:

Раис Барбикен билан капитан Николь қайтиб келган кунларидан бошлаб шуҳратлари ошиб кетди, аммо бу шуҳратнинг бир чеккаси бошқа бир одамга ҳам тегишли эди.

Китобхонларимиз гап клубнинг секретари, эпчил ва

гайратли Мастон тўғрисида бораётганини пайқаган бўлсалар керак, албатта. Ахир бу дадил ҳаракатнинг шуҳрат қозониши асосан унинг ажойиб ҳисоблашлари ва математик хулосаларига боғлиқ эмасми? Мабодо унинг шахсан ўзи снаряд билан учишда иштирок этмаган экан, бунга сабаб унинг бу таваккал саёҳатдан қўрққани эмас, балки ҳурматли тўпчининг атиги биргина чап қўли бўлганлигидадир. Унинг ўнг қўли ўрнида темир илгак бор эди; буниинг устига унинг бош суяги ҳам бутун бўлмай, гуттаперча ямоқ билан қопланган эди. Шунинг учун ҳам Мастонни Ойдаги аҳолига кўрсатиш — уларда Ердаги халқ тўғрисида ёмон таассурот қолдириш бўлар эди; ахир Ой Еримизнинг бир кичкина йўлдоши-ку. Ана шу сабабли Мастон қанча афсусланмасин ерда қолишга мажбур эди. Лекин у қўл қовуштириб ўтирмади: жуда катта ҳажмдаги телескопни қуришда актив қатнашди.

Телескопни Қояли тоғларнинг энг баланд жойига, Лонг чўққисига ўрнатдилар, Мастон ҳам ўша ерга кўчиб борди.

Мастон замбарак отилган пайтдан бошлаб, бу катта асбоб ёнидан жилмай, дўстларининг осмондаги дабдабали учишини кузатиб турди.

Кўп одамлар бу жасур саёҳатчилар энди Ер юзидан абадий йўқолди деб ўйлашди. Аммо кутилмаганда снаряднинг учиш йўли ўзгарди. Снаряд Ойга тушмай, унинг атрофидан эгри чизиқ чизиб ўтди-да, ниҳоятда тезлик билан Ерга, Тинч океан сувига қайтиб тушди.

Бу ҳақда дарҳол Мастонга хабар қилинди.

Замбарак клубининг секретари шошилиш равишда Қояли тоғлардаги обсерваторияни ташлаб, ўртоқларини қутқазгани югурди. Снаряд тушган жойда қутқазиш ишлари бошланди; содиқ Мастоннинг ўзи ҳам ўйлаб-нетиб турмай, дўстларини қутқазиш учун ғаввос кийимини кийиб олди.



Бироқ бундай тадбирлар кўришнинг ҳожати ҳам йўқ экан. Ажойиб суратда сувга шўнғиган снаряд кейинчалик Тинч океаннинг бетига қалқиб чиқди. Америка фрегати денгизчилари уни ушлаб олганларида, Барбикен, капитан Николь ва Мишель Ардан ўзларининг сузувчи турмаларида бемалол домино ўйнаб ўтиришган экан.

Мастон тўғрисида яна шуни ҳам айтиш керакки, бу ажойиб саргузаштларда қатнашиш уни ҳаммага машҳур қилди. Ўнг қўли ўрнида темир илгак бўлган, бош суяги гуттаперча ямоқли бу

одам чиройли эмас эди, албатта. У ёш ҳам эмасди — биз ҳикоя қилаётган замонда у эллик саккизни уриб қўйган эди. Аммо феъл-атворининг ажойиблиги, ўткир ақли, кўзларидан ўт чақнаб туриши, ҳамма нарсaga қизғин ҳавас билан қараши (унинг ажойиб математик экани ҳақида гапирмаса ҳам бўлади) миссис Скорбит назарида уни бекам-кўст, яхши одам қилиб қўйди.

Шуни ҳам айтиш керакки, бу бадавлат бева хотин математик ҳисоблашларга қобиляти бўлмаса-да (оддий қўшув-олув уни бош оғриғига мубтало қиларди), тушуниб бўлмайдиган ғалати бир феъли билан математикадан кўра математикларни айниқса ёқтирарди. Фокусчи стакан, бутилкалар билан осонгина иш қилгандай, турли «икслар» билан ўшандай муомала қилувчи ҳамда

$$SSS \varphi(x, y, z) \text{ а } x d y d z$$

каби формулаларни тушунувчиларни у жуда ҳурмат қиларди.

Мастон миссис Скорбитнинг ўзига мойил эканини тезда сезиб қолди; бироқ у бундан хурсанд бўлмади, балки аксинча, ташвишланиб қолди. У ўзини оила билан боғлашни хаёлига ҳам келтирмаганди. Бунинг устига бой бева унчалик ёш эмас (у қирқ бешни уриб қўйганди), узун тишлари, ориқ қомати, чаккаларига ёпишган сийрак сочлари унга ҳусн бағишламасди. Аммо бу америкалик беванинг давлати жуда катта эди. Тўғри, у Вандербилт, Гульд, Гордон Беннет ва Атлантик океани орқасидаги бошқа кўп миллиардерлар сингари бой бўлмаседа, ҳар ҳолда Нью-Йоркда бешинчи авеню¹даги меҳмонхонада уюштириладиган зиёфатда бемалол қатнаша олар эди; бу зиёфатда ҳар бирининг энг ками беш миллиони бўлган меҳмонларгина қатнашарди. Миссис Скорбит марҳум эри Джон Скорбит қолдирган беш миллионга яқин долларга эга эди, эри бу пуллари ни модални кўйлаклар ва тузлаган чўчка гўшти сотиб ордирган эди.

Маълумки, мабодо гап Мастоннинг шуҳрат қозониши устида борар экан, у ҳолда марҳум Джон Скорбитнинг беваси давлатидан маҳрум бўлишдан ҳам тоймасди, албатта. Шунинг учун ҳам миссис Скорбит Мастоннинг илтимосига кўра «Шимолий қутб компанияси» ўйлаган ишга бир неча юз минг доллар қўшишга жон деб рози бўлди. У Мастон иштирок этган иш буюк ва ажойиб бўлмай қолмайди деб ишонарди. Бу ишнинг тепасида Барбикен ва К^о тургани маълум бўлганидан кейин эса, ишончи янада ошди.

Шундай қилиб, миссис Скорбит Қутб доирасининг барчасига бўлмаседа, ҳар ҳолда анчагина қисмига эга бўлиб олди. Жуда сози Бироқ қадам етмайдиган бу

¹ Бешинчи авеню—Нью-Йоркнинг энг машҳур бойлари яшайдиган кўча.

ерлардан қандай қилиб фойда олса бўлади? Миссис Еванжелина Скорбитни бу масаланинг пулга оид томони жуда қизиқтирар эди, дунёдаги бошқа одамларни эса, бу Қутб ерларини сотишдан қандай натижа чиқар экан, деган масала қизиқтирарди.

Миссис Скорбит аукцион бошланишдан олдиноқ бир неча марта Мастонга мурожаат қилиб, бу масалани аниқлаб олмоқчи бўлди, лекин Мастон ўзидаги вазминликни сақлаб, жавоб беришдан бош тортаверди, бир оз сабр қилинг, кейин бутун жаҳонни ҳайратда қолдирадиган нарсани билиб оласиз, деди. У ҳадеб қистайверганда эса Мастон:

— Менга бемалол ишонаверинг, азизим миссис Скорбит!— деб қўйса бас, миссис Скорбит шу ондаёқ жим бўларди.

Замбарак клубининг секретари Еванжелина Скорбитга, Америка ўз рақибларидан устун чиққан экан, бу тантана учун мамлакат ёлғиз сиздангина миннатдор, деганида, Скорбитнинг нақадар қувониб кетганини асти қўяверасиз!

— Жилла бўлмаса энди бирор нарсани билишим мумкин дир?— деб сўради у.

— Тез кунда, тез кунда ҳаммасини билиб оласиз,— деди математик, ўз маъшуқасининг қўлини қаттиқ, американчасига силтаб.

Орадан бир неча кун ўтгач, «Шимолий қутб компанияси» Янги ва Эски дунёни тамом ҳайратда қолдирган янги бир лойиҳа ҳақидаги хабарни эълон қилди. Бу лойиҳага кўра, компания Шимолий қутбни сотиб олиб, ундан фойдаланармиш... яна нимасидан денг? Нақ кўмир конларидан эмиш.

У БОБ

Шимолий қутб яқинида тошқўмир конлари бўлиши мумкинми?

Мантикий фикр юритувчи ҳар бир кимсада даставвал ана шў савол пайдо бўлди.

— Шимолий қутбда кўмир қатламлари бўлиши мумкин эмас,— дейишарди баъзи бировлар.

— Ҳа, нега бўлмасин?— деб эътироз билдиришарди бошқалар.

Маълумки, тошқўмир конлари ер шарининг жуда кўп жойларида учрайди: кўмир Европада ва Американинг ҳар иккала қисмида жуда мўл, улар Африкада ҳам, Осиёда ҳам ва ҳатто Океанияда ҳам бор. Бундай конлар ер шари текширилганда унинг ҳамма геологик қатламларида топилмоқда; антрацит хусусан қадимги қатламларда, бошқа навлар кейинги қатламларда учрайди.

Саноат тараққий этган сари кўмир ҳам кўпроқ истеъмол қилина бошлади. Саноатнинг қорни фақат кўмир билан тўқ; у бошқа нарсани истеъмол қилмайди¹. Саноат кўмирхўр мечкай ҳайвон. Бундан ташқари, кўмир фақат ёқилган бўлибгина қолмай, ҳозирги техника ундан ҳар хил маҳсулотлар ишлаб чиқаради. Кўмир лаборатория тигелларида қилинадиган ўзгаришларга қараб бўйаш, шакарлаш, турли атирларга хушбўй ҳид бериш, парҳосил қилиш, иситиш ва ёритиш учун ишлатилади. Тошқўмир фойдалилиги жиҳатидан темирдан қолишмайди.

Бироқ темир тамом бўлмайдиган нарса бўлса, тошқўмир ҳақида бундай деб бўлмайди. Кўмирга бўладиган кризис бир неча юз йилдан кейингина бошланади деб

¹ Саноатда сув энергиясидан кенг фойдаланила бошлашдан олдин ёзилган.

гумон қилганда ҳам, келгусини олдиндан кўрадиган одамлар ҳозирнинг ўзидаёқ конлар сақланиб қолиши мумкин бўлган янги ерларни қидириб топишнинг ғамини емоқдалар.

— Буларнинг ҳаммаси тўғри,— деб эътироз билдиришарди америкалик ҳасадчи ва адоватчи кишилар,— аммо қазиб олинадиган кўмирнинг Шимолий қутб ёнида эканига далиллар қани?

— Далилларми?— деб такрорлашарди Барбикен та- рафдорлари.— Далиллар тайёр. Бир вақтлар экватор билан қутб температураси ўртасида фарқ билинар-били- нмас даражада эди. Бинобарин, планетамиз тўхтовсиз юқори температура ва намлик таъсири остида бўлган даврда, Ерда одам пайдо бўлишидан анча илгари ер шарининг шимолий доиралари қалин ўрмонлар билан қопланган эди!

Шу тариқа, энди янги акционер компания сотиб олган қутб музликлари доирасидаги кўмир конлари ниҳоятда муҳим масала бўлиб қолди. Газета ва жур- наллар бу масалани ҳар мақомга солиб изоҳладилар. Бировлар бу масалага ҳазил деб қарасалар, бошқалар унга жиддийроқ, илмий нуқтаи назардан ёндошдилар. Дарҳақиқат, Қутб доирасида қачонлардир ўрмонлар бўлган экан, нега энди у ерда кўмир конлари вужудга келмаган бўлсин?

Ҳар ҳолда масалага яқиндан ёндошганда бу тахмин унчалик ғайри табиий бўлиб кўринмас эди. Қутб мам- лакатларидан фойдаланадиган одамларнинг жуда бойиб кетиши ҳам ажаб эмас.

Бир кун майор Донеллан билан унинг секретари «Икки дўст» ресторанидаги алоҳида столда ўтирганла- рида ана шу тўғрида гап очиб қолдилар.

— Наҳотки бу жин ургур Барбикеннинг мўлжалла- ри рост бўлса?— деди Тудринк.

— Эҳтимол!

— Бўлмаса улар Қутб доираларидан фойдаланиб, жуда кўп пул ортдирад эканлар-да?

— Бўлмасачи! Шимолний Америка умуман тошкўмир конларига жуда бой. Қутб доираси эса, афтидан, Америка қитъасининг давоми бўлса керак: геологик тузулиши бир-бирига ўхшашлиги бунга яққол кўрсатиб турибди. Масалан, Гренландияни ҳеч шубҳасиз Американинг давоми деб ҳисоблаш мумкин.

— От боши от танасининг давоми бўлганидек, ўзи ҳам худди от бошига ўхшайди,— деб қўйди Дэн Тудринк.

Донеллани Шимолнинг геологик тузулиши жуда қизиқтирарди, ахир гап кўмир конлари устида борарди-да, бу мавзу эса ҳар бир инглизни ҳаяжонга соларди. Улар бу ҳақда узоқ суҳбатлашган бўлишарди-ю, аммо ресторандаги бошқа одамлар уларнинг гапига қулоқ солишаётганини пайқаб қолишди: бирон ортиқча гап айтиб қўйишдан чўчиб, чиқиб кетишни маъқул кўришди.

— Сизни бир нарса ажаблантирмаяптими, майор Донеллан?— деди Тудринк стол ёнидан тураркан.

— Қандай нарса?— деб сўради майор.

— Шимолий қутбга оид бўлган бу ишда биринчи ўринни инженерлар ёки ҳеч бўлмаганда денгизчилар эгаллаши лозим эди, лекин уни нимагадир нуқул артиллериячилар эгаллаб олишди.

— Ҳа, айтганингиз тўғри, ростдан ҳам бу жуда галати.

Шу вақт ичида газеталар ҳам жим турмадилар. Кўмир конлари масаласи уларнинг дидига ёқиб тушган бўлса керак, уни ҳар мақомга солиб муҳокама қилдилар.

«Конлар, конлар эмиш! Ахир қанақанги конлар ўзи?»— деб савол берарди инглизларнинг катта учар

савдогарлар манфаатига хизмат қиладиган обрўли бир газетаси ўз мақоласида.

«Қандай конлар дейсизми?— деб дарҳол жавоб қайтарди Барбикен тарафдори бўлган америкалик «Дейли-Ньюс».— Лоақал 1875 йилда капитан Нейрз 82-даража кепглик чегарасида очган конларни олайлик».

«Еки ниҳоят, 1881 ва 1884 йилларда лейтенант Гриллининг Франклин бухтасидаги экспедицияси даврида очилган конларни олайлик»,— деб ўз луқмасини ташлашга шошилди Барбикен билан унинг шерикларига хайрихоҳ бўлган яна бир газета.

Олим ва кашфиётчиларнинг обрўсига суяниб иш қилиш ўз натижасини бермай қолмади, бу нарса Замбарак клуби ранси рақибларини миқ этдирмай қўйди. Бироқ янги акционер компаниянинг душманлари кўмир конлари мавжуд экани исбот этилиб, тарвузлари қўлтиқларидан тушгандан кейин ҳам тинчий олмадилар, масалага бошқа томондан ёндошишга уриниб кўрдилар.

— Боринг, сизнингча бўлсин!— деди майор Донеллан Замбарак клуби залида бўлиб ўтган оммавий мунозараларнинг бирида.— Бу жойларда конлар мавжуд ҳам дейлик, мен буни фараз қилмай, тасдиқлайин ҳам. Бироқ улардан фойдаланишга келганимизда...

— Биз ҳам шунинг ҳаракатидамиз-да!— ősойишталик билан жавоб берди Барбикен.

— Сиз ҳали энг жасур кашфиётчилар ҳам етолмаган 84-даражадан нарига ўтмоқчисиз, шундайми?..¹

— Ҳа, ўтамиз.

— Шимолий қутбнинг нақ ўзига-я?

— Ҳа, Шимолий қутбнинг нақ ўзгинасига!

Равшанки, ишонч билан айтилган бу жавоблар ҳеч кимга ишонмовчи одамларни ҳам ўйлатиб қўйди. Ҳамма

¹ Бу гап роман пайдо бўлган 1889 йилгача тўғри келарди.

Ўз олдиди содиқ Импи Барбикен турганини сездн; одамлар унинг ҳовлиқмайдиган, бепарво, беҳудага гапир-жайдиган, хронометр сингари аниқ, уддабуро, ишнинг кўзини биладиган одам эканини кўп йиллардан буён билардилар. Майор Донеллан ўз рақибини бўғиб ўлдиргуси келди.

Бироқ булар журналларнинг Замбарак клубининг ҳурматли раисига шиддат билан ҳужум қилишига сира ҳам ҳалақит бермади; журнал саҳифалари унинг карикатуралари билан тўлиб кетди. Ҳаммадан кўра инглиз журналлари кўп жар солди. Инглизлар долларнинг фунт устидан ғалаба қозонгани аламига куйиб-пишардилар.

Европа ва Америкадаги йирик шаҳарларнинг катта китоб магазинлари витриналарида қутбга етиб олишнинг турли-туман ғалати усулларини ахтараётган Барбикен ва унинг шериклари тўғрисида карикатуралар пайдо бўлди.

Ана шундай карикатуралардан бирида атрофини Замбарак клубининг аъзолари қўшаб олган жасур америкаликнинг яхлит муз парчаси орасида белкурак билан каттакон туннель кавлаётгани тасвирланган эди.

Бошқа бир карикатурада уларни худди ўзларига ўхшатиб солишибди. Барбикен икки ўртоғи: Мастон ва Николь билан бирга турибди. Ҳар учови ҳам, чамаси, ният қилган ерларига ҳаво шаридида етиб боргунларига қадар озмунча машаққат чекмаган кўринадилар... Улар оғирлиги ярим қадоққина келадиган бир бўлак тошкўмирни топибдилар, холос! Қутб ёнидаги конлардан фақат шу топилибди.

Инглиз журнали «Пэнч» Замбарак клубининг секретари Мастонни тасвирловчи карикатуранинг босиб чиқди; унда қутб магнети Мастоннинг илгакли темир қандалдан тортаётгани кўрсатилган эди.

Ҳурматли Мастон дўсти Барбикен сингари совуққон эмас, балки жиззаки одам бўлганидан бу ҳазилдан қаттиқ ғазабланди. Карикатурани кўриб Еванжелина Скорбит ҳам жуда хафа бўлди.

Брюсселдаги «Фонарь» журналининг карикатурасида Импи Барбикен билан компания правлениеси аъзоларининг Қутб океанини эритиш учун муз устига спирт қуйиб, унга ўт қўяётгани тасвирланган эди. Улар аланга дарёси ичида ишлаётган бўлсалар-да, афсонавий саламандра¹лар сингари шикастланмаган эдилар.

Бир француз журналидаги карикатура ҳаммасидан ўткир эди. Китнинг қулай, жиҳозланган қорнида Барбикен билан Мастон стол ёнида ўтириб, белгиланган маррага етиб бориш учун бемалол шахмат ўйнардилар. Фидокор президент билан унинг дўсти ҳеч иккиланмай-нетмай ўзларини кит ютиб юборишига йўл қўйибдилар; кит муз остидан сузиб уларни қутбга олиб борарди.

Лекин журналлардаги калака ва карикатуралар компаниянинг совуққонли директорини ташвишлантирмади. У фақат жилмайиб қўярди-да, ўз ишини бемалол давом этдираверарди. Ҳар юз доллардан бири бўлган акцияга обуна тўплаш, бунинг устига пулини нақд олишдан ҳам яхши нарса бормикин. Бу обуна шу қадар жадал ўтдики, жуда қисқа вақт ичида талаб қилинган сумма ортиғи билан тўпланди ва ўн беш миллион доллардан иборат катта капитални ташкил этиб, 16 декабрда тўхтатилди. Бу маблағ Замбарак клуби аъзоларининг Ер билан Ой ўртасида йўл очишни ўйлаб, бундан йигирма йил бурун тўплаган маблағидан деярли уч барабар ортиқ эди.

¹ Сувда ва қуруқликда яшайдиган калтакесаксимон жонивор.

VI БОБ

*бу бобда миссис Скорбит билан Мастоннинг
телефонда сўзлашуви қўққисдан бўлиниб қолади*

Барбикен мақсадига эришажагига имони комил эди; шунинг учун ҳам акцияга обуна тўплашни бошлаб юборди.

Шундай қилиб, яқин келажакда одамлар Шимолий қутб бойликларидан баҳраманд бўлишлари керак эди.

Афтидан, Барбикен ва ўртоқлари шу вақтгача ҳеч ким удалаёлмаган ишнинг иложини топганга ўхшардилар. Улар саксон тўртинчи параллелдан ўтиб, ким ошди савдосида қўлга киритилган кенг доирага эгалик қилишни ва унга америка байроғини тикиб, бу байроқнинг зангори ҳошиясига очилган янги штат шарафига яна бир юлдуз қўшишни ўз олдиларига мақсад қилиб қўйдилар.

— Хаёлпарастлар!— деб такрорлашарди европалик вакиллар ва уларнинг Эски дунёдаги тарафдорлари.

Ваҳоланки, «Шимолий қутб компанияси» учун Шимолий қутбни эгаллашда қўлланмоқчи бўлган воситадан кўра оддий, дуруст ва оқилона восита йўқ эди. Бу воситани машҳур математик Мастон ихтиро қилиб қўйган эди. Унинг гуттаперчадан ямоқ солинган боши хаёлий ва дадил планлар манбаи эди.

Замбарак клубининг секретари, илгари бир неча бор айтиб ўтганимиздек, математик ҳисоблаш, хулосалар чиқариш ва шу кабиларга ниҳоят даражада моҳир эди. Математикада Мастон тушунмайдиган биронта қийин муаммо йўқ эди.

Эҳ, бу коэффицентлар, даража кўрсаткичлари, радикаллар ва алгебра тилининг бошқа белгиларини айтмайсизми! Улар Мастоннинг қалами тагидан, ёки тўғрироғи, унинг қўли ўрнига ўрнатилган темир илгагига қистирилган бўр тагидан (у қора доскада ишлашни яхши

кўрарди) осонгина ечилиб чиқарди. У ўша ўи квадрат метр келадиган доскада—чунки камроғи унга етмасди—ғайрат билан алгебраик ҳисоблашларга киришиб кетарди. Унинг доскасида одатдаги майда рақамлар бўлмасди: ундаги рақамлар ғоят йирик, жўшқин олим қўли билан чизилган афсонавий рақамлар эди. 2—3 рақамлари худди қоғоз хўроздай кеккайиб турарди; 7 рақами нақ дорга ўхшар, фақат унга осилган одам етишмас эди, холос; 8 рақами каттакон кўзойнакдай сизга тикилиб туради; 6 ва 9 рақамининг эса узун думи анча жойгача чўзилиб кетган бўларди.

Унинг формулаларидаги ҳарфларни айтмайсизми! У алфавитнинг дастлабки *а, в, с* ҳарфлари билан муайян ёки маълум миқдорларни ва энг сўнгги *х, у, з* ҳарфлари билан номаълум миқдорларни таърифларди; бу ҳарфлар йўгон ва аниқ қилиб бекаму кўст ёзиларди. Айниқса *з* ҳарфи ажойиб эди: у осмондаги яшин каби синиқ чизиқлар ҳосил қилиб буралиб турарди. Грекча *π, λ, ω* ҳарфларининг гўзаллигини қўяверасиз, уларга ҳатто Архимед ва Евклиднинг ҳам ҳаваси келган бўларди!

Бўр билан жуда яхши ва нуқсонсиз қилиб чизилган амал белгилари жуда ажойиб эди: $+$ белгиси икки миқдорнинг қўшилишини аниқ кўрсатиб турарди;— соддароқ бўлса-да, жуда дуруст кўринади; теппа-тенг бўлган $бу =$ икки чизиқ, Мастоннинг оқ танлилар учун тенглик қуруқ гап бўлмаган бир мамлакат граждани эканини кўрсатарди. Шунингдек, $< \text{белгиси}, >$ белгиси ва $\cong$ белгиси ҳам ана шундай чиройли ва дабдабали қилиб чизилар эди.

Унинг ҳақиқий муваффақияти, сон ёки миқдор илдизини англатувчи $\sqrt{\quad}$ белгиси эди. Мастон уни узун горизонтал чизиқ билан, мана бундай қилиб $\sqrt{\quad}$ тамомлаганда, бу узатилган қўл худди қора доска чегарасидан чиқиб кетаётгандай, бутун жаҳонга ваҳима солиб, ҳамма

нарсани ўзига бўйсундириб олиш билан қўрқитаётгандай туюлар эди.

Мастоннинг математика соҳасидаги билими оддий алгебра билангина чекланган экан деб ўйламанг тагин. Йўқ! У дифференциал ҳисоблашлардан ҳам, интеграл ҳисоблашлардан ҳам хабардор эди, у чексиз кичик элементларнинг чексиз сон йигиндисини англатадиган машҳур интеграция— S белгисини қаттиқ қўли билан чизарди; бу ҳарф оддий бўлса ҳам даҳшатли эди.

Қисқаси, математика фани соҳасида Мастон учун чек ва чегара йўқ эди¹.

Замбарак клубининг ҳурматли секретари ана шундай одам эди. Шунинг учун ҳам унинг дўстлари математикага оид билим талаб этиладиган бирон масалани ҳал қилишни Мастонга топширар, унга тўла ишонардилар. Ана шунинг учун ҳам Замбарак клуби аъзолари тўп снарядининг Ойга учиши тўғрисидаги масалани ҳал қилишни Мастонга топширган эдилар! Ана шунинг учун ҳам зўр шуҳрат қозонган Мастон Еванжелина Скорбит қалбини мафтун этганди.

¹ Жюль Верн бу ерда математика белгиларига сатирик маъно беради. Математикада тенгликни англатувчи $=$ белгиси Америкада граждандарнинг расмангина: амалда эмас, оғизда, қоғоздагина мавжуд бўлган тенглигини кўрсатишга ишлатилган.

Радикал $\sqrt{\quad}$ белгиси билан америка империализми тасвирланади. Радикалнинг горизонтал чизиги остига математикада илдиз чиқариладиган миқдорлар ёзилади. Бу чизик босқинчиликка ўч бўлган узун қўлга тенглаштирилади.

S ҳарфи — интеграл белгиси бўлиб, олий математикадагина қўлланилади. Жюль Верн долларни англатадиган худди ўша ҳарфга имо қилиб, уни «машҳур» деб атайди. $\int$ белгиси ҳақиқатан ҳам қаллоблик ва савдогарчилик симболи сифатида ҳаммага маълумдир.

Жюль Верн бу ерда математика белгиларини, яъни абстракт назарий нарсаларни Америкадаги ҳақиқий ҳаётнинг реал томонларига яқинлаштиради, бу роман ҳам худди ана шуларни фош қилиш мақсадига ёзилгандир.

Мастон учун Шимолий қутбни эгаллаш масаласини ҳал этиш унча қийин бўлиб кўринмади. Бу масала бошқа ҳар қандай одам учун жуда мураккаб бўлса-да, унинг учун арзимаган бир нарса эди.

Ҳа, Мастонга ишонса бўларди! Ҳатто у қилган хато миллион долларга тушса ҳам унга ишониш мумкин эди! У мураккаб бўлмаган арифметика масалаларини ҳал қилган болалик чоғидан бошлаб, бутун умрида бир марта ҳам, ҳатто микроннинг¹ мингдан бир қисмига ҳам янглишган эмас. Агар умрида қачон бўлмасин ана шундай кулфат юз берганда борми, у иккиланиб-нетиб ўтирмай ўзининг гуттаперча бош суягига қараб албатта ўқ узган бўларди.

Китобхон диққатини Мастоннинг худди ана шу хислатига жалб этиш жуда муҳим бўлиб қолди. Ҳикояни давом этдиришдан олдин бундан бир неча ҳафта бурун бўлиб ўтган воқиаларга қайтайлик. Китобхонга маълум бўлган, Эски ва Янги дунёни кезиб чиққан Шимолий қутбни сотиш тўғрисидаги эълон нашр этилишдан деярли бир ой илгари Мастон ўз проекти учун зарур бўлган барча ҳисобларни чиқариш топшириғини олди.

Замбарак клубининг секретари кўп йиллардан бери Балтиморадаги энг тинч ва хилват кўчалардан бири бўлган Франклин-стритдаги 179-уйда, шаҳар савдо аҳллари-нинг нотинч кварталларидан олисда яшарди. Бу ерга у ниҳоятда ёқтирмайдиган оломон шовқини етиб келмасди.

Мастон истёфода берган артиллерия офицери бўлгани учун оладиган озгина пенсияси ва Замбарак клубининг секретарлиги учун оладиган маошидан ташқари даромади бўлмаганидан Баллистик-коттедж деб аталмиш оддийгина бинода яшарди. У хизматкори билан ёлғиз яшар, уни кекса артиллериячига хос лақаб билан Пли-

¹ М и к р о н — миллиметрнинг мингдан бир бўлаги.

Пли («от-от» дегани) деб чақирарди. Аслида уни хизмат-корни эмас, балки дўсти дейиш мумкин. Кекса хизматчи-бомбардир бир замонлар ўз тўпини қандай парвариш қилган бўлса, ўз хўжайинини ҳам ўшандай парвариш қиларди.

Мастон, агар киши дунёда яшамоқчи бўлса, ўзини оила билан боғламай ўтиши керак, деган фикр аллақачон томир-томирига сингиб кетган бўйдоқлардан эди.

У Баллистик-коттеджада шу тарзда ёлғиз ўзи яшарди. Салгина истак билдирса борми, сўққа бошликдан дарров қутулар ва жуфт бўлиб ҳаёт кечирар, унинг озгина маблағи миллионлаб бойликка айланиб кетарди. У миссис Скорбит ўзини бахтиёр деб ҳисоблашига ҳам амин эди... Аммо гап шундаки, Мастон буни бахт деб ҳисобламасди...

Баллистик-коттедж икки қаватли оддий уй эди; унинг пастки қавати ойнаванд айвонли, меҳмонхона, емакхона ва унга ёндошган ошхона билан ҳужрадан иборат эди. Иккинчи қаватда деразалари кўчага қараган ётоқхона ва ҳурматли математикнинг деразалари боққа қараган иш кабинети бор эди; бу жой тинч бошпана бўлиб, унинг деворларига ҳисоблашлар шу қадар кўп чизиб ташланган эдики, уларга Ньютон, Лаплас ва Кошининг¹ ҳам ҳаваси келган бўларди.

Бева Скорбит турадиган ҳашаматли уй дўсти Мастон яшайдиган оддийгина коттеджнинг бутунлай акси эди. У Нью-парктаги энг бой кварталларнинг бирида бўлиб, ўзининг жимжимадор архитектураси, ё готик услубида, ё бўлмаса уйғониш даври услубида ўймакор қилиб ишланган балконча ва устунлари, дабдабали жиҳозланган меҳмонхоналари, баланд зали, кўпрқ француз суратла-

¹ Кошн Огюстин Луи (1789—1857)—XIX асрдаги француз математиги.

ридан иборат расмлар галереяси, икки томондаги зна-
поялари ва ниҳоят бадавлат уйга хос бўлган бутун жи-
ҳозлари билан беихтиёр диққатни ўзига жалб этарди.
Уй орқасида майсазор, каттакон дарахтлар ва фонтан-
лари бўлган гўзал боғ чўзилиб кетган эди. Боғ устида эса
минора қад кўтарган, унинг тепасида миссис Скорбит-
нинг зарҳал ҳаво ранг байроғи қилпилларди.

Нью-паркдаги данғиллама уй билан Баллистик-
коттедж оралиғи беш километрдан кам эмасди. Дўсти-
дан шунчалик олисда яшаш Еванжелина Скорбитга
жуда оғир бўлганидан унинг талаби билан ҳар иккала
уй телефон симлари билан боғланганди. Бу ҳол, ҳар
иккала уйда яшовчиларнинг бир-бирлари билан кечаю
кундуз, истаган соатда гаплашишларига имкон берар-
ди. Тўғри, гаплашувчилар бир-бирларини кўра олмас
эдилар албатта, аммо хоҳлаганларича овозларини эши-
та олардилар. Агар биз телефонга Мастон миссис Скор-
битни эмас, миссис Скорбит Мастонни кўпроқ чақирар-
ди десак ҳеч ким ажабланмаса керак, албатта. Матема-
тикнинг кабинетида телефон жиринглагудек бўлса, у
истар-истамас ишини ташлар, шошмасдан телефон ёни-
га борар ва миссис Скорбитнинг дўстона саломига ни-
маларнидир тўнғиллаб қўяр ва ҳисоблашларини давом
эттиришга шошиларди. Мастоннинг овози телефон сим-
лари орқали бир оз мулойим бўлиб эшитилса керак,
Скорбит телефон ёнидан жуда мамнун бўлиб қайтарди.

3 октябрда, узоқ давом этган охириги мажлисдан
сўнг, Замбарак клубининг секретари ўртоқлари билан
хайрлашди-да, ишга киришиш мақсадида уйига жўнаб
кетди. Унга топширилган муҳим иш қутб музликлари
доирасидаги тошқўмир конларидан фойдаланишнинг
механикага оид ҳисоблашларини чиқариш эди.

Мастон бу ҳисоблашларга камида етти-саккиз кун
вақт кетади деб мўлжаллади. Бу вақт ичида математик-

нинг ишига ҳеч ким халақит бермасин ва уни безовта қилмасин учун олдиндан келишиб қўйилди. Бундай қарор Еванжелина Скорбитни зўр қайғуга солган бўлса-да, аммо... у тақдирга тан беришга мажбур бўлди. Мастон ўз ихтиёри билан қамалиб олмоқчи бўлган кун арафасида унинг олдига охирги марта Барбикен, Николь, Билсби ва Замбарак клубининг бошқа бир неча аъзолари келишди; миссис Скорбит ҳам бундан фойдаланиб, математикнинг дўстларига ҳамроҳ бўлди.

— Шубҳа йўқ, азизим Мастон, албатта муваффақият қозонасиз,— деди у хайрлашаркан.

— Энг муҳими, Мастон, хато қилиб қўйманг тагин,— деб қўшиб қўйди Барбикен ҳазил билан жилмаяр экан.

— Мастоннинг хато қилиши мумкинми, ахир!.. Сизни қаранг-а!— деди хитоб билан ўз дўсти учун ҳақоратланган миссис Скорбит.

Улар бир-бирларининг қўлларини дўстона қисдилар, Скорбит бир неча марта уҳ тортиб қўйди, сўнгра математикнинг тўла муваффақият қозонишини тилаб, ҳаддан ташқари кўп ишлаб, ўзини толиқтириб қўймаслигини илтимос қилиб хайрлашиб кетди. Баллистик-коттедж эшиги икки қулф билан қулфланди, Пли-Пли янги буйруқ берилмагунча уйга ҳеч кимни, ҳатто Қўшма Штатларнинг президенти келса ҳам киритмаслик ҳақида топшириқ олди.

Мастон ҳеч кимнинг юзини кўрмай ишлай бошлаган дастлабки икки кунини ўзига топширилган масалани пухта ўйлаб чиқишга бағишлаб, қўлига бўр ушламади. У Ер элементлари, унинг массаси, зичлиги, ҳажми, шакли, ўз ўқи ва Қуёш атрофида айланиши, қисқаси ўз ҳисоблашларига негиз бўлиши лозим бўлган барча нарсаларни ўз ичига олган бир неча маълум асарларга кўз

югуртириб чиқди. Мана, ўша маълумотлар билан китобхонларни ҳам таништириб чиқсак ёмон бўлмас¹.

Ер шакли: тухумга ўхшайди, унинг катта ярим ўқи 6 378 388 метрга, кичиги — 6 356 909 метрга тенг. Шундай қилиб, ярим ўқлар ўртасидаги фарқ тухум шаклидалиги сабабли, 21 479 метрга баравар бўлади.

Ернинг экватор бўйлаб айланаси 40 000 километр. Ернинг сатҳи тахминан 510 миллион квадрат километрга тенг. Ҳажми эса 1083 миллиард куб километрга яқин.

Ернинг зичлиги сувникига қараганда тахминан беш ярим баробар ортиқ.

Ер Қуёш атрофини 365-у чорак суткада, тўғрироғи, 365 сутка 6 соат 9 минут 10 секундда айланиб чиқади, бу эса астрономик йил ҳисобланади. Ер секундига 30 километр тезлик билан айланади

Ер ўз ўқи атрофида айланганида Ер сатҳининг экватордаги ҳар бир нуқтаси секундига 465 метр масофани босиб ўтади.

Мастон узунлик, куч, вақт ва бурчак бирлиги қилиб метрни, килограммни, секундни ҳамда доира ёйига мувофиқ бўлган радиусга тенг марказий бурчакни олди.

5 октябрда, кундуз соат бешга яқин (гап муҳим воқиялар устида бораётгани туфайли аниқ бўлиши лозим) ҳурматли математик барча нарсани пухта ўйлаб чиқиб, ниҳоят ёзма ҳисоблашларга киришди. У Ернинг катта доираси айланасини билдирувчи сондан, бошқача қилиб айтганда — экватордан бошлади.

Ялтиратилган дуб таглик устига қўйилган қора доска кабинетнинг бир бурчагида турарди, унга боққа қараган деразадан ёруғ тушарди. Доска тагидаги рейкага тартиб билан бўрлар териб қўйилган. Доска артиш

¹ Сонлар тузатилган.

учун намланган губка ҳам шу ернинг ўзида, чап томонда осифлик эди. Математик ўзининг илгакли ўнг қўли билан чиза ва ёза бошлади.

Даставвал Мастон планетамизни ифодаловчи доирани ниҳоятда тўғри ва аниқ қилиб чизиб қўйди. Шаклнинг думалоқлиги равшанроқ бўлиб турсин учун экваторнинг кўриниб турган юз томони узлуксиз чизиқлар билан, кўринмайдиган бекик томони — нуқта чизиқ билан белгиланди. Ер ўқи эса, қутбдан бошлаб экватор текислиги томонга қараб перпендикуляр шаклида тортилиб, икки учи N ва S ҳарфлари билан белгилаб қўйилди.

Сўнгра Мастон досканинг бурчагига

40 000 000

сонини ёзиб қўйди; бу метр ҳисоби билан Ер айланаси узунлигини билдиради эди.

Математик ана шуларни ёзиб бўлгач, доска олдида туриб, ҳисоблашга киришмоқчи бўлди. У ўз ишига ниҳоятда берилиб кетганидан ҳавонинг ўзгариб, осмоннинг пешиндан кейин қоп-қора булутлар билан қопланганига эътибор бермаган эди. Бир соатдан буён секин-аста момақалдироқ яқинлашиб келарди. У одатда одам ва ҳайвонларнинг организмига кучли таъсир этади. Кулранг қўрғошинсимон осмондаги қора булутлар шаҳар устидан паст бўлиб, аста сузиб борарди. Узоқда момақалдироқ гулдираши эшитиларди. Яшин илон изи ҳосил қилиб, дим ҳавони икки уч марта ёриб ўтди.

Аммо борган сари ўз ишига кўпроқ берилиб кетаётган Мастон ҳеч нарсани кўрмас ва эшитмасди. Телефоннинг қаттиқ жиринглаши қўққисдан кабинетдаги жимликни бузиб юборди.

— Шу камлик қилиб турувди!— деб тўнғиллади Мастон.— Эҳ, қандай одамлар-а! Улардан сира қутулиб

бўлмас экан-да! Эшикдан киритмасанг, телефонда безор қилишади!.. Тинчликни истовчи одамлар учун хўп ажойиб ихтиро топишган, нима ҳам дейсан!.. Ҳа, бунга хотима бермасам бўлмайди: банд чоғимда телефонни узиб қўйишни буюраман...

У қўлга бўрни ушлаган ҳолда шошилмасдан телефон ёнига борди.

— Нима керак?— деб сўради у.

— Сизга икки оғиз сўзим бор...— деб жавоб қилди хотин кишининг овози.

— Ким гапиряпти?

— Наҳотки азизим Мастон, менинг товушимдан танимаган бўлсангиз?.. Бу мен, миссис Скорбитман!..

— Миссис Скорбит!.. У менга сира тинчлик бермайди шекилли!..

Скорбитга унчалик завқли бўлмаган бу кейинги сўзлар аппаратдан нарироқда айтилгани туфайли, телефонга етиб бормади.

Барибир жавоб бериш кераклигини билган Мастон бирмунча мулойим оҳангда:

— Ҳа, сизмисиз, миссис Скорбит?— дедн.

— Ҳа, ҳа, менман мистер Мастон.

— Хўш, нима гап, миссис Скорбит?


— Сизни огоҳлантирмоқчи эдим, ҳозир даҳшатли момақалдиروқ бошланади.

— Бунинг менга нима дахли бор? Нима, уни мен тўхтатолардимми?..

— Деразангиз ёпиқми деб сўрамоқчи эдим, холос...

Миссис Скорбит сўзини тугатиб ҳам улгурмади, даҳшатли қасир-қусур кўтарилиб, момақалдироқнинг давомли гулдурагани эшитилди. Яшин Баллистик-коттедж ёнига тушиб, электр разряди телефон сими орқали ўтди. Қўлидаги телефон трубкасини қулоғига тутиб турган Мастон электрдан шундай бир шапалоқ едики,

бундай шапалоқни дунёда бир-
рорта ҳам олим емаган бўлса
керак. Яшин унинг қўли ўрни-
даги металл илгак орқали
ўтиб, ҳурматли Мастонни ерга
кўтариб урди. Йиқилаётиб у
қора доскани нтариб юборди,
доска нариги бурчакка ағда-
рилиб тушди. Яшин ана шун-
дай қилғилигичи қилди-ю, ерга кириб кетди.



Турткидан довдираб қолган Мастон ўрнидан турди
ва ҳамма жойим бутмикин деб, ўзини пайпаслай бош-
лади. Кейин кекса артиллериячи сифатида ўзини йў-
қотмай, даставвал доскани кўтариб жойига қўйди,
бўр парчаларини йиғиб олди ва тўсатдан даҳшат
билан бўлиниб кетган ишини яна давом этдира
бошлади.

Мастон бўрни қўлига оларкан, досканинг бир бурча-
гига ёзиб қўйган соннинг — планетамизнинг айланаси-
ни метр ҳисоби билан кўрсатувчи соннинг ўчиб кетга-
нини пайқади. Бу сонни у қайтадан ёзмоқчи бўлган эди,
тўсатдан яна телефон жириглаб қолди.

— Яна! — деди Мастон ишини тўхатиб аппаратга
яқинлашаркан. — Ким гапиряпти?..

— Миссис Скорбит.

— Нима истайсиз, миссис Скорбит?

— Бу даҳшатли яшин Баллистик-коттеджга тушма-
дими?

— Худди шундай бўлди...

— Вой! Худо-ей!.. Қандай яшин экан-а!..

— Тинчланинг миссис Скорбит...

— У сизга зиён қилмадими, азизим Мастон?

— Сира ҳам...

— Унинг сизга таъсир этмаганига аминмисиз?..

— Менга таъсир этган нарсa, у ҳам бўлса сизнинг менга меҳрибонлик билан ғамхўрлик қилишингиз, холос.

— Хайр!

— Хайр, миссис Скорбит!

— Эҳ, худо олсин бу нозанинни!— деб тўнғиллади математик, телефондан узоқлашаркан.— У мени телефонга ножўя чақирмаганда эди, шундай хавфга йўлиқмаган бўлардим!

Унга бошқа ҳеч ким халақит бермади. У тинчгина ишини давом этдирди ва энг кескин тадбирларни қўллади: ўз уйини Скорбитнинг ҳовлиси билан боғловчи симни узиб қўйишни буюрди.

У чизиб қўйган сонни асос қилиб олиб, уни тенгламалар қаторига киритди, сўнгра охириги хулосани чиқариб, уни досканинг чап томонига ёзиб қўйди, илгариги рақамларнинг барини ўчириб ташлади ва шундан кейингина алгебранинг чексиз чалкашликларига киришиб кетди.

Саккиз кундан кейин, 11 октябрда ҳисоблашлар таъмом бўлди.

Замбарак клубининг секретари ўз ишини зўр иштиёқ билан кутаётган дўстларига тантанали суратда тақдим этди.

Шимолий қутбга етиб олиш ва у ердаги конлардан тошкўмир қазиб чиқаришга киришиш усули математика ёрдами билан топилган эди. Бунинг натижасида дарҳол янги акционерлик жамияти тузилиб, унга «Шимолий қутб компанияси» деган ном берилди. Агар қутб доираси америкаликлар қўлида қоладиган бўлса, Вашингтон ҳукумати бу жамиятга концессия беришни ҳам ваъда қилган эди.

Ким ошди савдо натижалари ва унинг оқибатлари китобхонга маълум.

VII БОБ

*бу бобда Барбикен айтмоқчи бўлган гапидан ортиқ
ҳеч нима гапирмайди*

22 октябрда Барбикен ва К^о компаниясининг акционерлари Унион-сквердаги Замбарак клубининг залида шу куни бўладиган умумий йиғилишга таклифнома олдилар. Ўз-ўзидан маълумки, акционерлар бу таклифга розилик билдирдилар; клуб биносида тўпланган одамлар шунчалик кўп эдики, ҳатто клубни ўраб олган катта сквер ҳам тўлиб кетадигандай кўринарди.

Оддий кунларда Замбарак клубининг катта зали турли-туман қуроллар билан ясатилиб қўйиларди; қуроллар деворларга осилар, бурчакларга ҳамда девор бўйига тизиб ташланарди. Клуб ҳақиқий артиллерия музейига ўхшарди. Яна у ердаги стул, стол ва диванлар — қисқаси, барча жиҳоз шу залга мос бўлиб, ўз ажали билан ўлишни умид қилиб юрган кўпгина кишиларни нариги дунёга жўнатган турли ўлим қуролларидан иборат эди.

Лекин шу куни клубда уюлиб ётадиган тўплар йиғиб олинди, чунки мажлис тинч саноат мақсадларига бағишланган эди. Қўшма Штатларнинг турли жойларидан тўпланган кўпгина акционерларга жой етишадигандай бўлиб кўринган эди. Аммо заллар лиқ тўлиб кетди, тикилинч ва дим эди.

Клуб аъзолари янги компаниянинг муҳим акционерлари сифатида барча олдинги жойларни эгалладилар. Бу ерда Том Гентер ҳам, полковник Билсби ҳам ва клубнинг китобхонларга маълум бўлган бошқа кўпгина аъзолари ҳамда президентнинг дўстлари бор эди. Ҳамма одатдан ташқари тантанали қиёфада эди. Еванжелина Скорбит учун алоҳида қулай кресло тайёрланди. У бу ишга ғоят катта маблағ қўшган эдики, шунинг

ўзинёқ унга рансини ёнги томонда ўтириш ҳуқуқини берарди. Айтгандай, миссис Скорбит бу мажлисда ўтирган якка ёлғиз аёл эмас эди: мажлисдагилар орасида олифта кийинган хотинлар кўп эди. Аслида, кўпчилик акционерлар оддийгина акционерлар бўлиб қолмай, балки Барбикеннинг ашаддий тарафдорлари ва шахсий дўстлари ҳам эдилар.

Алоҳида ажратилган ўринларда Европа давлатларининг вакиллари ўтиришарди. Уларнинг ҳар бири маълум миқдорда акцияга ёзилган ва шу билан маслаҳат олови ҳуқуқига эга, шунинг учун ҳам мажлисга таклиф этилган эдилар. Уларнинг бу ерга қизгин иштиёқ билан келишларига сабаб, Замбарак клуби раисининг халойиқни таништирмоқчи бўлган номаълум Қутб доирасига ўтиш усулларини билиб олиш эди. Карков, Бальденак, Янсен ва Гаральднинг мажлисга яхши ният билан келмаганлигини яшириб ўтиришнинг ҳожати йўқ; улар Барбикеннинг сал хато қилиши, бирон ноаниқ сўзни айтиб юборишидан фойдаланиб сўзга чиқишга шайланиб турдилар. Иккинчи томондан, майор Донеллан Тудринкнинг гиж-гижлатуви билан ўз рақиби Барбикенга қарши курашишга қатъий бел боғлаганди.

Кеч соат саккиз. Замбарак клубининг заллари, меҳмонхоналари ва ҳатто сквери ҳам электр лампочкалари билан равшан ёритилган. Қизгин гурунгни шовқини эшитиларди. Клуб эшигидаги хизматкор правление аъзоларининг келганини хабар қилиши биланоқ, залдагилар жимжит бўлиб қолишди.

Мовут билан безатилган саҳнада устига одми бахмал дастурхон ёйилган, чироқ билан ёритилган стол бўлиб, унинг орқасидан Импи Барбикен, Мاستон ва Николь жой олишди.

Залда «ура» овози янгради, унга бутун скверни қуршаб олган оломон ҳам жўр бўлди.

Мастон билан капитан Николь ўтиришди, Барбикен бўлса ўрнидан туриб, чап қўлини чўнтагига, ўнг қўлини эса нимчаси ичига суқиб, сўз бошлади:

— Акционер хонимлар ва акционерлар! «Шимолий қутб компанияси» правлениеси сизга муҳим ахборотни маълум қилиш мақсадида сизни бу мажлисга таклиф этди. Газета мунозараларидан сизга янги акционерлик жамиятининг мақсади — Шимолий қутбда тошқўмир конларини ишга солишдан иборат экани маълум бўлса керак, албатта. Бу иш учун концессияни бизга Қўшма Штатлар ҳукумати берди. 11 декабрдаёқ ёпилган обуна йўли билан акцияга тўпланган маблағ ишнинг тўла муваффақиятли чиқишига ишонишга имкон беради, акционерларга мисли кўрилмаган фойдаларни ваъда қилади.

Шу ерга етганда Барбикеннинг нутқи одамларнинг маъқуллаган шовқини билан бўлиниб кетди.

— Сиз,— деб давом этди нотиқ,— қутб яқинидаги мамлакатлар тошқўмир конлари ва эҳтимол, қазиб олинадиган мамонт суякларига бой деган фикрни қандай далил ва асосларга кўра айтганимизни биласиз, албатта. Бу масалага доир маълумотлар ўз вақтида бутун дунёнинг газета ва журналларида босилиб чиққан эди; конларнинг мавжуд эканига шубҳа қилмаса ҳам бўлади. Ҳозирги пайтда тошқўмир бутун саноатнинг манбаи бўлиб қолди; кўмирнинг ёнилғи сифатидаги аҳамияти ва электр қуввати олишдаги роли тўғрисида гапирмаса ҳам бўлади; ундан умуман хилма-хил ишларда фойдаланилади. Саноатнинг кўмирсиз ишлай оладиган соҳаси йўқ, агар мен кўмирнинг нима учун ишлатилиши ва ундан нималар олинишини узундан-узоқ санаб берадиган бўлсам, бу ерда ўтирганларни зериктириб қўйган бўлардим.

Шу ерга келганда Барбикен чопиб ҳаллослаб қол-

ган югурувчи каби сўздан тўхтади да, нафасини ростлаб олиб, яна давом этди:

— Шундай қилиб, ўзингиз кўриб турибсизки, тошкўмир планетамиздаги энг қимматли қазилма бойликларидан бири деб ҳисобланиши лозим. Ваҳоланки, у йилдан-йилга тобора камайиб бормоқда ва кўпи билан беш юз йилдан сўнг унинг конлари тугайди ва...

— Беш юз йил эмас, уч юз йилдан сўнг!— деб қичқирди ўтирганлар орасидан кимдир.

— Икки юз йилдан сўнг!— деб унинг сўзини бўлди бошқа бирови.

— Келинг, муддатини аниқлаб ўтирмайлик,— деди Барбикен,— ҳар ҳолда бу нарса эртами-кечми албатта юз беради, шунинг учун фалокатдан ғафлатда қолмай, унинг чорасини олдиндан кўриб қўямиз.

Яна сукунат чўкди. Тингловчилар нафаслари ичига тушиб, ниҳоятда диққат қилиб ўтирардилар.

— Шунинг учун,— деб яна сўз бошлади Барбикен,— қани, туринглар, биргалашиб Шимолий қутбга жўнайлик!

Одамлар чиндан ҳам, гўё Барбикен уларга Шимолий қутбга жўнаб кетаётган кемани кўрсатгандай, чамадонларини кўтариб олишга шайланиб ўринларидан қўзғала бошладилар.

Бироқ, майор Донелланнинг кескин оҳангда қилган танбиҳи уларнинг бу шахдам ва телба интилишини босди.

— Жўнаб кетишдан олдин,— деди у,— бу саёҳатнинг қай тарзда амалга оширилиши мўлжалланганини билсак бўларди? Денгиздан эмасмикин?

— Денгиздан ҳам эмас, ердан ҳам эмас, осмондан ҳам эмас,— деб жавоб берди Барбикен секин, мулоким оҳангда.

Бу жавобдан кўнгли жойига тушган, сабрсизлик би-

лан нотиқнинг кейинги планларини билишга ошиқаётган халойиқ яна жой-жойига ўтирди.

— Қутб саёҳатчиларининг қанча-қанча қурбонлар бериб, ғайрат ва мардлик кўрсатган бўлишларига қарамай, 84-параллелга ҳалигача бирор кишининг оёғи етмаганлиги ҳаммаларингизга маълум, албатта,— деб сўз бошлади у.— Шунинг ҳам айтиб қўяйки, бунга ҳозиргача қўлланилиб келган усул билан, яъни денгиз орқали ёки чанғи билан ҳеч қачон эришиб бўлмайди. Температуранинг ҳаддан ташқари пастлигига ва бу саёҳат билан боғли бўлган бошқа хатарларга одам боласи бардош беролмайди. Шу туфайли Шимолий қутбни енгил учун бошқа йўللарни қидириб топиш зарур.

Тўпланганларнинг юраги беихтиёр така-пука бўла бошлади; сир очиладиган пайт яқинлашгани аниқ эди.

— Сиз нималар қилишни мўлжаллаяпсиз?— деб қайта сўради Англия вакили.

— Майор Донеллан, сиз бунинг ўн минут ҳам ўтмасдан билиб оласиз,— деди Барбикен,— аммо ҳозирча,— деб давом этди у халойиққа қараб,— бу ишга тўла ишонч ҳосил қилаверинглар. Бу иш шунинг учун ҳам ишончга сазоворки, унда қатнашаётган одамлар ўша цилиндр-конус...

— Цилиндр-комик денг!— деб тузатиб қўйди унинг гапини Донелланнинг секретари.

— ...снарядда Ойга учган одамларнинг ўзларидир...— деди нотиқ бамайлихотир сўзида давом этиб.

— Улар Ойга бориб етмай, соғ-саломат қайтиб келишди ҳам!— деб сўзни бўлди бу сафар майорнинг ўзи, ҳамманинг ғазабини келтириб.

Раис елкасини қисиб қўйди-да, кескин овоз билан яна сўз бошлади:

— Ҳа, акционерлар, ўн минут ҳам ўтмай, сизларга барн маълум бўлади!

Халойиқ ўртасида маъқуллаган хитоблар эшитилди. Нотиқ ҳозир: «Биз ўн минут ўтар-ўтмас қутбда бўламиз» дейдигандай бўлиб туюларди.

У сўзида давом этди:

— Даставвал мен савол бермоқчиман: Шимолий қутб доираси нимадан иборат? Биз қуруқлик деб мўлжаллаган бу жой ҳақиқатда капитан Нейрз адолатли суратда палеокристик, яъни қадимги муз денгизи деб атаган денгиз бўлиб чиқмасмикин? Шахсан мен бу саволга: йўқ, биз бундай деб ўйламаймиз деб жавоб берган бўлардим.

— Бу етарли эмас!— деб қичқирди Эрик Бальденак.— Бундай масалада «ўйлайман» ёки «ўйламайман» деган сўзлар билан қаноатланиб бўлмайди, қатъий бўлиш керак.

— Хўп, майли, мен тез феъл оппонентимга, биз бунга аминмиз деб жавоб бераман. Ҳа, боя айтганимни яна такрорлайман: Қутб доираси — сув ҳовузи бўлмай, балки қаттиқ ердир; у ҳозирдан эътиборан Шимолий Америка Штатларининг мулки ҳисобланади, бунинг устига ҳеч бир Европа давлати унга ҳуқуқим бор деб даъво қила олмайди.

Эски дунё вакиллари ўтирган жойдан норозилик эшитилди.

— Ҳа, чакки эмас... Қаттиқ ер эмиш-а!.. Сув тўлиб қолган чуқур... Чайқайдиган коса... Бироқ сиз уни ҳеч қачон бўшата олмайсиз!..— деб яна луқма ташлади Дэн Тудринк; ўртоқлари ҳам уни маъқуллашди.

— Йўқ, йўқ,— деди Барбикен унинг гапини чўрт бўлиб,— у сув билан тўлган чуқур эмас, қуруқлик, ясси тоғлик! Унинг Марказий Осиёдаги Гоби даштларига ўхшаган бўлиши ҳам ажаб эмас. Ҳа, шундай! Биз фой-

даланмоқчи бўлган Шимолий доира — қаттиқ ер ва биз унга Қўшма Штатлар байроғини тикамиз ҳам!

Қарсақлар гулдураб кетди. Охирги қарсақлар тингандан кейин, майор Донелланнинг ёқимсиз товуши эшитилди:

— Ваъда қилинган ўн минутнинг еттиси ўтди-ю, биз бўлсак ҳали ҳам қутбга етмадик-ку!

— Уч минутдан сўнг биз ўша ерда бўламиз!— деб эътироз билдирди унга президент Барбикен хотиржамлик билан ва халойиққа қараб давом этди:

— Бироқ, мен, биз эга бўлган бу мулкни қаттиқ ер деб ҳисоблаш билан бирга, унинг бутунлай муз билан қопланганлигини ва шу сабабли ундан фойдаланишнинг ниҳоятда мушкул эканлигини инкор этмайман...

— Мумкин эмас деб тўғриси айтиб қўя қолмай-сизми!— деди Ян Гаральд кескин гапириб.





— Мумкин эмас?! Боринг шундай ҳам бўлсин,— хотиржамгина жавоб қилди Барбикен,— аммо бундай ҳолда бирон илож топиш учун бор кучни ишга солиш керак. Бунинг учун бизга кемалар, чангилар, чаналарнинг керак бўлмаслиги у ёқда турсин, биз топган усул туфайли муз қатлами худди сеҳрлангандай ўз-ўзидан эриб йўқолиб кетади ва бу бизга бир долларга ҳам тушмайди.

Зални жимжитлик босди. Ҳал қилувчи минут яқинлашмоқда эди. Дэн Тудринк энгашиб Янсеннинг қулогига ниманидир шивирлади.

— Жаноблар!— деб яна сўз бошлади Замбарак клубининг раиси,— Архимед, агар менда таянч нуқтаси бўлса, Ерни кўтарган бўлардим, деган эди. Энди мен сизга айтсам, биз ўша таянч нуқтасини топдик. Буюк математик Сиракузга ричаг керак бўлган эди, бу ричаг бизнинг қўлимизда. Биз қутбни кўчириш усулини биламиз...

— Қутбни кўчириш!— деб қичқириб юборди Эрик Бальденак.

— Уни Америкага олиб келиш!..— деб бақирди Ян Гаральд.

Барбикен, афтидан, бутун сирни очиб беришга шошилмаётган бўлса керак, пинагини бузмай давом этаверди:

— Бу таянч нуқтасига келсак...

— Айтманг! Айтманг!— деб қичқирди кимдир ўтирганлар орасидан.

— Ўша ричаг!..— деб давом этмоқчи бўлди Барбикен.

— Сирни очманг! Сирни очманг!..— деган овоз келди ҳамма томондан.

— Хўп, маслаҳатингизга кўра сирни очмайман!— деди Барбикен.

Вакилларнинг қанчалик ҳафсалалари пир бўлганини тасаввур қилиш қийин эмас. Улар шовқин кўтаришига қарамай, нотик маҳкам туриб олди ва фақат:

— Ишимизнинг натижаларига келганимизда, уларни сизнинг маблағларингиз ёрдами билан муваффақиятли тугашига қаттиқ ишонамиз — буни мен сизга ҳозирроқ маълум қилмоқчиман,— деб қўшиб қўйди, холос.

— Қулоқ солинг! Қулоқ солинг!

Бу илтимос мутлақо ўринсиз эди, халойиқ бусиз ҳам диққат билан қулоқ солиб турарди.

— Даставвал шуни айтишим керакки,— деб сўз бошлади президент,— ишимизга асосий фикр берган ўртоқларимизнинг бири — энг олим, энг фидокор доно одамдир. Биз ундан миннатдормиз, чунки унинг математик ҳисоблашлари назариядан амалий ишга ўтишимизга имкон беради. Шуни кўрсатиб ўтайинки, Шимолдаги тошкўмир конларидан фойдаланиш масаласи қанчалик осон бўлса, қутбни кўчириш масаласи шунчалик қийиндир. Бу масалани ҳал қилишга фақат олий механиканинггина қурби етади. Ана шунинг учун ҳам биз ҳурматли секретаримиз Мастонга мурожаат этдик!

— Ура!.. Гип!.. Гип!... Яшасин Мастон!— деб қичқиришди ўтирганларнинг барчаси, раиснинг сўзидан ҳаяжонланиб.

Шу минутда миссис Скорбитнинг қанчалик шодланганини сира қўяверинг.

Математикнинг ўзи эса, секингина ўрнидан туриб, бошини ўнг, сўл томонга эгди, ўнг қўлидаги металл иллагини миннатдорчилик изҳор қилгандек силкитиб, яна ўз ўрнига ўтирди.

— Биз, қимматли акционерлар,— деб давом этди Барбикен,— француз Мишель Арданнинг Америкага келишини байрам қилаётган ўша кунда, қисқаси, Ойга учишдан бир неча ой илгари...

Бу янки Ойга учиш тўғрисида, худди Балтиморадан Нью-Йоркка боришни ҳикоя қилаётгандай гапирарди...

— ...Мастон: «Тўп ихтиро қилиб, таянч нуқтасини топамиз ва ер ўқини буриб юборамиз!» деган эди. Энди айниқса диққат қилиб туришингизни сўрайман. Тўп ихтиро қилинди, таянч нуқтаси топилди, энди барча кучимиз ер ўқини буриб юборишга қаратилажак.

У жим қолди. Залдагилар бу ахборотдан ниҳоятда довираб ўз таажжубларини изҳор қилишга сўз топа олмай қолган эдилар.

— Ие?! Сиз рости билан ҳам ер ўқини буриб юбориш ниятидамисиз-а?— деб бақириб юборди Донеллан.

— Худди шундай,— деб хотиржамгина жавоб берди Барбикен.— Ҳар ҳолда биз шундай усул топдикки, бу усул билан ер ўқи буриб юборилмаса ҳам ҳар ҳолда янги си барпо этилиб, еримизнинг суткалик ҳаракати бу ўқ атрофида одатдаги тезлик билан давом этаверади. Бу операция ҳозирги қутбни тахминан олтмиш еттинчи параллелга кўчиради, бу эса Еримизни Юпитер ҳолатига олиб кетади, Юпитернинг ўқи унинг орбитаси текислигига деярли мутлақо перпендикулярдир. Ингирма уч ярим даражага кўчиш билан Шимолий доирамиз ва ундаги барча муз майдонлари шундай миқдорда иссиқликка эга бўладики, бундай иссиқда ундаги қор ва музлар бемалол эриб кетади.

Тингловчилар нафасларини ютиб ўтиришарди. Улар нотиқнинг сўзини ҳатто қарсақлар билан бўлиб қўйишга ҳам қўрқишаётгандек бўлиб кўринарди — ер ўқини кўчириш ҳақидаги дадил фикрдан ҳосил бўлган таассурот ана шундай кучли эди!

Европалик вакиллар ҳайратдан ҳанг-манг бўлиб, жим ўтирардилар. Барбикен ўз гапини содда, аммо ажойиб сўзлар билан тамомлаганида гулдурос қарсақлар жимликни бузиб юборди:

— Шундай қилиб, бизга табиатнинг ўзи ёрдам қилади: қуёш муз тоғларини эритиб биз учун Шимолий қутбга йўл очиб беради!

— Демак, бундан чиқадики,— деди майор Донеллан,— одам қутбга эмас, қутбнинг ўзи одамнинг олди-га келар экан-да?

— Худди шундай!— деб жавоб берди унга Замбарак клубининг раиси пинагини ҳам бузмай.

VIII БОБ

Ер Юпитер ҳолатида

Шундай қилиб, ер ўқини кўчириш ҳақидаги фикр Замбарак клуби секретарининг миясига аллақачон ўрнашиб олган экан. У бу фикрни Мишель Ардан келган вақтдан буён асраб юрарди; ниҳоят, бу орзу қилинган ниятни амалга оширадиган дақиқа ҳам етиб келди.

Унинг проектига мувофиқ, планетамизнинг янги ўқи ер орбитаси текислигига деярли перпендикуляр бўлади ва ўшанда қутбнинг иқлими тахминан Норвегиядаги Тронтгейм шаҳрининг баҳорги иқлимига тўғри келади. Муз қатлами қуёш нурлари таъсирида эрийди, албатта. Биз Ерда Юпитердаги сингари иқлим шароитларига эга бўламиз.

Аммо Ер сихдаги кавоб эмаски, уни қўл билан истаган томонингга айлантираверсанг. Мاستон янги ўқ барпо қилишнинг қандайдир янги бир усулини топибди, Архимед орзу қилган нарсга эришибди. Замбарак клуби аъзолари ўз сирларини маълум вақтгача очмасликка қарор берганликлари туфайли, улар ўйлаган ишнинг натижали чиқиши мумкин деб тахмин қилиши билан чекланишга тўғри келди.

Даставвал, газета ва журналлар мақолалар босиб чиқардилар, албатта; улар беҳабар кишиларга Юпитер ўқининг перпендикуляр ҳолати оқибатларини эслатиб ўтдилар.

Даставвал шуни айтиш керакки, Юпитер бир суткалик ҳаракатни 9 соат-у 55 минутда бажаради; унинг ҳамма кенгликларида кун тунга тенгдир. Бизнинг планетамизда ҳам ана шундай бўлиши керак эди; пухталикини севувчи одамларга бундай батартиблик ёқиб тушган бўларди, албатта.

Қуёш ярим сутка уфқ устида туриб, сўнгра ботарди ва роса ярим суткадан кейин яна чиқарди. Йил фасллари навбатлашмай қўйган бўларди, чунки Ер ўқининг қия бўлиши туфайлигина қишдан сўнг баҳор, ёздан сўнг куз келади.

— Тасаввур қилиб кўринг, қандай роҳатижон бўларди-я! деб ҳар мақомга солиб такрорлашарди Барбикеннинг дўстлари.— Ҳар ким ўзининг тумови ёки бодига қулайроқ келадиган иқлимни танлаш имкониятига эга бўлади ва бирданига иссиқдан совуққа ҳамда, аксинча, совуқдан иссиққа ўтишдан қўрқмайдиган бўлади.

Тўғри, шоирларга илҳом бахш этувчи қишнинг узун тунлари ва ёзнинг ўшандай узун кунлари энди бўлмайди. Бироқ аслини олганда улардан одамзодга нима фойда!

«Бунинг устига,— деб жар солдилар Барбикен ва Қо ни қўллаб-қувватловчи газета ва журналлар,— барча ўсимликлар ва ердан олинадиган нарсалар иқлимга мувофиқ тақсимланар экан, бу ҳол агрономияга ҳам таъсир қилмай қолмайди. Бундай ўзгаришнинг фойда бериши турган гап».

«Шошманг!— деб эътироз билдиришди рақиблар.— Бироқ бундай тартиб жорий қилиниши билан ёмғирлар, дўл, бўрон, момақалдиروқлар — қисқаси, ажойиб ҳосил олиш ҳақидаги умидларни кўпинча чиппакка чиқарувчи ана шундай метеорологик ҳодисалар йўқолиб кетармикин?»

«Йўқ,— деб жавоб қилишди Барбикеннинг тарафдорлари,—буларнинг ҳаммасини ер юзидан йўқолиб кетмаслиги шубҳасиз, албатта, аммо момақалдиروқ, бўрон ва ёмғирлар анчагина сийрак бўлади. Эҳ! Жуда катта ўзгариш бўлади, одамзод ундан кенг фойдаланади. Инсониятга қиладиган хизматлари учун Барбикенга шон-шарафлар бўлсин. Тамоқ ва ўпка касаллари билан оғ-

риш бутунлай йўқолиб кетади, бордию бундай касаллар учраб қолгудай бўлса, у ҳолда улар ўзларидан кўрсинлар, чунки улар эринмай-нетмай ўзларига мувофиқ келадиган иқлимни излаб топишлари керак бўлди».

«Ҳа, Замбарак клубининг раиси ҳамда унинг сафдошларига шон-шарафлар бўлсин!»— «Қуёш» газетасининг 27 декабрдаги мақоласи ана шундай бошланиб, қуйидаги чиройли жумлалар билан тамомланган эди:

«Улар Қўшма Штатлар территориясини кенгайтирибгина қолмай, тошкўмир конларининг янги қатламларини топиб, уларни ишга солибгина қолмай, балки ер шарининг иқлимий шароитини ҳам кескин равишда ўзгартирадилар, бу эса гигиена жиҳатидан одамзод учун ажойиб натижалар келтиради, албатта. Бу буюк вазифани ўз зиммасига олган кишиларга шон-шарафлар бўлсин! Бундан буён уларга одамзодга мурувват кўрсатувчилар деб қараяжаклар!...»¹

¹ Агар планетамизнинг айланиш ўқи унинг Қуёш атрофида айланиш текислигига (яъни эклиптика текислигига) перпендикуляр бўлганда эди, Ердаги иқлимий минтақаларнинг ҳозирги жойланиш тартиби албатта ўзгариши лозим эди. Ҳозирги пайтда биз ер шаридagi иқлимий минтақаларни қуйидагиларга ажратамиз:

- 1) Тропик минтақа — осмонда қуёш қоқ тиккада бўлади;
- 2) Икки қутб минтақаси, буларга қуёш йил бўйи бир марта ҳам уфққа кўтарилмайдиган пунктлар киради;
- 3) Икки муътадил минтақа, булар тропик ва қутб минтақаларни чегараларни ўртасига жойлашган.

Ер ўқи эклиптикага перпендикуляр ҳолатда турганида муътадил иқлим ер шарининг бутун сатҳига ёйилади, тропик иқлим бўлса экватор чизиги бўйича тораяди, ҳар бир қутб минтақаси бўлса тегишли қутб нуқтасига қадар тораяди. Янги қутбларда Қуёш «атмосфера рефракцияси» (нурларнинг ҳаво пардаси билан синиши) туфайли, ҳеч қачон ботмай, уфқ чизиги устида хила пастда (чорак даража баландликда) узлуксиз айланиб туради. Қутбларда узлуксиз кун бўлиб туриши температуранинг ҳозиргига қараганда анча бўш бўлишини таъминлаши керак, бу ҳол муз ҳамда қорларнинг

IX БОБ

бу бобда китобхон асли Француз бўлган янги қатнашувчи билан танишади

Барбикен бошлаган ишдан келадиган фойда ана шундай эди. Ўз-ўзидан маълумки, ҳамма Ер ҳолатининг ўзгариши сезилмайдиган даражада бўлиб, унинг Қуёш атрофида айланиш шароити аввалгича қолаверади, деб ҳисоблаган эди.

Ер ўқини кўчириш ва унинг оқибатлари тўғрисидаги хабар ҳар иккала ярим шар аҳолисига маълум бўлгач, ҳамма ташвишга тушиб қолди. Дастлабки дақиқаларда, йил фасллари йўқолади ва «одамларнинг хоҳишига кўра» абадий баҳор бўлади, деган фикр жуда жозибали бўлиб кўринди. Бир мунча вақтгача фақат шу тўғрида гапириб юрдилар, аммо бу ҳол кўпгина одамларга масаланинг туб моҳияти билан қизиқишларига мутлақо халақит бермади. Бироқ Барбикен ва унинг дўстлари — Мاستон билан Николь ўз сирларини пинхон сақладилар ва афтидан, уни сира ҳам очмоқчи эмасдилар. Бу индамаслик аста-секин халойиқнинг кўнглини совитибгина қолмай, балки бирмунча ташвишга ҳам солиб қўйди. Бунинг устига, худди жўрттага қилгандай, Нью-Йоркда кенг тарқалган «Форум» газетаси барча-

ҳозиргидай жуда кўп тўпланишга йўл қўймайди; бунинг натижасида ҳавода намлик ортади, булутлар кўпаяди ва шунга мувофиқ нур сочиш орқали иссиқлик камаймайди. Буларнинг ҳаммаси кутблар яқинида температуранинг хила кўтарилишга ёрдам беради.

Ҳозирги ўртача минтақада ўқининг мазкур ҳолатида узлуксиз баҳор бўлади, у анча нам, бирмунча салқин бўлади: унинг температураси ўртача минтақанинг баҳоридаги кеча-кундуз баробар бўлган кунининг (21 март) температурасига мос келади.

Ҳозирги тропик минтақанинг иқлими ҳаммадан кам ўзгаради: бу ерда йил бўйи, ўртача олганда, ҳозирги иқлимий шароит ҳукм суради.

нинг диққатини ўзига тортган мақоласини босиб чиқарди, бу мақолада шундай дейилган эди:

«Ер ўқини кўчириш жуда кўп куч сарфлашни талаб этиши аниқ: шундай экан, буни амалга оширувчи механик кучнинг қандай эканини билсак ниҳоятда ажойиб бўлар эди».

Ундан қолишмайдиган яна бир қизиқ савол пайдо бўлди: Ерда қўққисдан кучли силкиниш бўладими, ёки ўзгариш аста-секин, деярли сезилмайдиган бўладими? Ва ниҳоят: борди-ю ўқни кўчириш қўққисдан бўладиган бўлса, бунинг натижасида ер шарида даҳшатли фалокатлар бўлиши кутилмайдими?

Бу гап бундай масалаларда ҳеч нарсани тушунмайдиган оддий одамларнинггина эмас, балки ҳар иккала ярим шардаги олимларнинг ҳам бошини қотириб қўйди. Ўзингга қанчалик тасалли берсанг ҳам, туртки турткилигини қилади, албатта, бу ҳолни бошдан кечиришга ҳеч ким орзуманда эмас. Афтидан, кўмир конларидан фойдаланмоқчи бўлган шахслар, келгусида фойда олишга берилиб кетиб, ўзлари қилмоқчи бўлган ишнинг шўрлик планетамизни қанчалик қақшатишини сира ҳам ўйламасалар керак. Европа вакиллари Барбикен ва унинг шерикларига қарши умум фикрни қўзғатиш учун бундан фойдаланишни унутмадилар.

Маълумки, Франция аукционга келмади, қутб доирасини сотишда ҳеч қандай даъво ҳам қилмади. Аммо бу давлат расмий суратда қатнашмаган ва ўз вакилини юбормаган бўлса-да, лекин бир француз бу дабдабали ишнинг барча тафсилотларини кузатиб турмоқ учун ўз шахсий истаги билан Америкага келибди, деган овоза тарқалган эди.

У кўпи билан ўттиз беш ёшга борган кон инженери бўлиб, Париждаги политехника мактабига биринчи бўлиб кириб, уни биринчи бўлиб тамомлаган эди; бу эса

уни китобхонларимизга энг машҳур математиклардан бири сифатида тавсия этишимизга тўла ҳуқуқ беради. У билим жиҳатидаи Мастондан ҳам юқори туриши ажаб эмас. Аслда Мастон ҳисоблаш соҳасидагина ҳаддан ташқари моҳир эди, холос; Лаплас ёки Ньютонга нисбатан Леверрье¹ қандай ўринни эгаллаган бўлса, келган инженерга нисбатан Мастонни ҳам шундай ўринга қўйса бўларди.

Бу инженер ақлли, ниҳоятда ҳаёлпараст ва ғалати одам эди, аммо бу хислатлар унинг бамаъни бўлишига сира путур етказмасди.

Бундай ғалати одамлар кўпроқ темир йўл инженерлари орасида учраб, кон инженерлари орасида кам бўлади. У дўстлари билан, баъзан ҳатто бегоналар билан ҳам, бирор илмий масала тўғрисида гапирганда сўз орасида ҳазл ва халқ шеваларини ишлатишни (кейинги вақтларда бу нарса кўпроқ модага кириб боряпти) яхши кўрарди. Жуда завқланиб кетган кезларида у ўз жумлаларини суҳбат мавзуси билан боғлашни ҳам унутиб юборгандай кўринарди, академик қондаларга эса фақат ёзган вақтидагина итоат этарди. Мана шуларнинг барчасига қарамай, у жуда қунт билан ишлайдиган одам эди; у сурункасига ўн соат ўрнида қимирламай ўтириб ишлай олар ва одамлар хатни қандай тез ёзса, у ҳам алгебра ҳи-



¹ Леверрье (1811—1877)—математик усул билан Нептун планетасини очган француз астрономи.

соблашларини шу қадар тез ҳал этиб, саҳифаларни кетма-кет тўлғазиб ташларди.

Бундай зўр ишдан кейин унинг энг севган хордиги вист¹ ўйнаш эди. У ҳар бир юришнинг натижасини олдиданоқ ҳисобга олиб қўйса-да, анчагина ёмон ўйнардди.

Бу телбани Пьердэ — Алкид Пьердэ деб аташарди, аммо у барча нарсани қисқартиришга берилиб кетганидан одатда: А. Пп. деб имзо қўярди.

Баҳсларда тутатиб кетиш одати бўлганлиги учун ўртоқлари унга «Ацидум сульфурikum» (сульфат кислота) деб лақаб қўйган эдилар.

Унинг математика соҳасидаги билими қанчалик баланд бўлса, бўйи ҳам шунчалик баланд эди: ўртоқлари унга ҳазл қилишиб, бўйинг чорак меридианнинг беш миллиондан бир қисмига, яъни икки метрга тенгдир, агар янглишган бўлсак ҳам салгина янглишгазидирмиз, дер эдилар. Унинг боши бўйига, қоматига ва айниқса кенг кифтига нисбатан сал кичкина бўлса ҳам аммо жуда яхши ишлар, бир жуфт мовий кўзлари ялтираб турарди. Унинг доимо очиқ, хушчақчақ чеҳраси айниқса ёқимли эди; сочлари зўр бериб ишлашдан бевақт тўкилиб, боши ялтироқ бўлиб қолган эди.

Умуман Алкид Пьердэ жуда яхши йигит ва ажойиб ўртоқ эди, ўзи ҳақида ҳамма ерда ниҳоятда яхши фикр қолдирарди.

У ўқиган кезларида энг яхши ўқувчи ҳисобланса-да, бу билан сира кеккаймас, уни пеш қилмас ва гарчи латтадай бўшанг бўлмаса ҳам, доимо мактабнинг барча қоидаларига онгли суратда итоат этар, ўзи кийиб юрган мундирига иснот келтирмасди.

¹ Вист — қарта ўйини.

Алкиднинг кичкина, аммо яхши ишлайдиган боши энг асосли билимлар билан тўлган эди. Биринчидан у жуда яхши математик эди, лекин у математика билан уни фақат тажриба фанларига илова қилиш учунгина шуғулланарди, тажриба фанлари эса унинг учун сановатни юксалтириш воситаси сифатидагина қимматга эга эди.

Кези келганда шуни ҳам айтиб ўтайликки, Алкил бўйдоқ эди. У кўпинча ўзи тўғрисида ҳазл қилиб, «мен бирга тенгман» деса ҳам, аммо «қўшалоқ» бўлишга қарши эмас эди. Дўстлари уни прованслик жуда шўх, бир гўзал қизга уйлантиришларига сал қолувди-ю, бирок бахтга қарши қизнинг отаси аралашиб:

— Йўқ, йўқ, Алкиднингиз ҳаддан ташқари билимдон! У ўзининг тушуниб бўлмайдиган гаплари билан бечора қизини қийнаб юборади,— деб қатъиян рад этди.

Гўёки олим сира мулойим ва камтар одам бўла олмайдигандай-а! Бу рад этиш аслида дили ранжиган инженернинг ҳамма нарсани ташлаб вақтинча океanning нариги томонига жўнаб кетишига қисман сабаб бўлган эди. У бир йилга отпуск олиб шу вақт ичида Америкага бормоқчи, «Шимолий қутб компанияси»нинг ишлари билан ўша жойнинг ўзида танишмоқчи бўлди. Шундай қилди ҳам. Алкид Балтиморага келиши ҳамона Барбикен ва К° қилмоқчи бўлган катта ишга ниҳоягда қизиқиб қолди. Аслини олганда, Еримиз Юпитерга ўхшайдиган бўладими, йўқми, унга мутлақо барибир эди. Уни олим сифатида даставвал бу мақсадга эришиш учун қўлланилмоқчи бўлган усул қизиқтирарди.

— Афтидан,— дерди у одатдагича ўзига хос ибора билан,— Барбикен планетамизни бир балога рўбарў қилмоқчи шекилли!.. Аммо қандай балога?... Ҳамма гап ўшанда!.. Ҳали у биллиард шаридай биқинидан туртки емаса яхши эди!.. Борди-ю бунинг уддасидан чиқса,

борми, вақтимизни йилларга, ойларга ва шу кабиларга бўлишнинг расвоси чиқади-я! Яшаворинг-эй! Уларнинг мақсадлари — ўқни кўчириш, бундан бошқа нарса билан сира ишлари йўқ, бу аниқ!.. Аммо шуниси қизиқки, улар таянч нуқтаси билан туртки учун керак бўладиган кучни қаердан олар эканлар? Агар ернинг суткалик айланиши бўлмаганда ҳам бошқа гап эди: яхшилаб бир чертиларди-ю, ҳамма нарса жойида бўларди қоларди! Аммо бундай қилиб кўрчи!.. Гапнинг пўскалласи ҳам ана ўшанда-да! Ҳар ҳолда улар нимани ўйлаб чиқармасинлар, ҳазиллакам мошкичири бўлмайди!

Лекин инженеримиз бу сирли жумбоқни ечиш учун қанчалик бош қотирмасин, ҳеч қандай маъно чиқаролмади. Афсус! Алкид Барбикен ва К° сирларини билиб ололганида эди, бир зумда зарур формулаларни чиқарган бўларди.

Ана шунинг учун ҳам 29 декабрда француз кон инженери Алкид Пьердэ ўзун оёқлари билан Балтиморанинг серқатнов кўчаларини одимламоқда эди.

Х Б О Б

бу бобда ҳар турли кўнгилсиз вазиятлар юз беради

Замбарак клуби аъзолари уюштирган мажлис бўлиб ўтганига роса бир ой тўлди. Бу вақт ичида жамоат фикри ўзгарди, аммо у, афтидан янги акционерлик жамияти фойдасига ўзгармаган эди. Ўқни кўчиришдан келадиган ҳамма фойда ва устунликлар энди эсдан чиқиб кетди. Энди аксинча, бу иш билан боғли бўлган хавф-хатарлар аниқланди. Бу иш даҳшатли фалокатсиз бўлмайдиганга ўхшайди. Қандай ҳодиса юз беради ўзи?— ҳамма гап ана шунда эди. Лекин буни ҳеч ким айтиб

беролмасди. Иқлимни яхшилаш масаласига келганда, бу ҳали муаммо: уни ўзгартиришнинг ҳожати бормикин? Аслида унинг фақат эскимослар, лапландликлар ҳамда чўқчиларгагина фойдаси бор эди, улардан нима ҳам кетади дейсиз!

Ниҳоят, европалик вакиллар учун ҳам бахтиёр дақиқалар етиб келди: улар худди биров чакакларини очиб қўйгандай, бир-бирларидан қолишмай Барбикен ва К^они очиқдан-очиқ танқид қила бошладилар. Сув ости кабеллар орқали телеграммалар елиб кетди. Вакилларнинг ҳар қайсиси дастлаб ўз ҳукуматига ахборот юбориб, унга жавобан қўлланмалар олди... Дарвоқе, бу қўлланмалар дипломатия санъатининг барча қоидаларига мувофиқ қилиб тузилган, яъни ўзгармас шархлар илова қилинган оддий жумлалардан иборат эди. Масалан: «Ғайрат билан ҳаракат қилинг, лекин ҳукуматга иснод келтирманг!» ёки: «Дадил ҳаракат қилинг, лекин барча нарса аввалгича қолаверсин!» ва ҳоказо.

Майор Донеллан ва унинг шериклари ора-сира ўз ҳукуматлари номидан ва гап орасида бутун Эски дунё номидан норозилик билдириб гапирадилар.

— Кундай равшанки,— деди Борис Карков,— америкалик инженерлар, Штатларни даҳшатли туртки оқибатларидан сақлаб қолиш учун қўлларидан келган барча чораларни кўриб қўйган бўлсалар керак!

— Аммо бун қилиш уларнинг қўлидан келармикин?— деб эътироз билдирди профессор Гаральд.— Зайтунни тераётганда дарахтини силкитадилар, ўшанда унинг новдалари эгилмайди ва синмайди дейсизми?

— Бирор одамни кўкрагидан туртиб кўрингчи,— деди унинг сўзини маъқуллаб Янсен,— турткининг зарби бутун баданни зирқиратмасмикин?

— Уларнинг ҳужжатидаги сирли модданинг маъноси ҳам мана шу!— деб ҳитоб қилди Дэн Тудринк.— Ана

шунинг учун ҳам бу ҳужжатда ер шарида бўладиган иқлимий ва метеорологик ўзгаришлар тўғрисида изох берилганди!

— Ҳа!— деди Бальденак,— кутилмаган воқиа бўладиган бўлди-да! Асосан бир нарсадан қўрқиш керак, агар ер ўқи ўзгарса денгизлар тошиш мумкин!

— Яна шунинг ҳам эътиборга олинганки,— деб давом этди Янсен,— мабодо бунинг натижасида океан юзи айрим жойларда пасайиб кетгундек бўлса, у вақтда қуруқликда яшовчилар шундай баландликка чиқиб қолиб улар билан алоқа қилиш мутлақо мумкин бўлмай қолади.

— Бунинг устига, эҳтимол, ҳавонинг жуда сийрак қатламига дуч келишиб, нафас ҳам ололмай қолишар,— деб қўшимча қилди Гаральд.

— Лондонни Монблан баландлигида деб фараз қилиб кўрингчи!— деб қичқирди майор Донеллан.

Сўнгра у оёқларини кириб, бошини орқага ташлаб, худди ростдан ҳам Англиянинг пайтахти булутлар теппасига кўтарилгандай юқорига қаради.

Умуман хавф ҳамманинг бошига ёғиладиганга ўхшаб қолди. Нима юз беришини ҳеч ким аниқ билмаса ҳам, аммо баъзи бир хатарли оқибатлар ҳозирнинг ўзидаёқ олдиндан билинмоқда эди.

Қисқаси, гап Ерни роппа-роса йигирма уч ярим даражага буриш тўғрисида борарди, бунинг натижасида эса океанларнинг ўз жойидан кўчиши муқаррар эди. Шу туфайли беихтиёр: бу ҳол Ер учун қандай хавфни бошлаб келар экан, деган савол туғиларди.

Жамоат қаттиқ ҳаяжонга келиб, ҳамма ёқдан но-розиликлар ёғила бошлади. Ниҳоят, улар шу даражага етдики, Штатлар ҳукумати баъзи маълумотларни суриштиришга мажбур бўлди. Фалокат хавфи остида қолгандан кўра, бунақанги хатарли тажрибаларга йўл қўй-

маслик афзалроқ эди, албатта. Аммо шундай жиддий масалага ҳам ҳазл кўзи билан қаровчи енгилтак одамлар ҳам топилди.

— Оббо, янкилар-эй!—деб ҳазил қилишарди улар.— Ерни янги ўққа ўрнатмоқчи бўлибдилар-а! Эскиси миллион асрлар ишлаб, эскириб қолса ҳам гўрга эди-я; унда ийманиб-нетиб ўтирмай, эски гилдиракнинг ўқини алмаштиргандай уни ҳам алмаштириб қўйила қоларди, вассалом. Аммо бундай аҳвол юз бергани йўқ: у ҳали ҳам илгаригидек мустаҳкам.

Бунга нима ҳам деб бўларди?

Шундай бир вазиятда Алкид Пьердё Мастон томонидан ўйлаб топилган усулни ҳамда тажрибани ўтказиш мўлжалланган жойини қидиришни давом этдирди.

Агар у буни билиб олганида эди, фалокат даставвал юз бериши мумкин бўлган жойларни аниқлаши осон бўларди.

Эски дунё аҳолиси Янги дунё аҳолисига қараганда кўпроқ ташвишда эди. Бу албатта табиий ҳол, асл янкилардан бўлган Барбикен, Николь ва Мастон Америка Штатларини фалокатдан сақлаб қолмайдилар деб ўйлаш мумкинми ахир? Аксинча, Американинг ўз территориясини кенгайтириб бу ўзгаришдан ютиб чиқиши ҳам ажаб эмас.

— Одатда қўйнингни пуч ёнғоққа тўлдирувчи бундай тоғ-тоғ ваъдаларнинг кўпини кўрганмиз!— дейишарди эҳтиёткор одамлар.— Мастон ўз ҳисоблашларида хато қилмайди, Барбикен эса уни амалда татбиқ этиб, бу хатони такрорламайди дейиш мумкинми? Энг моҳир артиллериячилар ҳам хато кетиши мумкин. Улар ҳамма вақт ҳам ўқни мўлжалнинг қоқ ўртасига тегиза олмайдирлар-ку, ахир?

Турган гап европалик вакиллар жамоатчиликлари таш-

вишини қувватлаб уни баттароқ қўзғатдилар. Газеталар ҳам жим ётмади. Жуда кескин баҳслар бошланиб кетди. Газеталарнинг баъзилари Барбикен ва К° тарафини олди, аммо кўпчилик газета уларнинг ашаддий душмани бўлиб чиқди. Еванжелина Скорбит пулини аямай, ўз дўстларини ёқлаб ёзилган мақолаларнинг ҳар бир сатри учун беҳудага ўн доллардан ҳақ тўлади! Замбарак клуби секретарига ошиқ бўлган бу хоним, Мастон ўз ҳисоблашларида хато қилиши мумкин, деган фикрнинг ўзи хато эканини исботлашга бекорга уриниб, кўп овора бўлди. Ҳеч нарса ёрдам бермади.

Ниҳоят, ваҳимага тушган Америка ҳам Европа сингари шовқин кўтарди.

Аммо Замбарак клубининг раиси ҳам, унинг секретари ҳам, компания правлениеси аъзолари ҳам бу маломатларга заррача парво қилмадилар, уларни рад қилиш учун ақалли уриниб ҳам кўрмадилар. Улар ҳар кимнинг истаганча гапиришга йўл қўйиб бердилар, аммо ўзлари ниятларини ўзгартирмадилар. Яна, ҳозирги вақтда шунчалик ваҳима туғдирган бу катта ишни бажариш учун уларнинг бирон тайёргарлик кўраётгани ҳам сезилмас эди.

Миссис Скорбитнинг садоқати ва ҳаракатига қарамай, Барбикенни, дўсти Мастонни ҳамда капитан Никольни ҳимоя қилиш учун катта-катта пул сарфлашига қарамай, кўп вақт ўтмай уларнинг ҳар учаласи Янги ва Эски дунё учун хавфли одамлар деган ном олишди. Европа давлатлари Вашингтон ҳукуматига расмий нота билан мурожаат қилиб унинг қутб доираси конларидан фойдаланмоқчи бўлган одамларнинг ниятлари билан яқиндан танишишини талаб қилди. Бундан ташқари, уларда Ер ўқини кўчиришда қўлланмоқчи бўлган усулларни очиқ ифодалаб беришни талаб этиш ҳам мўлжалланди. Бу ҳол халойиқни анча тинчлантирган бў-

ларди, чунки унга хавф туғдираётган фалокат тўғрисидаги овозаларни текшириш мумкин бўларди.

Вашингтон ҳукумати кутдириб турмади. Жамоат ҳаяжони шу қадар кучли эдики, иккиланиб ўтиришга ўрин йўқ эди.

19 февралда бу соҳадан хабардор бўлган эллик кишидан — инженер, механик, математик, гидрограф ва географлардан иборат текшириш комиссияси тузилиб, унга машҳур Джон Престис раис қилиб тайинланди. Бу комиссияга бошланмоқчи бўлган ишнинг моҳиятини текшириш ва лозим топилган тақдирда уни ман этиш топширилган эди.

Комиссия биринчи бўлиб Барбикенни чақирди.

У келмади.

Шундан кейин унинг Кливленд-стрит, 96, даги квартирасига полициячилар юборилди.

Замбарак клубининг раиси уйда йўқ эди.

У қаерда экан?..

Буни ҳеч ким билмасди.

Раис қачон жўнаб кетибди?..

У бундан беш ҳафта бурун, 11-январда капитан Николь билан бирга Балтиморадан чиқиб кетибди.

Қаерга?

Буни ҳам ҳеч ким айтиб бера олмас эди.

Афтидан, Замбарак клубининг бу ҳар икки аъзоси тайёргарлик ишларига шахсан раҳбарлик қилиш учун ўша сирли жойга жўнаб кетган бўлсалар керак. Бу сирли жой қаерда бўлди экан? Буни албатта вақт ўтмасдан билиш керак, бу хавфли инженерларнинг плани амалга ошмасдан бурун уни йўқ қилиш керак.

Барбикен ва Николь ғойиб бўлгандан кейин пайдо бўлган умидсизланишни ёзиб тасвирлаш қийин.

Халойиқнинг янги акционерлик жамиятига нафрати

кун сайин эмас, балки соат сайин ошиб, тез орада ниҳоятда кучайиб кетди.

Барбикен ва унинг ҳамроҳи қаерга кетганини биладиган фақат бир одам бор, ана ўша Эски ва Янги дунё аҳолисини ташвишга солаётган барча масалаларга жавоб бера олиши мумкин эди. Бу одам Мастон эди.

Комиссия раисининг буйруғи билан Мастон комиссия ҳузурига чақиртирилди.

Мастон келмади.

Наҳотки у ҳам Балтиморадан жўнаб кетган ва оқибатини бутун жаҳон ташвишланиб кутиб ётган ишга ёрдам бериш учун ўз ўртоқларига эргашган бўлса?

Йўқ, Мастон жўнаб кетишни хаёлига ҳам келтирмай, бурунгидай Франклин-стритдаги Баллистик-коттеджада яшар эди. У янги ҳисоблашларга киришиб кетган бўлиб, миссис Скорбитнинг ҳашаматли ҳовлисида кечқурунлари ором олиш учунгина аҳён-аҳёнда ўз ишини бўлиб қўярди.

Комиссия Мастонни олиб келиш тўғрисида буйруқ бериб бир полициячини юборди. У коттежда келиб эшикни тақиллатди-да, уялиб-нетиб ўтирмай тўғри уйга кириб борди. Уни Пли-Пли, айниқса уй эгаси жуда ёмон кутиб олди.

Шундай бўлса ҳам Мастон таклифдан бош тортишни эп кўрмади, аммо комиссия ҳузурига келганида, уни безовта қилиб, ишидан қолдиришганидан порози эканини билдирди. Унга берилган биринчи савол қуйидагича бўлди:

— Ҳозирги пайтда Замбарак клубининг раиси Барбикен билан капитан Николнинг қаерда эканликлари Замбарак клубининг секретарига маълумми?

— Ҳа, маълум,— деб жавоб қилди Мастон қатъий оҳангда,— аммо мен буни очик айтиб бера олмайман.

Иккинчи савол берилди:

— Уларнинг ер ўқини кўчиришга тайёргарлик кўриш аётигани ростми?

— Бу гап мен яширин тутишга ваъда қилган сирнинг бир қисми, бунга жавоб беришдан бош тортаман,— деди Мاستон.

Ўз иши тўғрисида комиссияга маълумот беришни Мастон истамасмикин, агар шундай бўлса, комиссия бу иш билан танишиб чиқиб, проектни амалга оширишга йўл қўйиш мумкинми-йўқми эканини ҳал қиларли.

— Йўқ! Асло йўқ! Мен ҳаммасини, йўқ қилсам қиламанки, аммо ҳеч нарсани айтмайман, сирни очмайман!..

— Сизнинг бу ҳуқуқингизни поймол қилмоқчи эмасман,— деди комиссия раиси, нақ бутун жаҳон номидан гапирётгандай жиддий оҳангда,— лекин сизга шуни уқдириб ўтишим лозимки, бутун халқлар ўртасидаги саросимага хотима бериш учун ҳамма нарсани очиқ-ойдин айтиб бериш сизнинг бевосита бурчингиз эмасми?

Мастон бу фикрга қўшилмади, шекилли, жим тураверди. Текшириш комиссиясининг аъзолари насиҳат, илтимос ва ҳатто пўписа қилишларига ҳам қарамай, қўл ўрнига темир илгак осиб олган бу одамдан ҳеч нарса чиқара олмадилар. Бошига гутаперча ямоқ тушган бу кишини бунчалик ўжарлиги ҳеч кимнинг хаёлига ҳам келмаган эди.

Мастон қандай хотиржамлик билан келган бўлса, шундай қаддини кўтариб кеккайганча чиқиб кетди: бу ҳол миссис Скорбитни айниқса завқлантирди.

Мастоннинг берган жавоби ҳаммага маълум бўлгач, ҳалойиқнинг ғазаби шу қадар ошиб кетдики, истеъфога чиққан артиллериячининг ҳаёти хавф остида қолаёзди. Жамоат фикрининг ҳукуматга нисбатан тазйиқи ҳамда



европалик вакилларнинг норозиликларини шу қадар кучли эдики, давлат секретари (ташқи ишлар министри) Джон Райт ҳукуматдан қатъий, шошилинич чоралар кўриш учун рухсат сўрашга мажбур бўлди.

13 март кунини кечқурун мистер Мэстон Баллистик-коттеджадаги ўз кабинетини одатдагидай ҳисоблашларига кўмилиб ўтирганида телефон қаттиқ жиринглади.

— Алло!.. Алло! — мембранадан кимнингдир ташвишланган овози эшитилди.

— Ким гапиряпти? — деб сўради математик.

— Миссис Скорбит.

— Нима дейсиз, миссис Скорбит?

— Сизни огоҳлантирмоқчиман!.. Мен ҳозиргина эшитиб қолдим: шу бугун кечқурундан қолмай...

Жумла тугамаган ҳам эди, бирдан пастда шовқин-сурон ва тарақа-туруқ эшитилди: коттеджнинг ташқаридаги эшигидан кимдир бостириб кирмоқда эди.

Кабинетга олиб борадиган зинапояда ола-говур кўтарилди. Кимнингдир қаршилиқ кўрсатаётгани, бошқаларнинг уни жим туришга мажбур этаётган овози келарди.

Сўнгра кимнингдир гурсиллаб йиқилгани эшитилди.

Бу йиқилган одам хўжайини уйидаги осойишталикни бузган одамларни тўхтатмоқчи бўлгани учун зинапоядан улоқтириб ташланган Пли-Пли эди.

Бир зумда кабинет эшиги тарақлаб очилиб бирталай полициячилар билан полиция бошлиғи кўринди.

Полиция бошлиғига коттежда тинтув ўтказиш, барча қоғозларни олиш ва Мاستоннинг ўзини қамаш ҳақида буйруқ берилган эди.

Замбарак клубининг феъли тез секретари дарров қўлига тўппончасини олиб чақирилмаган меҳмонларга ўқталди ва олтита ўқнинг барини чиқараман деб дўқ қилди.

Кураш тенг эмас эди: полициячилар кўпчилик бўлганидан Мастонни бир зумда қуролсизлантириб, унинг рақамлар чизиб ташланган барча қоғозларини йиғиштира бошладилар.

Бироқ Мастон бирдан полициячилар қўлидан чиқиб стол ёнига югуриб борди-да, ёзув дафтарчасини илиб олди; бу дафтарчада афтидан, ҳисоблашларнинг энг муҳим қисми бўлса керак. Агентлар Мастондан дафтарчани, худди у билан бирга... ҳаётини ҳам суғуриб оладигандай, унинг устига ташландилар; аммо Мастон хаш-паш дегунча дафтарчани очиб, унинг охириги саҳифасини йиртиб олди-да, уни бир зумда ғижимлаб, худди оддий бир дорини ютгандай ютиб юборди.

— Хўш, ана энди олиб кўринглар-чи!— деб хитоб қилди у ғолибона оҳангда.

Орадан бир соат ўтгандан кейин Замбарак клубининг илмий секретари Балтимора тюрьмасида ўтирар эди. Яхшиям у тюрьмага тушиб қолди, чунки шаҳар аҳолисининг унга қарши ғазаби шу қадар кучайиб кетган эдики, Мاستоннинг ҳаёти хавф остида қолган эди; бунга халақит беришга ҳатто полиция ҳам ожизлик қилган бўларди.

ХИБОБ

*мастоннинг ён дафтарчасида нималар бор эди-ю,
нималар йўқ эди*

Балтимора полицияси қўлига тушган ён дафтарча Мастоннинг формулалари, тенгламалари, ҳисоблашлари билан тўлдириб ташланган ўттизга яқин бетдан иборат эди. Бу олий механикага онд иш бўлиб, унга фақат мутахассисларгина баҳо бера оларди. Бу дафтарча оддий одамлар учун тушуниб бўлмайдиган бир нарсасига бўлиб қолмай, асло кераги йўқ нарса эди. Шунга қарамай, доно одамларни тинчлантириш учун Мастоннинг ёзувларидаги барча маълумот ва ҳулосаларни босиб чиқаришни лозим топишди.

Текшириш комиссияси Мастоннинг ишлари билан яқиндан танишиб чиққач, қандай қилиб бўлса-да хавфли фалокатнинг олдини олиш мақсадида, қисқагина ахборот ёзиб уни, ҳаммага эълон қилди:

«Шимолий қутб компанияси»нинг правлениеси ер шарини ўқини кўчиришни ўз олдига мақсад қилиб олиб, уни амалга ошириш чорасини ҳам топган: у ер шарининг маълум бир пунктига ўрнатилган қуролдан фойдаланмоқчи. Бу қурол жуда катта ҳажмдаги замбарак бўлиб, у тикка қилиб отилганда ҳеч қандай натижа бермаган бўларди. Истаган натижага эришиш учун, яъни бошқача қилиб айтганда, отишдан ҳосил бўладиган зарбнинг ниҳоятда кучли бўлиши учун, замбаракни шимол

ёки жанубга қаратиб қўйиш зарур. Шундай қилинганда Ер шимолга қараб итарилади. Барбикен ва K° ҳам худди ана шу йўналишни танлаб олганлар.

«Ўқ отилиши ҳамоно, Ернинг тортиш маркази ўқнинг отилишига параллель бўлган томонга кўчади, бу эса орбита текислигини, бинобарин йил узунлигини ҳам ўзгартириши мумкин. Йил узунлигининг ўзгариши билан-бар-билинмас даражада бўлади. Шу билан бирга Ер экватор текислигида ётган ўқ атрофида айланадиган бўлади. Агар Ер шунга қадар бошқа томонларга айланмаганида эди, у ҳолда унинг бу тарзда айланиши жуда узоқ вақт давом этган бўларди. Ҳар иккала айланма ҳаракат механика қонунларига мувофиқ бирга қўшилиш натижасида, қандайдир учинчи ўқ атрофида айланишни ҳосил қилади; у ўқнинг қутблари дастлабки ўқ қутбларидан маълум масофа нарида бўлади. Агар замбаракнинг ўқ узиши етарли даражада кучли бўлиб, снаряд тегишли равишда йўналтирилса, у ҳолда ернинг янги ер орбитаси текислигига перпендикуляр ҳолатда бўлиши мумкин. Ҳанда Ер Юпитерга ўхшаб қолади.

«Ўқнинг бундай ҳолатда қандай оқибатларга олиб келиши бизга маълум, чунки буни президент Барбикеннинг ўзи 22 декабрда ўтказилган мажлисда кўрсатиб ўтган эди.

«Лекин, ер массасини ва унинг айланиш кучини эътиборга олганда, қутбни силжити оладиган қуролнинг бўлиши мумкинми ахир?! Силжитганда ҳам қандай денг — $23^\circ 28'$ га-я?!

«Ҳа, агарда инженерлар катталиги жиҳатидан механика қонунлари талабларига жавоб берадиган битта, ёки ҳатто бир тўда Замбарак ясаганларида, ёки кучи ана шундай туртки ҳосил қила оладиган портлатиш моддасини топганларида эди, бунга ишониш мумкин бўларди. Ёки бўлмаса француз флотининг 27 сантиметрлик

замбарагини (1875 йил модели) олайлик: бу тўп 180 килограмм оғирликдаги снарядни секундига 500 метр тезлик билан отади; агар ана шу замбаракнинг ҳажми $100 \times 100 \times 100 = 1\,000\,000$ марта оширилса, у оғирлиги 180 000 тонна бўлган снарядларни ота олади. Агар бунинг устига порох ўрнига бошқа бирон портлатувчи модда ишлатилиб, отилган снаряд тезлиги ҳозиргига қараганда 5600 марта оширилса борми, унда керак бўлган натижага эришиш турган гап. Дастлабки тезлиги секундига 2800 километр бўлган снаряднинг Ерга қайтиб тушишидан хавотирланмаса ҳам бўлади.

«Бахтга қарши шуни айтиш керакки, Ойга учиш тажрибалари билан ўз тажрибаларини ордирган Мостон ва унинг ўртоқлари ер шарига хавф туғдириб ҳаддан ташқари кучли бўлган портлатувчи модда топибдилар, деган кўпгина далиллар бор, буни айниқса ғалати. Бунинг топган одам, капитан Николнинг ўзгинаси экан.

«Бу модданинг нимадан иборат экани ҳозирча сир бўлиб қолмоқда, чунки математикнинг ён дафтарчасида гарчи у «мели-мелонит» номи билан бир неча бор тилга олинсада, ҳеч нарса ёзилмаган.

«Ҳар ҳолда, у нимадан иборат бўлмасин, бир нарса равшан: келгусида тошқўмир конларидан фойдаланмоқчи бўлган кишилар ўзларининг асосий мақсадларига эришмоқ учун, яъни ер ўқини кўчириш ва қутбни $23^{\circ} 28'$ га силжитиш учун аниқ воситаларга эгадирлар. Бу ер шарида яшовчи барча аҳоли учун фалокат хавфини туғдиради.

«Бироқ умид қилиш мумкин бўлган шу нарса ҳам борки, ҳозирги замон инженерлари, металлургия саноатининг ривожланганидан қатъий назар, мазкур ишда талаб этилган гигант катталиклдаги Замбаракни ҳам, снарядни ҳам қуришга қодир эмаслар.

«Бироқ президент Барбикен билан капитан Николнинг ғойиб бўлиб кетиши, янги акционерлик жамиятининг ўз ниятларини амалга оширишга киришганлигидан дарак берувчи хавфли ҳодисадир. Уларнинг Балтиморадан, эҳтимол Америкадан ҳам жўнаб кетганларидан бери икки ойдан ортиқ вақт ўтди.

«Уларнинг қаерга жўнаб кетиши мумкин? Улар ер шарининг бир чеккасига, бундай ишни амалга ошириш энг қулай бўлган бир жойга кетган бўлсалар керак.

«Аммо бу жойнинг ўзи қаерда? Буни ҳеч ким билмайди, шунинг учун ҳам ўз кўмир конларидан фойдаланиш мақсадида дунёни остин-устин қилиш планини тузган ёвузларни қидириб топишнинг иложи бўлмай қолди.

«Афтидан, тайёргарлик кўрилиши лозим бўлган ҳамда план амалга ошириладиган жой Мастоннинг ён дафтarchасидаги охириги саҳифада кўрсатилган бўлса керак. Аммо уни Барбикеннинг ҳозирги пайтда Балтимора тюрмасида ётган шериги ютиб юборган, у ўжарлик қилиб ҳеч нарсани айтмаяпти.

«Аҳвол ана шундай. Бордию Барбикен ўзининг баҳайбат замбарагини қуриб, унинг учун снаряд тайёрлай олгундай бўлса, қисқаси, юқорида айтиб ўтилганларнинг барчасини амалга оширса, у ер ўқини кўчиради ва олти ой вақт ўтмасдан, ер шари ва унинг аҳолиси бу мисли кўрилмаган ишнинг оқибатларини бошидан кечиради.

Муваффақиятли равишда ўқ узиш учун энг қулай бўлган вақт, яъни ўқ узиш натижасида ҳосил бўладиган зарбнинг ер шарига кўпроқ таъсир этадиган пайти — номаълум жой вақти билан 22 сентябрь, ярим кечадир.

«Шундай қилиб, ҳозирги пайтда қуйидагилар маълум:

- 1) Снаряд йигирма етти сантиметрлик тўпга қараганда миллион марта катта бўлган замбаракдан отилади;
- 2) снаряд оғирлиги бир юз саксон минг тонна бўлади;

3) унинг дастлабки тезлиги 2800 километрга тенг келади; 4) замбарак 22 сентябрда, Қуёш маҳаллий меридиандан ўтгач ўн икки соатдан кейин отилади.

«Лекин буларнинг ҳаммаси ўша ишларнинг қаерда бўлишини аниқлаш учун имкон бермайди.

Шунингдек, Мастоннинг ён дафтарчасида маълумотлар бўлмагани туфайли, ер шарининг қайси ерлари ўзгариши ва қандай ўзгаришлар юз беришини аниқлашнинг ҳам иложи йўқ; янги қутблар қаерда бўлади; қайси қуруқликлар океанларга ҳамда қайси океан ва денгизлар қуруқликка айланади; буларнинг ҳаммаси сир бўлганлиги туфайли кўп нарса гумон бўлиб қол-япти.

«Ваҳоланки, Мастоннинг ҳисоблашларига қараганда бу ўзгаришлар анчагина катта бўлади. Турткидан кейин денгиз сатхи янги тухумсимон шаклга кириб, ер шарининг ҳамма жойида ўз қиёфасини ўзгартади.

«Бўладиган ўзгаришларга қараб, ер шарининг кўп жойида денгиз сувининг паст-баландлик даражаси 8415 метргача кўтарилади ёки пасаяди деб дадил тахмин қилиш мумкин. Ернинг қутбдаги қисми ялпайганлиги туфайли, турткидан кейин ҳозирги қутб ерлари денгиздан уч минг метр пастликда қолади. Аслини олганда, агар Шимолий қутб вазияти шундай бўладиган бўлса, компания сотиб олган тошкўмир конларидан фойдаланиш сира мумкин эмасдай бўлиб кўринади; аммо буни президент ва унинг ўртоқлари кўзда тутганлар; сўнги кашфиётлар, Шимолий қутб баландлиги уч километрдан ортиқ бўлган ясситоғликдан иборат, деб тахмин қилишга имкон беради.

«Юқорида айтилганларнинг барчасига яқун ясаб, шунини яширмай айтиш керакки, ер шари аҳолиси учун уларнинг қаерда яшашларидан қатъий назар, Барбикен ва К^о сирини билиб олиш жуда муҳимдир, чунки бу

компаниянинг ҳаракатлари аҳоли учун ниҳоятда хавфлидир.

«Шунинг учун ҳам, бурчимиз талаб қилгандай, Эски ва Янги дунё аҳолисини огоҳлантириб айтамизки, улар ўз территорияларида замбарак ҳуйиш, снаряд ясаш, порох тайёрлаш, портлайдиган моддалар ишлаб чиқариш соҳасида қилиниши мумкин бўлган ишларни зийраклик билан кузатиб турсинлар, шунингдек шубҳали шахсларнинг пайдо бўлишидан ҳам хабардор бўлиб, аниқланган ҳар бир нарсани кечиктирмай Балтиморадаги текшириш комиссиясига маълум қилиб турсинлар. (Мериленд, Шимолий Америка Қўшма Штатлари).

«Ишонамизки, хабарлар планетамизнинг ҳозирги ҳолатини ўзгартириш хавфини туғдирган кун шу йил, 22 сентябрдан олдин ўз вақтида етиб келади».

Х II Б О Б

бу бобда Мэстон ўжарлик қилиб миқ этмай тураверади

Шундай қилиб, ер ўқини кўчириш учун замбаракдан фойдаланмоқчилар. Замбарак, замбарак! Афтидан бу сўз Замбарак клуби аъзоларининг миясига маҳкам ўрнашиб қолганга ўхшайди, улар бошқа нарсани ўйлаб топа олмайдиган кўринадилар! Наҳотки бу бесўнақай қурол бутун жаҳонга ҳукмрон бўлиб қолса? Дарвоқе бунинг ажабланарли ери йўқ. Ахир Барбикен билан унинг ўртоқлари ўз ҳаётини бекорга баллистика¹га бағишлаган эмаслар-ку! Биринчи тажриба зое кетмаган бўлса

¹ Баллистика — ўқлар ва снарядлар ҳаракати қонунлари тўғрисидаги фан.

керак, албатта. Улар Ойга учишда муваффақиятсизликка учраганларидан кейин бу сафар, эҳтимол, мисли кўрилмаган гигант катталикда замбарак ясашиб, ҳарбий-часига:

— Ойни мўлжалга ол! От!

— Ер ўқини кўчир!.. От!.. — деб команда бериб қолишар.

Ажаб эмас, бу қилиқ шу билан тугарки, бутун жаҳон ўз навбатида Замбарак клубининг жасур аъзоларига қарата:

— Жиннихонага қамал!.. От!.. — деб команда берар.

Ҳақиқатан ҳам уларнинг бу телба ишлари шундай жазога муносибдир!

Текшириш комиссиясининг эълон қилган хабари шундай таъсир кўрсатдики, бунини тасвирлаб бериш қийин. Ўз-ўзидан маълумки, унда айтилган барча гаплар ҳеч кимга тасалли бера олмади; Мاستоннинг ҳисоблашларидан механикага доир масала ҳал этилгани аниқ эди. Барбикен билан Николь бел боғлаган иш афтидан Ернинг суткалик ҳаракатига кўнгилсиз ўзгартиш киритадиганга ўхшайди. Бу дабдабали ишнинг қандай оқибатларга олиб келиши энди бизга маълум.

Жамоатчилик Барбикен ва К^о ниятини жиддий муҳокама қилиб, уни лаънатлади.

Ҳозирги пайтда акционерлик жамияти аъзоларининг Эски дунёда ҳам, Янги дунёда ҳам фақат душманларигина бор эди, борди-ю, уларнинг тарафдорлари қолган бўлса ҳам, улар ёлғиз Америкадагина бўлиб, жуда озчиликни ташкил этарди.

Барбикен ва унинг шериклари Америкадан ўз вақтида жўнаб кетиб жуда ақлли иш қилдилар. Уларнинг тақдири катта хавф остида бўлиши турган гап эди. Ахир бутун ер шари халқларини даҳшатли фалокат билан қўрқитиб, уларнинг бутун одатларини остин-устин қи-

либ, ўзларини эса йўқ қилиб юбориш хавфи остида қолдирганларнинг жазоланмаслиги мумкин эмас-ку.

Дарвоқе, Замбарак клубининг бу икки аъзоси қаерга дом-дараксиз ғойиб бўлиб кетди экан? Улар бундай иш-ни бажариш учун зарур бўлган шу қадар кўп материал-ни ҳеч кимга сездирмай қандай эплаб олиб кетишди экан? Ахир шунча миқдордаги кўмир, темир ва мели-мелонитни ташиш учун албатта юзлаб вагон, кема ке-рак бўлади-ку! Уларнинг қандай қилиб яширинча қочиб кета олганларига асло тушуниб бўлмайди. Ваҳоланки, шундай ҳол юз берган. Ҳатто бундан ҳам баттарроғи маълум: синчиклаб қидириш ва сўроқлар натижасида шу нарса аниқландики, ярим шарнинг ҳеч бирида на би-рон фабрика, на бирон металлургия заводи ҳеч қандай заказ қабул қилмабди. Ҳозирги пайтда буларнинг бар-часи тушунтириб бўлмайдиган воқиа бўлиб, келгусида ер шари аҳолиси бу кунларни кўришга муяссар бўлса, тушунтириб берилиши керак эди.

Ҳар ҳолда, гарчи Барбикен билан унинг ўртоғи яши-ринча қочиб кетиб, вақтинча хавфдан қутилиб қолаол-ган бўлса-да, тюрьмада ўтирган Мастон жамоатчилик-нинг қаҳр-ғазабига дучор бўлиши, жазоланиши мумкин эди. Аммо бу нарса уни сира ташвишга солмади. Бу математик ниҳоят даражада ўжар, тошдай қаттиқ ва ўнг қўли ўрнида бўлган темир илгакдек қайсар эди. Уни ҳеч қандай қилиб кўндириб бўлмасди.

Замбарак клубининг секретари Балтимора тюрьма-сининг бир кишилиқ камерасида ётганича, ўз ўртоқлари-нинг ишларини фикран кузатиб турарди, ўзининг улар билан бирга эмаслигига афсусланарди. У Барбикен ва Николнинг қиёфасини кўз олдига келтирар, уларни ер шарининг бир бурчагида, ишга ҳеч ким халақит бермай-диган номаълум бир жойида буюк бир тажрибага тай-ёрлаётган ҳолда тасаввур қиларди. Мастон уларни кат-

такои замбарак ясаб, мели-мелонит тузаётган ва тез орада Қуёшнинг кичик ҳамроҳи бўлиш насиб этган снарядни тайёрлаётган ҳолда фараз қиларди.

Бу бўлажак кичик планетани у Нью-паркдаги ҳовлида яшовчи сахий капиталист хотиннинг мулойимлиги ва ҳурматига ҳадья сифатида «Скорбита» деб атаяжак. Мастон ўқ отилишига қанча кун қолганини тоқатсизлик билан санарди.

Апрель ҳам кирди. Ҳа демай баҳор, ёз келади... Олти ойдан кейин кузги кун-тун бараварлиги бўлади, ана ўша эсдан чиқмайдиган кунларда неча асрлар бўйи шу қадар узлуксиз ва шу қадар аҳмоқона навбатлашиб турган йил фасллари тугайди. 189... йилда кун охириги марта тунга баробар бўлмайди, аммо шу пайтдан бошлаб ер шарининг ҳамма ерида кун чиқишдан, то кун ботишга қадар бўлган вақт доимо бир хилда бўлади. Бу ҳақиқатан ҳам буюк, ғайри табиий, эришиб бўлмайди-ган иш эди!

Энди Мастон Американинг арктикадаги ерлари ва эски қутбдаги кўмир конларидан фойдаланиш тўғрисида ўйламасди. У мазкур операциянинг дунё тузулишини қандай оқибатларга олиб келишинигина кўз олдига келтирарди, ҳолос. Бу операция дунё қиёфасини ўзгартириб, Мастонни компаниянинг амалий мақсадларини унитишга мажбур этарди.

Бир кишилик камерада ўтирган Мастон аввалгидай ҳеч қандай ўғит-насиҳатларга учмади. Текшириш комиссияси аъзолари турли саволлар билан унинг олдига ҳар кун келсалар ҳам ҳеч нарса билолмадилар. Ушанда уларнинг миясига миссис Скорбитнинг таъсиридан фойдаланиш фикри келди; унинг математикага нисбатан ниҳоятда майллиги ва содиқлиги ҳеч кимга сир эмас эди. Гап Мастоннинг манфаатлари хусусида борганида, бадавлат бева хотиннинг ҳеч нарсадан қайтмай, ҳатто

ўлимга ҳам рози бўлишни ҳамма жуда яхши билар эди.

Комиссия аъзолари ўзаро маслаҳатлашганларидан кейин, миссис Скорбитнинг махбус олдига истаганича тез-тез келиб туришига рухсат этадиган бўлдилар.

Бордию бу одамлар ўзларининг баҳайбат замбаракларидан ўқ узишга муваффақ бўлсалар, у вақтда ер шарри аҳолисининг бошига тушадиган кулфат миссис Скорбитнинг бошига ҳам тушмасмикин? Унинг Нью-паркдаги бадавлат уйи овчининг ночор кулбаси ёки прериядаги ҳиндининг чайласидан кўра фалокатдан яхшироқ сақланиб қолармикин? Ахир бу иш бечора ёқут ёки Тинч океандаги бирон оролда яшовчи аллақандай кишининг ҳаётига тааллуқли бўлгани каби, унинг ҳаётига ҳам тааллуқли эмасми?! Текшириш комиссиясининг раиси миссис Скорбитдан унинг Мастонга таъсир этишини илтимос қилганида худди ана шуларни гапирди.

Агар Мастон қайсарлигини ташлаб Барбикен билан Николь ва шунингдек улар ўзлари билан бирга олиб кетган кўп ишчилар яширинган сирли жойни айтиб берса, эҳтимол уларни ўз вақтида топиб, хавфли ишларига ҳалақит бериш мумкин бўлар; бу эса кўпчиликни ҳаяжон ва ваҳимадан қутқарган бўларди.

Шундай қилиб, миссис Скорбит тюрмага бемалол кириб туриш учун рухсат олди. Унинг ўзи ҳам Мастонни тезроқ полиция қўлидан қутқазиб олиб ўз уйида меҳмон қилишни истарди. Аммо шундай ғайратли миссис Скорбитни бегоналар қўлида қўғирчоқ бўлади, деб ҳисоблаш — бу хотинни яхши билмасликдан эди. 9 апрелда у ўз дўсти олдига биринчи марта борди; уларнинг суҳбатига қулоқ солиб турган ҳар бир кимса қуйидаги гапларни эшитиб ҳайратда қолган бўларди:

— Ниҳоят, азизим мистер Мастон, сизни яна кўришга муяссар бўлдим!

- Ҳа, сизмидингиз миссис Скорбит?
- Ҳа, азиз дўстим; сизни тўрт ҳафтадан буён кўролмай зориқиб...
- Йигирма саккиз кун беш соат-у қирқ беш минут,— деди Мастон ўз соатига қараб.
- Ниҳоят яна биргамиз-а!
- Сизни менинг олдимга қандай қилиб қўйишди, азизим миссис Скорбит?
- Шарт билан, дўстим, содиқлигим чексиз бўлган одамга таъсир қилмоқ шарт билан.
- Нималар деяпсиз, Еванжелина?..— деб қичқириб юборди Мастон.— Наҳотки сиз бу хилдаги шартларга кўниб, мени ўз ўртоқларига хиёнат қилади деб ўйлаган бўлсангиз?
- Мен-а? Бундай нарсага йўл қўяманми, азизим Мастон? Сиз мени яхши билмас экансиз... Наҳотки мен хавф-хатардан қўрққанлигим учун сизни ўз шарафингиздан маҳрум қилишга кўндирмоқчи бўлсам?.. Бутун ҳаёти олий мақсадларга бағишланган одамнинг номига иснод келтирсам-а?
- Ҳа, мана бу бошқа гап! Мен сизни аввалгидай жамиятимизнинг саҳий ва ғайратли акционери сифатида кўраётганим учун ниҳоятда хурсандман. Йўқ, йўқ, мен сизнинг олижаноблигингизга заррача ҳам шубҳа қилган эмасман.
- Ташаккур сизга, Мастон.
- Энди ўзим тўғримда шуни айтмоқчиманки,— деб давом этди математик,— улар мендан умид қилишиб мутлақо хато қиладилар. Бу ваҳшиларга сиримизни очиб бериш, дўстларимиз яширинган жойни кўрсатиб бериш, ўзимизга фойда ва шон-шараф келтирадиган буюк ишга тайёргарликни тўхтатиб қўйиш? О! Бир оғиз сўз айтгандан кўра, ўлганим яхши!..

— О, Мاستон, мен сизга қойилман!— деб хитоб қилди ўз дўстининг қатъийлигидан таъсирланган Скорбит.

Бир хил ғайрат билан бир-бирига чамбарчас боғланган ва ўй-хаёллари бир хил бўлган бу икки телба бирига жуда ҳам мос тушган эди.

— Йўқ, менинг ҳисоблашларим конкрет шаклга кириши лозим бўлган мамлакатни улар ҳеч қачон билиб ололмайдилар!— деб қўшиб қўйди Мастон.— Майли, хоҳласалар мени ўлдира қолсинлар, аммо сирни сира ҳам очиб бермайман.

— Агар сизни ўлдиришса, сиз билан бирга мени ҳам ўлдиришсин! Мен ҳам сир сақлашимни исбот этаман!— деб қичқирди Скорбит хоним.

— Яхшиямки, азизим Еванжелина, улар сиримиз сизга маълум эканини билмайдилар!

— Наҳотки сиз, қимматли Мастон, мени хотин киши бўлганим учунгина сирни очиб бериши мумкин, деб ўйласангиз? Дўстларга... сизга хиёнат қилиш-а?.. Йўқ-йўқ, дўстим, ҳеч қачон!.. Майли, сизга қарши дунёдаги бутун шаҳар ва қишлоқ аҳолисини оёққа турғизишсин; сиздан зўрлик билан сирни билиб олиш учун ҳаммалари бу ерга келишсин, қўрқманг, мен сизни ташлаб кетмайман, биз бирга ўламиз, деган фикр бизга тасалли беражак!..

Мастон агар вақти келиб ўзини чиндан ҳам миссис Скорбит кучоғида бўлишни хаёлига келтирганида эди, бунда унга ниҳоят даражада роҳатижон бўлиб кўринган бўларди.

Миссис Скорбит Мастонни кўргани келганида улар ўртасидаги суҳбат ҳар гал ана шундай тугарди.

Текшириш комиссияси аъзолари Скорбитдан маҳбус билан бўлган суҳбат натижаларини сўраганда, у пинагини ҳам бузмай доимо:

— Ҳозирча ҳеч нарса билиб ололганим йўқ. Бунга балким кейинроқ муваффақ бўларман!..— деб жавоб қиларди.

Кейинроқ! Бироқ вақт ҳаш-паш дегунча ўтиб кетмоқда! Ҳафталар кунлардай, кунлар соатлардай, соатлар минутлардай тез ўтиб кетяпти! Апрель ўтиб май ҳам келди. Еванжелина Скорбит Мастоңдан ҳали ҳеч нарса билиб ололмади. Шундай обрўли хотин ҳеч нарса чиқаролмагандан кейин бошқаларга йўл бўлсин!

Энди нима қилиш керак?

Наҳотки умидни узиб, даҳшатли фалокатни индамай кутиб ўтиравериш керак бўлса? Наҳотки, унинг олдини олиш мумкин бўлмаса?

Шунинг учун ҳам европалик вакиллар ҳар қачонгидан кўра қаттиқроқ туриб олдилар. Улар билан текшириш комиссияси аъзолари ўртасида минут сайин тўқнашув бўлиб турди, бу тўқнашув бора-бора чинакам урушга айланиб кетди. Ҳатто ҳеч нарсага пинагини бузмайдиган Янсен ҳам, ўзининг голландларга хос кўнгилчанлигига қарамай, ҳар куни ўз рақибларига таъналар ёғдириб турди. Борис Карков ундан ҳам ошиб тушиб, комиссия секретарини дуэлга чақирди; хайриятки бу дуэль рақибнинг енгил ярадор бўлиши билангина тугади. Майор Донеллан ҳам чидаб туролмади: тўғри у инглиз одатига кўра қурол кўтармаган бўлса ҳам, лекин ўзининг секретари Дэн Тудринк олдида треска сотувчи бепарво Вильям Форстер билан (У «Шимолий қутб компанияси» атайин қўйган одам бўлсада, бу ишлардан заррача хабари йўқ эди) Бокснинг барча қондаларига мувофиқ бир-бирларининг жағига бир нечадан мушт уриб олишди.

Бутун дунё аҳолиси Американинг энг машҳур гражданларидан бири бўлган Барбикеннинг ўз номини абадий қолдирмоқчи бўлган бу иш учун энди Америка жа-

вобгар деб ҳисобламоқда эди. Ҳатто яқин орада Америкадаги элчилар чақириб олиниб, уруш эълон қилинармиш, деган овоза ҳам тарқалди.

Вашингтон ҳукумати жон деб Барбикенни шериги билан ушлаган бўларди-ю, аммо нима ҳам қилсин, шунча уринишига қарамай ҳалигача ҳеч нарса чиққани йўқ, бунинг учун у айбли эмаску, ахир!

Американинг ёрдам сўраб Европа мамлакатларига мурожаат қилгани бефойда эди, улар бунга жавобан:

— Ишга қатнашганлардан бири бўлган Мастон сизнинг қўлингизда. У ҳамма нарсани билади. Албатта уни гапиришга мажбур этинг,— дейишарди.

Айтишга осон! Кар-соқовдан садо чиқса чиқарди-ю, аммо бу Мастондан гап чиқмасди.

Ҳамманинг ғазаб ва ҳаяжони шу даражага бориб етдики, бир неча ишбиларман одам топилиб қолди; улар энг индамас одамни ҳам гапиртирадиган ўрта аср қийноқларини ишга солишни таклиф этишди.

Аммо ўрта аср учун мумкин бўлган нарса, бизнинг замонимизга, одампарвар, маърифатли деб аталган асримизга, магазинли милтиқлар, портлайдиган ўқлар, мели-мелонит сингари турли портловчи моддалар ихтиро қилиш билан донг чиқарган асримизга тўғри келмайдик, ахир...

Мастон учун ўрта аср махбуслари каби қийноқларга дучор бўлиш хавфи бўлмагандан кейин, пировардида ўз жавобгарлигини ўзи тушуниб, ундан талаб қилишаётган нарсаларни ўзи айтиб берар, ёки бўлмаса, бирон тасодифий ҳодиса юз бериб, сир ўз-ўзидан очилиб қолар, деб умид қилишдан бошқа илож қолмаган эди.

ХIII БОБ

бу боб охирида Мاستон жуда мужмал жавоб қайтаради

Вақт ўтмоқда эди. Барбикен билан капитан Николнинг ишлари ҳам юришиб турган бўлса керак.

Бир нарса ажабланарли эди: кенг устахона, катта-катта печлар ва умуман баҳайбат замбарак ҳамда снряд ясаш учун зарур бўлган барча ускуналар талаб қилинган бу операциянинг қандай қилиб охирги минутгача номаълум бўлиб қолиши мумкин, ахир? Буларнинг ҳаммаси фақат икки кишининг қўлидан келмайди-ку: афтидан бу ишга юзлаб ишчи керак бўлгандир! Барбикен билан Николь Янги ва Эски дунёнинг қайси бурчагидан шундай холи жой тополдиларки, уларнинг ишларини те-варак-атрофда яшовчилардан бирор киши ҳам сезмаган бўлса? Улар Тинч океanning ҳеч ким яшамайдиган бирор оролига жойлашиб олишмадимикин? Йўғ-эй, бундай бўлиши ҳам мумкин эмас; замонимизда энди бунақа ороллар қолмаган: уларнинг ҳаммасини инглизлар эгаллаб олишган. Башарти янги пайдо бўлган акционерлик жамияти янгисини очган бўлса-я. Ахир Барбикен билан унинг дўсти ўз ишларини бажариш учун Шимолий қутбга жойлашиб олмагандир!

Ҳар ҳолда Замбарак клубининг раиси билан унинг шеригини излаш бутунлай беҳуда эди. Бунинг устига Мастоннинг ён дафтарида Замбаракнинг экватор яқинида отилиши лозимлиги аниқ кўрсатилган эди, у ерда эса маълумки, аҳоли яшамаса ҳам, ҳар ҳолда аҳоли яшаши мумкин бўлган мамлакатлар бор.

Афтидан, бу Америкада ҳам, яъни Перуда ҳам, Бразилияда ҳам, Зонд оролларида ҳам, Суматрада ҳам, Борнео, Целебесда ҳам, Янги Гвинеяда ҳам бўлмаса керак. Агар бу ерларда бирор нарса юз берганда эди, аҳоли ундан аллақачон хабардор бўлган бўларди. Бу

хилдаги ишлар экватор билан бўлинган буюк кўллар мамлакати — Африкада ўтказилганда ҳам маълум бўларди. Тўғри, Ҳинд океанида Маледив ороллари, Тинч океанда Адмиралтей, Жилберта, Рождество, Галапагос ороллари, Атлантик океанда Сан-Педро ороллари ҳам бор. Аммо у ерларнинг ҳаммасидан суриштирилганда ҳам ҳеч қандай натижа чиқмади.

Бироқ, шуниси қизиқ — Алкид Пьердэ булар ҳақида қандай фикрда экан? Унинг жўшқин мияси бу ишнинг оқибатлари тўғрисида ҳар хил уйдирмаларни ўйлаб чиқариш ва хаёл қилишдан тўхтамасди. Башарти капитан Николь ҳозиргача мавжуд бўлган барча портловчи моддалардан уч-тўрт минг марта, ота-боболаримиз қўлланиб келган эски порохдан беш ярим минг марта кучли бўлган портловчи модда ўйлаб чиқарган бўлса, бу бўлиши мумкин, ниҳоят даражада ҳайрон қоларли нарсадир. Ахир, ҳарбий саноат жадал суръатлар билан олға бормоқда, шундай экан, тез орада истаган масофадан туриб бутун бир армияни қириб ташлай оладиган воситаларни ўйлаб чиқаришлари ҳам ажаб эмас. Ҳар ҳолда ер ўқини отиш воситаси билан кўчириш француз инженерини ҳайрон қолдиролмади.

Алкид Пьердэ Замбарак клубининг раисига хаёлида мурожаат қилиб, бундай дерди:

«Ҳей, Барбикен, ер юзасида бўлиб турган барча турткиларнинг Ерга таъсир қилиши турган гап. Минглаб одамлар бир-бирларига қаратиб милтиқ ёки замбаракдан ўқ узиш билан завқ топганларида, ёки айтайлик, мен юрганимда, сакраганимда, ё бўлмаса ҳатто қўлимни чўзганимда ҳам буларнинг ҳаммаси Ерга таъсир этади, албатта. Сенинг катта замбарагинг эса керакли турткини ҳосил қила олади. Аммо интеграл¹

¹ Математикада — чексиз кичик сонлар йиғиндиси.

билан онт ичаман!— бу туртки Ерни силжитолармикин? Анави ҳайвон Мастоннинг ҳисоблашларига қараганда, силжитоладиганга ўхшайди!»

Лекин Алкид Мастонни қанчалик койимасин, инженер бўлганлиги туфайли кўнглида Мастоннинг гениал математик ҳисоблашларига қойил қолмай иложи йўқ эди. Тўғри, бу ҳисоблашлар фақат саноқли кишиларгагина тушунарли эди, албатта француз инженери ҳам ана шу озгина бахтиёр одамлар қаторига кирарди; у алгебрани худди журналдаги осон мақола-ни ўқиётгандай ўқир ва бу ўқишдан чинакам лаззат топарди.

Агар ўқ отиш муваффақиятли чиқса, бунинг натижасида не-не фалокат ва кулфатлар юз бермайди дейсиз! Шаҳарлар харобаларга айланади, тоғлар ағдарилади, миллионлаб одам ўлади, сувлар қирғоқлардан ошиб, даҳшатли вайроналиклар ҳосил қилади! Бу мисли кўрилмаган кучли зилзилага ўхшаган нарса бўлади.

«Кошки энди Николь ихтиро қилган аблаҳ порох кутилгандагидан камроқ кучга эга бўлса. Унда отилган снаряд Ерга қайтиб тушиб, тескари туртки ҳосил қилган бўларди; ўшанда барча нарса тез вақт ичида ўз жойига қайтарди. Аммо ўшанда ҳам озмунча фалокат бўлмайди, албатта, лекин улар ҳозиргидагидай катта бўлмай, ҳар ҳолда уларни тузатиш мумкин бўлади».

Пьердэ ана шундай фикр қиларди. Унинг бу фикрида анчагина аччиқ ҳақиқат бор эди, газеталар ҳам уни илиб олишди. Улар одатдагича ҳамма ёққа жар солиб, бусиз ҳам чўчиган одамларни бадтар ваҳимага солдилар.

Бу вазиятлар Мастоннинг аҳволини янада кўпроқ танг қилиб, миссис Скорбитнинг дўсти тақдири тўғри-

сидаги ташвишини янада ортдириб юборди. Ҳақиқатан ҳам Масто́ннинг жамоат қаҳри-ғазабидан қурбон бўлиши ҳеч гап эмас эди. Эҳтимол энди миссис Скорбитда ҳам, Масто́н ўжарлик билан айтишдан бош тортаётган сўзини айта қолса-чи, деган кучли истак пайдо бўлгандир; аммо у бу тўғрида Масто́нга оғиз очишга қўрқарди, шундай қилгани ҳам яхши эди. Агар бундай қилса, қатъий рад жавобини олиши ва дўстини қаттиқ хафа қилиб қўйиши турган гап эди. Вазият шу даражага бориб етдики, Балтиморада халқ ғазабини босиш мумкин бўлмай қолди.

Газета ва телеграммалар бўртдираётган ваҳима кундан-кунга кучайиб бормоқда эди. Бироқ қайсар Масто́н сирли пункт қаердалигини айтиб беришдан ҳамон бош тортарди: агар айтгудек бўлса, Барбикен билан капитан Николь ўз ишларини давом этдириш имкониятидан шу ондаёқ махрум бўлишини тушунарди.

Масто́ннинг миссис Скорбит кўзи олдида ҳамда Замбарак клубининг бошқа аъзолари олдида қанчалик эътибор қозонганини гапириб ўтирмаса ҳам бўлади.

Кекса жасур артиллериячилар Барбикен ва К° ишига тарафдор эдилар. Клуб секретари шу қадар ном чиқардики, кўпгина одамлар унга, худди машҳур жиноятчига ёзган каби хат ёздилар; улар жаҳонни ағдартўнтар қилмоқчи бўлган кишининг қўли билан ёзилган ақалли бир неча сатр бўлса ҳам жавоб олишни истардилар.

Вазиятнинг бундай тус олиши кундан-кунга хавфли бўлиб бормоқда эди. Балтимора тюрьмасининг дарвозаси олдида куни-туни одамлар оломони аримасди; улар бақаришар, лаънатлашар ва шу жойнинг ўзнда таъзирини бериш учун Масто́нни оломон қўлига топ-

ширишни талаб этишарди. Полиция ўзининг халқ га-
забини бостиришга ожизлик қилиб қоладиган вақти
яқинлашиб келаётганини сезмоқда эди.

Вашингтон ҳукумати, пировардида америка халқи-
ни, шунингдек европалик халқларни тинчлантириш
мақсадида Мастонни жиноят судига топширишга қарор
берди.

Ваҳима таъсирига берилиб кетган суд маслаҳатчи-
лари Алкид Пьердэ айтгандай, илтимос қилишни кут-
дириб ўтирмай, бу ишни дарров бартараф қилишга
киришдилар.

5 сентябрда Мастон ётган камерага текшириш ко-
миссияси раисининг шахсан ўзи келди.

Миссис Скорбит ўзининг қатъий талабига кўра,
сўроқ вақтида иштирок этишга рухсат олди. Афтидан,
беванинг таъсири устунлик қилиб, қайсар математик
кўп уринишларга қарамай, айтмаган сирни сўнги да-
қиқаларда айтиб берар, деб умид қилган бўлсалар
керак.

— Таслим бўлмаса, нима қилишимизни ўшанда
кўрамиз!— дейишарди комиссиянинг кўпни кўрган аъ-
золаридан баъзилари.— Аслини олиб қараганда, Мас-
тонни оскандан нима фойда: бу билан фалокатнинг
олдини олиб бўлмайди-ку, ахир!

Шундай қилиб, 5 сентябрь, эрталаб соат 11 да,
Мастон текшириш комиссиясининг раиси ва Еванже-
лина Скорбит олдида ўтирарди.

Гап мураккаб бўлмади: раис бир неча кескин савол
берди, Мастон ҳам буларга ўшанчалик вазмин жавоб-
лар қайтарди.

Бу ҳар иккала суҳбатдош орасида ўзини оғир-ваз-
мин тута оладигани жаҳли тез бўлган математик экани
кимнинг хаёлига келибди дейсиз?

— Мен сиздан охирги марта сўраяпман: жавоб беришни истайсизми, йўқми?— деб сўради раис.

— Нимага ва нима тўғрисида?..— деб ўз навбатида сўради Мастон истехзо билан.

— Уртоғингиз Барбикен яшириниб ётган жой тўғрисида.

— Мен бу саволингизга юз марта жавоб берганман.

— Бўлмаса жавобингизни юз биринчи марта так-порланг!

— У ҳозирги пайтда ўқ қаерда отилиши лозим бўлса, ўша ерда.

— Ўша ўқ қаерда отилиши керак?

— Уртоғим Барбикен турган жойда.

— Эҳтиёт бўлинг, Мастон!

— Нимадан?

— Тонишингиз оқибатларидан, бунинг натижасида...

— Сиз билишга ҳақингиз бўлмаган нарсани билол-майсиз.

— Биз-а? Биз билишга ҳақли эмас эканмизми? Бизнинг билишимиз керак!

— Фикрингизга қўшилмайман.

— Биз сизни жиноий жавобгарликка тортамыз!

— Марҳамат қилсинлар.

— Суд жазонгизни беради!

— Бу суд маслаҳатчиларининг иши.

— Ҳукм чиқарилиши биланоқ, дарҳол ижро этила-жак.

— Этилаверсин!

— О, азизим Мастон!..— деб юборди миссис Скорбит. Унинг қалби бу пўписалардан беихтиёр эзилиб кетган эди.

— О, миссис Скорбит!..— деди Мастон таъна билан. Еванжелина бошини қуйи эгиб жим қолди.

— Бу ҳукмнинг қандай бўлишини билишни истамай-сизми?— деб сўроқни давом этдирди текшириш комиссиясининг раиси.

— Ихтиёрингиз.

— Сиз ўлим жазосига ҳукм этиласиз... Осиласиз, сизга муносиб жазо шу!..

— Наҳотки?

Шундан сўнг текшириш комиссиясининг раиси чиқиб кетди, миссис Скорбит бўлса ўз дўстига шундай бир назар ташладики, бундан унинг ниҳоятда мамнун эканлиги сезилиб турарди.

XIV БОБ

бу боб жуда қисқа бўлиб, унда „Х“ пировардида географик аҳамиятга эга бўлади

Мастоннинг бахтига, ҳар қандай умидини узган Вашингтон ҳукумати кутилмаган бир вақтда Американинг Занзибардаги элчисидан қуйидаги телеграммани олди:

*«Давлат секретари Джон С. Райтга.
АҚШ, Вашингтон.
Занзибар, 13 сентябрь,
маҳаллий вақт билан соат 5.*

Вамасаида, Килиманджаро тоғ тизмаларидан жанубда кенг қўламда ишлар олиб борилмоқда. Барбикен ва капитан Николнинг кўп негр ишчилар билан султон Бали-Балининг ерларига жойлашиб олганларига саккиз ой бўлди; шуларни ҳукуматимизга маълум қилиш шарафига муяссарман.

Ричард Трест, элчи.

Ана шундай қилиб, Мастоннинг сири очилди. Замбарак клуби секретарининг қамоқда ётган бўлишига қарамай, осиб ўлдирилмаганига сабаб ҳам ана шу бўлди.

Кейинчалик эҳтимол ўзи ҳам ўша вақтда, шарафларга кўмилган чоғида ўлиб кетмаганига пушаймон бўлгандир!

XV БОБ

бу боб ер шари аҳолиси учун ниҳоят даражада муҳим бўлган баъзи нарсаларни ўз ичига олади

Шундай қилиб, Барбикен ва К° ўз ишларини қасрда олиб борганлиги Америка ҳукуматига маълум бўлди.

Занзибардаги америка элчиси ақлли, ишончли, обрўли одам эди, юборган маълумотига тўла ишонса бўларди. Бунинг устига биринчи телеграммани тасдиқловчи бошқа телеграммалар ҳам келди. Ҳақиқатан ҳам Африкада, Вамасаида. Килиманджаро тоғлари орасида, экватордан бир оз юқорида «Шимолий қутб компанияси» инженерлари ўз ишларини деярли тамом қилаётган эдилар.

Қизиқ, қандай қилиб улар ҳаммадан яширин равишда ҳаммага маълум бўлган тоғ этагига жойлашдилар экан? Қандай қилиб улар ҳеч кимга сездирмасдан шунчалик катта устахоналарни қуриб, етарли миқдорда ишчилар тўпладилар экан? Ниҳоят, улар қандай қилиб маҳаллий ёввойи қабилалар ҳамда уларнинг ваҳший бошлиқлари билан тинч муносабатлар ўрната олдилар экан? Буларнинг ҳаммаси ҳозирча номаълум эди, фалокат бўладиган кун, 22 сентябрь яқинлашиб келаётгани туфайли бу ҳеч кимга маълум бўлмай, сирлигича қолиб кетиши ҳам мумкин эди. Шунинг учун ҳам Мастон Килиманджародаги сир очилгани тўғрисида ҳукумат телеграмма олганини Еванжеллина Скорбитдан эшитгач, илгак қўлини ҳавода бир айлантириб, қичқириб юборганига ажабланмаса ҳам бўлади.

— Нима бўбди, жуда соз!.. Майли!.. Ҳали одамлар телеграф ва телефонга миниб юрадиган бўлганларича йўқ, сабр қилинг, яна олти кундан кейин гумбур-гум — ҳамма нарса жойида бўлади!

Замбарак клубининг секретари бу гапларни қандай оҳанг ва қандай ҳаракатлар билан айтганини бирорта одам кўрганида борми, кекса артиллериячининг ҳали-гача сақланиб келган шунча ғайратига таажжубланмай қолмасди, албатта.

Афтидан, Мастон бундай дейишида ҳақли эди. Бар-бикен ва Николни қамоққа олиш учун Африкага, Ватасайга агентлар юбориш керак, бунга вақт йўқ эди-да! Бординги, Африка қирғоқларига бир амаллаб қисқа вақт ичида бориш мумкин ҳам бўлсин дейлик, аммо бу билан иш битди деган сўз эмас-ку; аксинча, энг мушкул кийинчилик худди ўша ерда бўлиши мумкин эди, чунки у ерлар тоғлиқдан иборат, йўлни ҳеч ким билмайди, ишончли рақиб йўқ ва, ниҳоят, маҳаллий аҳоли таниш эмас, бунинг устига улар Барбикен ва К² муваффақиятларидан манфаатдор бўлишлари мумкин эди.

Хуллас операцияни тўхтатиб бўлмаслигига заррача шубҳа қолмади. Аммо энди ўқ отиладиган жой маълум бўлганидан унинг оқибатларини аниқ белгилаш мумкин эди. Бунинг учун баъзи ҳисоблашларни қилиш зарур эди, улар анчагина мураккаб бўлса-да, математиклар уддалай олмайдиган даражада қийин эмасди.

Занзибардаги элчи телеграммани Вашингтонга, тўғридан-тўғри министрининг номига юборган эди; ҳукумат бу ахборотни бир қанча вақт сир сақлаб турди. Ҳукумат ер ўқини кўчиришнинг қандай оқибатларга олиб бориши тўғрисида изоҳлар бермай туриб, бу телеграммани эълон қилишни истамади.

14 сентябрда элчининг телеграммаси Вашингтон обсерваторияси бюросига юборилди. Бу бюрога ўқ оти-

лиши натижасида содир бўлиши мумкин бўлган оқибатлар тўғрисида фикр бериш топширилди. Жавоб эртаси кун эрталабнинг ўзидаёқ тайёр бўлди. Сув остидаги кабель юз минг нусхалаб босилган ахборотни Эски ва Янги дунёга маълум қилди. Энг кўп тарқалдиган газеталар эса уни қайта босиб чиқарди. Бу ахборот қисқа вақт ичида бутун жаҳонга маълум бўлди.

Энди нимани кутиш керак?

Ер шарининг барча халқларини қизиқтираётган масала ана шу эди.

Унга жавоб қуйидагича бўлди:

ШОШИЛИНЧ АХБОРОТ

«Замбарак клубининг раиси Барбикен ва капитан Николь ўйлаган иш шундан иборатки, 22 сентябрда маҳаллий вақт билан ярим тунда, ҳажми 27 сантиметрли француз тўпидан миллион марта катта замбаракдан, снаряд оғирлиги бир юз саксон тонна, портловчи модданинг ҳаракати натижасида снаряднинг дастлабки тезлиги икки минг саккиз юз километр келади; снаряд отилгач ер ларзага келиб, ер ўқи ўз ўрнидан кўчади.

«Агар снаряд экватор ёнида, тахминан 34° шарқий узоқликдаги Килиманджаро тоғ тизмалари этагида жанубга қаратиб отилса, у ҳолда унинг оқибатлари ер шарини учун қуйидагича бўлади:

«Туртки берилиши биланоқ янги ўқ пайдо бўлиб, бу ўқ эклиптика яссилигига нисбатан перпендикуляр ҳолатни эгаллайди.

Янги ўқнинг охириги нуқталари қаерда бўлади? Отиш жойи маълум бўлгандан кейин, бу масалани ҳал қилиш қийин эмас.

Шимолда янги ўқнинг охириги нуқтаси Гренландия билан Гриннелъ Ери ўртасига тўғри келади, яъни Баффинов бўғозининг (ер ўқининг ҳозирги ҳолатида) шимолний қутб доирасини кесиб ўтадиган жойининг ўзгичасидадир. Жанубда бу нуқта жанубий қутб доираси чегарасига, Адель Еридан бир неча даража шарқроққа тўғри келади.

«Шимолда Баффинов бўғозидан, жанубда Адель Еридан чиқадиган янги ўқ ҳосил бўлиши туфайли янги экватор пайдо бўлади, бу экватор устида Қуёш сира оғишмай-петмай ўз суткалик ҳаракатини қилаверади.

«Экваторнинг янги ҳолатини билгандан кейин, ер шарни аҳолиси тинчлигига хавф солаётган океанларнинг янги паст-баландлиги тўғрисидаги масалани ҳал қилиш ҳам қийин эмас.

«Даставвал шуни кўрсатиб ўтмоқ керакки, «Шимолний қутб компанияси»нинг директорлари туртки таъсирини ҳамда бу туфайли юз берадиган ўзгаришларни иложи борича камайтиришга уринмоқдалар. Агар снаряд шимолга қаратиб отилса эди, ер шарининг маданий мамлакатлари учун қандай фалокатлар юз беришини тасаввур этиш қийин бўларди. Снаряд жануб томонга қаратиб отилганда эса, аксинча у асосан аҳолиси кам мамлакатларгагина таъсир этади, бунинг устига бу ерларда яшовчилар фақат вахшийлардир.

«Отишдан кейин ер бетига сувларнинг янгича қандай ҳолатини эгаллашини кўрсатиб бермоқ учун ер шарини икки катта доирага бўлинган деб тасаввур қилайлик; улардан бири тўғри бурчак бўлиб, Килиманджарони, иккинчиси ер шарининг қарама-қарши нуқтаси бўлган Жанубий денгизларни кесиб ўтади. Бунинг натижасида чизиқлар билан бўлинган тўрт сегмент: иккитаси шимолний ярим шарда, иккитаси жанубий ярим шарда пайдо бўлади; улардаги сувнинг паст-баландлиги бурунги, Ер-

нинг янги ўққа ўтмасдан олдинги ҳолатида қолаверади. (Шундан сўнг тўрт сегментдан ҳар бирининг географик ҳолати муфассал баён этилади.)

«Бу сегментларнинг шимол ва жанубдаги бир-бирига қарама-қарши бўлган иккитасидаги океанлар шу қадар силжийдики, дастлабки икки сегмент каби бир-бирига қарама-қарши жойлашган бошқа икки сегментни сув босиб кетади.

«Биринчи сегментда: Атланitik океан деярли бутунлай тошиб кетади, шуни ҳам назарда тутиш керакки, сувнинг энг кўп пасаядиган жойи тахминан Бермуд ороллари кенглигига тўғри келади, агар бу ерда чуқурлик 8 415 метрга бориб етмаса, у ҳолда



океан таги кўриниб қолади. Худди шу йўл билан Америка ва Европа ўртасида ҳам каттагина янги қуруқлик пайдо бўлади, бу ерлар давлатларнинг хоҳишига қараб, Шимолий Америка Штатлари, Англия, Франция, Испания ва Португалия ерларига қўшилиши мумкин. Аммо сув пасайиши билан ҳаво қатлами ҳам пасаяди, шу тўғрисида Европа ва Американинг қирғоқ бўйи мамлакатлари шундай баландликка чиқиб қоладиларки, кўпгина шаҳарларнинг ҳавоси ҳозирги пайтда бир миллия баландликда бўлган жойларнинг ҳавоси каби кам бўлади. Бу қисматга дучор бўладиган йирик шаҳарлар қаторига Нью-Йорк, Филадельфия, Чарльстоун, Панама, Лиссабон, Мадрид, Париж, Лондон, Эдинбург, Дублин ва бошқалар кирази. Фақат Қоҳира, Константинополь, Данциг, Стокгольм шаҳарларигина ўзларининг денгиз сатҳига нисбатан бўлган илгариги ҳолатларини сақлаб қоладилар. Бермуд оролларида 8 000 метр баландликда учувчи кишиларга ҳам ҳаво етишмайди.

«Ҳиндистон, Австралия ҳамда Тинч океаннинг бир қисмини ўз ичига олган қарама-қарши сегментда ҳам худди шу ҳол содир бўлади, бу ерлардаги энг кўп пасаядиган жойлар Аделаида ва Мельбурн шаҳарлари бўлиб, бунда океан суви тахминан саккиз километр пастга тушади.

«Ҳар иккала сегментда бўладиган ўзгаришлар умуман ана шундай, бу ерларда Ер юзаси океан сувининг пасайиши ҳисобига кўтарилади. Унда шубҳасиз янги ороллар ҳам пайдо бўлади, улар океан тубида сув қолган жойлардаги ерости тоғларининг чўққиларидан ҳосил бўлади.

«Агар атмосферанинг юқори қатламларига кўтарилган ерларда ҳаво сийраклашиши билан ноқулай шароит юз берадиган бўлса, у ҳолда, денгизларнинг тошиши натижасида сув остида қоладиган ерларда қандай ҳол юз

беради? Атмосфера босими кам бўлган ерларда-ку бир амаллаб нафас олса бўлади-я. Аммо бир неча метр сувнинг тагида қолиб кетгандан нафас олиш мутлақо мумкин бўлмайди, ваҳоланки кейинги икки сегментда худди ана шундай ҳодиса юз беради.

«Шимоли-шарқий сегментда сув энг кўп пасаядиган жой Якутск билан Сибирнинг қуйи томонидир. Сув тагига 8415 метр чўккан бу шаҳардан бошлаб, сув қатлами ҳадеб пасая бориб, Россиянинг Осиё қисмини, Ҳиндистонни, Хитойни, Японияни, Америка Аляскасининг Берингов бўғози томонидаги қисмини босиб, бетараф зонагача ёйилиб боради. Эҳтимол Урол тоғлари Европанинг шарқий қисмида ороллардай бўлиб қолар. Энди бир томондан Петербург билан Москвани, иккинчи томондан, Калькутта, Бангкок, Сайгон, Пекин, Гонг-Конг, Иеддони олганда эса, бу шаҳарлар йўқолиб кетади, руслар, ҳиндулар, сиамлилар, кохинхинлар, хитойлар ва японлар (агар улар ўз вақтида бошқа жойга кўчиб кетишга улгурмасалар) сув қатлами остида қолиб кетадилар.

«Жануби-ғарбий сегментда фалокат бирмунча хавфсиз бўлади, чунки унинг кўп қисми Атлантик ва тинч океанлари билан қопланган. Шундай бўлишига қарамай, бу сунъий сув тошуви туфайли каттагина ерлар, шу жумладан Жанубий Африканинг қуйи Гвинея ва Қилимондजारодан бошлаб, то Добрая Надежда бурунигача бўлган бурчаги, Жанубий Американинг Перу, Марказий Бразилия, Чили, Аргентина республикасидан Оловли Ер билан Горн бурунигача бўлган ерларни ўз ичига олган учбурчаги йўқ бўлиб кетади. Ҳатто жуда баланд бўйли патагонликларни ҳам сув кўмиб кетади; улар ўзларига яқин бўлган Кордильерлардан ҳам бошпана топпмай қоладилар, чунки тоғ тизмаларининг бу қисми ҳам сув билан қопланади.

«Агар Барбикеннинг жиноий ниятига ўз вақтида ҳалақит берилмаса, ер шарни аҳолиси бошига ана шундай мулфатлар тушади».

ХVI Б О Б

бу бобда норозилик авжига чиқади

Мазкур эҳтиёткорликнинг шубҳасиз яхши томони ҳам бор эди, чунки у бўлажак фалокатнинг олдини олишга ёки ҳеч бўлмаганда, хавфсизроқ территорияга қочиш қутулишга имкон берарди.

Ер шарни аҳолисига хавф солиб турган фалокат икки хил эди: бировларнинг ҳаво етишмаслиги туфайли бўғилиб ўлиши, иккинчи бировларнинг чўкиб ўлиши мумкин эди.

Юқорида кўрсатиб ўтилган ахборот турли-туман гапларга сабаб бўлган бўлса-да, аммо буларнинг ҳаммаси бир нарса билан: ҳамманинг қаттиқ норозилик билдириши билан тугади.

Нафаси бўғилиб ўлиш хавфи остида қолганлардан америкаликлар, французлар, инглизлар, испанлар ва ҳоказолар исён кўтардилар. Океан тагидан кўтариладиган янги ерлар ҳисобига территорияларни кенгайтириб олиш, бўлажак ўзгаришлар олдида унчалик қизиқ иш бўлмай қолди. Масалан Парижни олганда, у ҳозирги пайтда қутбдан қандай масофада турган бўлса, янги қутбдан ҳам худди ўшандай масофада бўлади. Шундай экан, бу янги ўзгаришдан у ҳеч нарса ютиб чиқмайди, албатта. Тўғри, унинг аҳолиси доимий баҳорда яшарди, лекин шуниси борки, ҳаво қатлами анча камаяди, бу эса тўғриб ҳаво олишга ўрганиб қолган парижликларнинг дидига тўғри келмасли.

Жанубий Америка, Австралия, Канада, Ҳиндистон, Зеландия аҳолиси сув босиш хавфи остида эди. Бўлмаган гап! Барбикен ва К° Англияни энг бой колониялардан маҳрум этмоқчи бўлса, у индамай турармиди: ахир инглизлар у ерлардаги аҳолини муваффақият билан сиқиб чиқармоқдалар-ку. Мексика бўғози ўрнида катта Антиль давлати барпо бўлиб, уни «Америка — америкаликлар учун!» деган Монро доктринаси¹ га асосан мексикаликлар ҳам, янкилар ҳам эгаллаб олишни истасалар керак, албатта. Шу билан бир қаторда Зонд, Филиппин ороллари ҳамда Целебес атрофида ҳам денгиз тўби очилиши натижасида каттагина территория ҳосил бўлиб, бунга инглизлар билан испанлар даъво қилиб чиқишлари мумкин. Аммо бундай ҳадялар билан даҳшатли сув тошқинидан келадиган зиённи қоплаш мумкин, деб умид қилиш беҳуда бўлар эди.

Агар янги пайдо бўладиган денгизлар остида фақат ёқутлар, лапландлар, патагонлар, ҳатто хитойлар билан японларгина фарқ бўлиб кетганларида эди, у вақтда балки Европа давлатлари бундай фалокатга рози бўлишлари мумкин эди. Лекин у жуда кўп давлатларнинг манфаатига путур етказажаги туфайли умум норозилик кучайиб кетарди. Европанинг ўзига келганда, унинг марказий қисми қандай бўлса, шундайлигича қолса-да, аммо ғарбий қисми баландга кўтарилиб, шарқий қисми эса пастга тушади; шундай қилиб, европаликларнинг ярми бўғилиб, ярми чўкиб ўлади. Бунинг устига Ўртаер денгизи деярли бутунлай қурийдн, бунга эса француз-

¹ Монро доктринаси — Америка Қўшма Штатларининг империалистлари ўзларининг XIX ва XX асрларда Марказий ҳамда Жанубий Америкада олиб борган агрессив сиёсатларини президент Монронинг XIX аср бошларидаги «Америка — америкаликлар учун!» деган шiori билан инқоблаб келдилар.

лар ҳам, итальянлар ҳам, испанлар ҳам, греклар ҳам, турклар ҳам тоқат қилолмайдилар; чунки улар денгиз бўйидаги халқлар бўлганликларидан бу денгизга сўзсиз ҳақлидирлар. У ҳолда бетараф чизиқда турганидан омон қоладиган Сувайш каналидан нима фойда? Агар бўйининг бир томонида Уртаер денгизи батамом йўқ бўлиб кетса, иккинчи томонида эса, бир оз суви билан Қизил денгизгина қоладиган бўлса, Лессепснинг барча хизматлари нима бўлиб кетади? Ниҳоят, Англия Гибралтар, Мальта ва Кипрнинг булутлар орасига бекинган тоғ чўққиларига, унинг ҳарбий кемалари боролмайдиган жойга айланишига сира-сира рози бўлмайди. Йўқ, асло йўқ! Қуруқликка айланган бутун бир Атлантик океани унинг ерларига қўшилган тақдирда ҳам у ҳеч қачон ўзини қаноатланган деб ҳисобламайди. Бироқ майор Донеллан, башарти Барбикен ва К° нинг дадил иши муваффақиятли тугаса, Англиянинг янги материкка бўлган ҳуқуқларини даъво қилиш учун Европага жўнаб кетишга тайёрланиб ҳам қўйган эди.

Норозиликлар дунёнинг ҳамма томонидан, ҳатто бўладиган фалокат уларга бевосита хавф туғдирмаса ҳам, уларнинг мулкларини хавф остида қолдирмоқда эди. Қисқаси, Барбикен, капитан Николь ва Мастонга қарши бутун инсоният бош кўтарди.

Лекин ҳар хил йўналишдаги газеталар учун зап вақт келди-да! Уларга бўлган талабнинг, тиражларнинг кўплигини айтмайсизми! Бутун дунё газеталари биринчи марта бирлашиб, бошқа масалаларда мутлақо ўзга фикрда бўлсалар ҳам, бу масалада яқдиллик билан норозилик билдирдилар. Ҳазил гап эмас, ахир! Гап Европа осойишталиги шунчаки бузилиши тўғрисида эмас (бунга-ку кўниш мумкин бўларди), балки бутун дунё хавф остида қолиши тўғрисида борарди! Шунинг учун бу ахборотнинг ер шаридаги миясини йўқотган

одамларга нақадар таъсир этганини тасаввур қилиш қийин эмас; улар XIX аср охирлари учун хос бўлган асабийлик туфайли бусиз ҳам турли телбалик ва аҳмоқликларга мойил эдилар.

Мастоннинг ажали яқинлашаётгандек эди. Ғазаби тошган оломон Мастонни жазолаш учун 17 сентябрда унинг камерасига бостириб кирди, лекин шунга иқрор бўлиш керакки, полиция агентлари бунга тўсқинлик қилишни ҳаёлларига ҳам келтирмадилар.

Не ажабки, Мастон ётган камера бўш эди! Миссис Скорбит ҳурматли артиллериячини озод қилиш учун унинг оғирлиги барабар олтин тўлаб, қочириб юборганди. Тюръма қоровули бунга жон-жон деб кўнган эди, чунки қўлга киритган бойлиги билан ҳеч нарсага муҳтож бўлмай, умрининг охиригача осойишта яшаши мумкин, чунки Балтимора ҳам Вашингтон, Нью-Йорк ҳамда Американинг бошқа денгиз бўйи шаҳарлари сингари ери баландга кўтариладиган ва бунинг устига ҳавоси етарли бўладиган бахтли доирага тўғри келар эди.

Шундай қилиб, Мастон аянчли қисматдан ва ниҳоятда ғазабланган оломоннинг ўч олишидан эсон-омон қутулиб қолди. Миссис Скорбитнинг содиқлиги ва сахийлиги туфайли жаҳонни ларзага келтирувчи буюк одамларнинг ҳаёти жамоат қаҳр-ғазаби ўтидан сақланиб қолди. Бунинг устига Барбикен ва К^о лойиҳаси амалга ошишига тўрт кун, атиги тўрт кун қолган эди.

Агар илгари бўлажак фалокатнинг даҳшатларига ишонмовчи скептиклар топилса, эндиликда улар қолмаган эди. Ҳукуматлар ўз фуқароларини, даставвал ҳавонинг юқори қатламларига кўтариладиганларини (улар унча кўп эмас эди), сўнгра эса турган жойлари

сув остида қолиб йўқ бўлиб кетадиганларини (булар кўпроқ эди) огоҳлантиришга шошилдилар.

Дунёнинг беш қитъасидаги барча бурчакларга телеграф орқали берилган бу огоҳлантириш натижасида шундай кўчиш бошландики, халқларнинг шарқдан ғарбга бўлган буюк кўчуви даврида ҳам бундай кўчиш бўлмаган бўлса керак. Ер шаридаги барча ирқлар: готтентотлар, малайяликлар, негрлар, қизил, сариқ, оқ танлилар ва ҳоказолар кўча бошлади.

Бахтга қарши вақт жуда оз бўлиб, саноқли соаглар яқинлашмоқда эди! Агар яна бир неча ой вақт бўлганда эди, хитойлар Хитойни, австралияликлар Австралиyani, патагонлар Патагонияни, Сибирь халқлари — Сибирини ташлаб чиқиб кетган бўлардилар.

Ер шарининг қайси жойларида ҳавф кўпроқ бўлиб, қайси жойларида фалокат бўлмаслиги аниқлангач, ваҳимадан қўрқиш бир оз камая бошлади. Баъзи областлар, ҳатто бутун бир давлатлар ҳам секин-аста тинчлана бошладилар. Қисқаси, бевосита ҳавф остида бўлганлардан ташқари ҳаммада қўрқув ҳислари аста-йўқола бордики, бундай ҳислар даҳшатли ўзгаришни кутаётган ҳар бир одамда бўлиши табиий эди.

Бу вақт ичида Алкид Пьердё хуноби ошиб, ҳадеб ўзича гапирарди:

— Мен бир нарсани билсам эди: бу тентак Барбикен ҳозирги йигирма етти сантиметрли замбаракдан миллион марта катта бўлган тўпни қандай қилиб ясар экан? Лаънати Мاستон! Уни бир кўрсам эди, додини бериб, рост гапни билиб олардим!

Хуллас, ер шаридаги одамларнинг бирдан-бир умиди — бу ишнинг муваффақиятсизликка учраши эди.

*Бу унутилмас йилнинг саккиз ойи мобайнида
Килиманджаро этакларида нималар юз бергани*

Вамасаи мамлакати Марказий Африканинг шарқий қисмида, Зангевар қирғоғи билан Буюк кўллар области орасида, Виктория-Нианца ва Танганайка кўллари чинакам ички денгизлар ҳисобланган жойларда ўрнашган. Бу мамлакат тўғрисидаги баъзи маълумотларни бизга етказганликлари учун инглиз Джонстон, граф Текели ва немис доктори Майердан миннатдормиз. Бу тоғли жойлар ўттиз-қирқ минг негрга ҳокимлик қилувчи султон Бали-Балининг ерларидир. Экватордан уч даража жанубда Килиманджаро тоғ тизмалари чўзилган бўлиб, унинг баъзи чўққилари (булар орасида Кибобо) денгиз сатҳидан 5700 метр баланддадир. Бу массивдан жанубга, шимолга ва шарққа чўзилиб кетган Вамасаи текисликлари Виктория-Нианца кўли билан чегараланган.

Килиманджаронинг дастлабки тизмаларидан бир неча километр жануброқдаги Кизонго деган жой султоннинг резиденцияси эди. Бу пойтахт аслида катта бир қишлоқдан иборат бўлиб, унинг аҳолиси жуда қобилиятли, ақлли, иш билармон эди. Бали-Балининг қаттиқ зулми остида улар айниқса зўр бериб ишлашарди.

Бу султон ҳақиқатан ҳам инглиз таъсиридан, ёки тўғрироғи, ҳукмронлигидан қутулиш учун зўр бераётган Марказий Африка қабилаларининг энг ажойиб ҳокимларидан бири ҳисобланарди.

Бу ерга шу йил январнинг бошларида раис Барбикен билан капитан Николь келдилар; улар билан бирга ўз ишини яхши биладиган атиги ўн ишчи ҳам бор эди.

Уларнинг жўнаб кетганини фақат Масто́н билан Еван-
желина Скорбит билишарди, холос. Улар Нью-Йоркда
кемага тушиб Добра́я Надежда бурунига жўнадилар, у
ерга келгач эса бошқа кемага чиқиб олиб, Занзибар
ороли томон йўл олдилар. Бу оролдан яширинча кира
қилинган кема уларни Монбаз шаҳрига келтирди; бу
шаҳар Африка қирғоғида бўлиб, бўғознинг нариги то-
монида эди. Бу ерда уларни султон томонидан юборил-
ган маҳаллий ҳарбийлардан иборат соқчилар кутаб
турарди; Барбикен ўз ўртоқлари ва ишчилар билан
бирга соқчилар ҳамроҳлигида йўлга чиқди. Саёҳатчи-
лар ўрмон ва ботқоқлар билан қопланган, суви қури-
ган дарё ва кичик дарёлар ўзани билан кесилган тоғли
жойлардан бир неча юз километр ўтгач, пировардида
султон Бали-Бали қароргоҳига келиб етдилар.

Барбикен бу саёҳатдан анчагина илгари, Масто́н-
нинг ҳисоблашлари билан эндигина танишиб чиққач,
бир неча йил Марказий Африкада яшаган бир швед
тадқиқотчиси туфайли султон билан алоқа боғлаб ол-
ган эди.

Барбикеннинг Ой томон дадил учишидан кейин
(бу саёҳат тўғрисидаги хабар энг узоқ мамлакатларга
ҳам бориб етган эди), унинг энг қизғин муҳибларидан
бири бўлиб қолган Бали-Бали бу жасур янки билан
жуда аҳил бўлиб олди. Барбикен, ўз мақсадларини
очиқ айтмаса ҳам, Килиманджаронинг жанубий этак-
ларида муҳим ишларини уюштириш учун Вамасаи сул-
тонидан осонликча рухсат олди. Бали-Бали шартла-
шилган уч юз минг долларга яқин пул эвазига уларнинг
ихтиёрига зарур миқдорда ишчилар беришга ваъда
қилди ва Килиманджарода истаган нарсаларини қи-
лишга рухсат этди. Барбикен катта тоғ тизмаларида
хоҳлаган ишини қилиши мумкин эди: унда тоннель
очадими, портлатадими, агар улдасидан чиқса, ҳатто

уни олиб кетадими — унинг иши эди. Жиддий шартномани ўз зиммасига олган компания Шимолий қутб доирасининг тўла хўжайини бўлгани каби, Африка тоғ тизмаларига ҳам хўжайин бўлиб олди. Бу шартнома афтидан султонга ҳам анча-мунча фойда келтирар эди.

Барбикен ва капитан Николни Кизонгода самимият билан кутиб олдилар. Юлдузлар оламига саёҳат қилишга журъат этган бу иккала машҳур сайёҳ султонни қойил қолдирган эди. Бунинг устига унинг ерларида олиб боришга мўлжалланган сирли ишлар унга жуда ёқиб тушди. У бу сирни ўз сиридек сақлаш тўғрисида ўзи ҳамда ўз фуқаролари номидан америкаликларга сўз берди. Барбикен устахоналарида ишловчи негрлардан биронтаси ҳам, жазоланишдан қўрққанидан иш жойидан ақалли бир кунга бўлсада жилишга ҳақи йўқ эди.

Ана шунинг учун ҳам бу иш шу қадар сирли бўлиб келдики, Америка ва Европанинг энг эпчил агентлари ҳам уни билиб ололмадилар. Гарчи пировардида сир очилиб қолган экан, бунга сабаб султоннинг иш тамом бўлиши билан қаттиқ чораларни бир оз бўшаштирганидир, холос; эҳтимол бу оғзида гап турмайдиганларнинг ишидир — бундақалар кам дейсизми, ҳатто негрлар орасида ҳам топилади. Қандай бўлмасин, ҳар ҳолда Американинг Занзибардаги элчиси Килиманджарода нималар юз бераётганини билиб олган. Бироқ ўшанда, яъни 13 сентябрда Барбикеннинг ўз планини амалга оширишига халақит бериш учун кеч қолишган эди.

Нима учун Барбикен ва К° ўз ишларини амалга ошириш жойи қилиб айти Вамаасини танлаган экан; деган бир савол туғилади. Биринчидан, шунинг учунки, бу мамлакат ўзининг ҳолати жиҳатидан Африканинг унча маълум бўлмаган қисмига жойлашгани ҳамда

саёҳатчилар кам борадиган узок ер бўлганлиги туфайли қулай кўринганди. Сўнгра, Килиманджаро тоғлари ўзининг ҳолати ва тоғ жинсларининг қаттиқлиги жиҳатидан компания бошлаган ишнинг барча талабларига тўла жавоб берадиган даражада эди. Бундан ташқари, мамлакат учун энг зарур бўлган қазилмаларга жуда бой бўлиб, уларни қазиб олиш ҳам ҳеч қандай қийинчилик туғдирмасди. Барбикен Қўшма Штатлардан жўнаб кетишидан бир неча ой илгари швед тадқиқотчисида ҳеч кимга маълум бўлмаган Вамасаи деган мамлакат борлигини, Килиманджаро тоғ тизмалари этагидида темир ва тошкўмирнинг ҳатто ер юзасида ҳам жуда кўп миқдорда топилишини билиб олди; демак шахталар қазиб, бу бой қазилмаларни чуқурликдан қидириб ўтиришга ҳам эҳтиёж қолмас экан; энгашасану, тайёргарлик ишлари учун зарур бўлган темир ва кўмирни истаганингча ортиғи билан олаверасан. Бунинг устига, бу тоғ тизмаларининг атрофида мели-мелонит тайёрлаш учун зарур бўлган селитра ҳамда темир қолчедани конлари кўп экан.

Шундай қилиб, Барбикен ва капитан Николь фақат ўзлари тўла ишонган ўн кишинигина олиб келишди. Бу ўн киши Бали-Бали томонидан Барбикен ихтиёрига берилган ўн минглаб негрга бошчилик қиларди. Бу негрлар каттакон замбарак ҳамда ундан қолишмайдиган катталикда снаряд тайёрлаши лозим эди.

Барбикен билан унинг ўртоғи Вамасаига келганига икки ҳафта деганда, Килиманджаро этагига уч катта бино, ёки тўғрироғи, устахона қурилди: булардан бири тўп қўйиш, иккинчиси снаряд қўйиш ва учинчиси, мели-мелонит ишлаб чиқариш учун мўлжалланган эди. Барбикен бундай катталикдаги замбаракни қўйиш масаласини қандай ҳал қилолди? Бунинг ҳозир тушунириб берамиз,

Йигирма етти сантиметрли тўпдан миллион марта катта бўлган замбаракни қуйишга одам қурбн етмайди, албатта. Оғирлиги 780 килограмм бўлган снарядни отадиган қирқ икки сантиметрли замбаракни қуйишнинг ўзи ҳам қанчадан-қанча қийинчиликлар туғдиради. Аммо Барбикен билан Николь замбарак ҳам, мортира¹ ҳам қуймоқчи эмасдилар: улар Климанджаро қатламида галерея қазиб, унга минага ўхшаб бир нарса ўрнатиб қўя қолмоқчи эдилар, холос.

Ўз-ўзидан равшанки, бундай тоннель бемалол каттакон металл замбаракнинг ўрнини босаолар эди; бундан ташқари, замбарак яшаш ҳам қимматга тушар, ҳам қийин бўларди, бунинг устига ёрилиб кетмасин учун уни жуда ҳам қалин қилиш лозим бўларди. Барбикен ва К^о ўзлари мўлжаллаган ишни худди ана ўша тарзда амалга оширмоқчи бўлдилар, гарчи Мастоннинг ён дафтарида замбарак тилга олинган экан, бунга сабаб шуки, унинг ҳисоблашларига асос қилиб йигирма етти сантиметрли замбарак олинган эди.

Ана шу нарсалар назарда тутилиб, даставвал тоғ тизмаларининг жанубий ёнбағирларидаги ўттиз метр баландликда бўлган бир жой танлаб олинди. Бу тоғ этагида бепоён текислик чўзилиб кетган эди. Климанджаро қатламида пармалаб тешилган дара оғзидан чиқадиган снарядга ҳеч нарса халақит беролмасди.

Бу галереяни қазиш ниҳоятда аниқлик ҳамда қунт билан меҳнат қилишни талаб этарди. Бироқ Барбикен шундай пармалар қуришга музаффақ бўлдики, улар у қадар мураккаб бўлмай, тоғ шалоласининг кучли қуввати билан қисилган ҳаво ёрдамида ҳаракатга келарди. Шундан кейин пармалаб тешилган даралар мели-мелонит билан тўлғазилди. Ана шу портловчи

¹ Мортира — қисқа стволли тўп.

модданинг ўзигина сиенитнинг ҳаддан ташқари қаттиқ жинсидан иборат бўлган қояни портлатиб юбора-олар эди. Қоянинг бундай қаттиқ бўлиши ҳам яхши эди, чунки у газларнинг портлаши натижасида юз берадиган жуда кучли тазйиққа бардош бериши лозим эди. Ҳар ҳолда Килиманджаро ёрилиб ёки парчаланиб кетмайдиган даражада баланд ва қалин эди.

Ун устанинг раҳбарлигидаги минг-минг ишчи Бар-бикеннинг шахсан назорати остидаги ишга зўр ғайрат билан киришдилар; улар шу қадар моҳир бўлиб чиқдиларки, иш олти ойга ҳам бормасдан муваффақиятли тамом бўлди. Галереянинг диаметри йигирма етти метр, узунлиги эса олти юз метр эди. Галереянинг снаряд чиқадиган оғзи жуда силлиқ бўлсин учун унинг ичкари томони қуйма металл билан қопланиб, пардозланди.

Бу иш Ойга алюмин снаряд чиқазган, бутун жаҳонга донғи кетган замбаракни қуришдан бутунлай бошқача бўлди. Ҳозирги инженерлар уддалай олмайдиган бирор нарса борми ўзи?

Килиманджаро этакларида пармалаш ишлари олиб борилаётган бир пайтда, иккинчи устахона ишчилари ҳам қўл қовуштириб ўтиришмади: айти бир пайтда каттакон снаряд ҳам тайёрланди. Бу снарядни тайёрлаш учун оғирлиги бир юз саксон минг тонна келадиган унинг цилиндр-конусга ўхшаш танасини қўйиш зарур эди. Бундай катталикдаги снарядни бир бўлак қилиб қўйиш тўғрисида гап ҳам бўлиши мумкин эмас, бу ҳаммага аёндыр. Уни ҳар бири минг тоннадан иборат бўлакларга бўлиб тайёрлаш мўлжалланди; улар бирин-кетин галереянинг ичига олиб кирилиб, олдиндан мели-мелонит тўлғазиб қўйилган камера олдига тахлаб қўйилди. Болтлар билан бир-бирига бириктирилган бу бўлаклар галереянинг ички деворларидан отилиб чиқадиган бир бутун снарядни ташкил этди.

Шуниингдек иккинчи устахонага ҳам тўрт юз минг тоннага яқин руда, етмиш минг тонна эрувчан шпат ва тўрт юз минг тонна ёғли тошкўмир келтириш зарур эди, бу тошкўмир печларда қайта ишлангандан сўнг, икки юз саксон минг тонна кокс бериши лозим эди. Тошкўмир конлари Килиманджародан икки қадамгина нарида бўлгани туфайли, ҳамма масала фақат зарур материалларни келтиришга қараб қолди. Рудаларни эритиш учун домна печлари қуриш энг қийин масала эди, албатта, шунга қарамай, бир ойдан кейин баландлиги ўттиз метр келадиган ва ҳар бири кунига бир юз саксон тонна металл эрита оладиган ўнта домна ишга туширилди. Бу суткасига бир минг саккиз юз тонна, юз иш кунига эса, бир юз саксон минг тонна металл эритиш демакдир.

Мели-мелонит тайёрланадиган учинчи устахонада иш қониқарли борди, унда иш шу қадар яширин олиб бэрилдики, ҳатто ҳозир ҳам бу портловчи модданинг сости тўла аниқланган эмас.

Қисқаси, ҳамма ишлар кутгандагидан ҳам яхши борди. Ҳатто Крезо, Биркенхэд ёки Вүльвич механика заводлари устахоналарида ҳам иш бу қадар муваффақиятли бўлиб чиқмасди. Агар баъзи бахтсиз тасодифларни ҳисобга олмаганда, бундай катта иш жуда яхши тугалланди.

Султоннинг қанчалик хурсанд бўлганини айтмайсизми. У ишнинг боришини зўр ҳавас ва диққат билан кузатиб борди. Бали-Бали бу ишларнинг нималарга олиб келишини сўраганида, Барбикендан доимо бир хил жавоб оларди:

— Ишимиз натижасида ернинг ташқи қиёфаси ўзгаради.

— Шу билан бирга,— деб қўшимча қилишга шошиларди капитан Николь,— бу иш султон Бали-Балининг

Шарқий Африка султонлари орасида битмас-туганмас шуҳратини мустаҳкамлаб беради!

Бу мақтовлар Вамасанининг худбин султонини қанчалик талтайтириб юборганини гапириб ўтирмаса ҳам бўлади.

29 августда ишлар батамом тугалланди. Маълум диаметрли галерея олти юз метр узунликда силлиқ қоплама билан қопланди. Унинг ичига икки минг тонна мели-мелонит солиниб, буидан ташқари камера портловчи моддалар аралашмаси солинган яшик билан бириктирилган эди. Сўнгра эллик метр узунликдаги снаряд жойланди. Портловчи модда билан снаряднинг ўзи эгаллаган жойдан чуқур оғзига қадар бўлган оралик тўрт юз тўқсон икки метр бўлиб, снаряд бу масофани кенгаяётган газ ёрдами билан босиб ўтиши керак эди. Бу ерда фақат баллистикага тааллуқли бир савол туғилади; снаряд Мостон ҳисоблашлари билан белгиланган траекториядан¹ четга чиқиб кетмайдими? Асло! Ҳисоблашлар мутлақо тўғридир. Бу ҳисоблашларда ернинг ўз ўқи атрофида айланиши туфайли снаряднинг Килиманджаро меридианидан шарққа қараб қанчалик оғиши, шу билан бирга у ўзининг дастлабки катта тезлигида ҳосил қилган эгри чизиқ аниқ белгилаб берилган эди.

Иккинчи савол: отилган снаряднинг учишини кўриб бўладими? Йўқ, чунки у галереядан чиққач, унга Ернинг сояси тушади, бунинг устига, у анча катта тезлик билан Ер устидан пастлаб учиб ўтади. У ёруғликка чиққанида эса, ҳажми кичрайиб қолгани туфайли энг кучли телескоп орқали ҳам кўринмайди.

Барбикен билан капитан Николь ўз ишларини шу қадар муваффақиятли тугаллаганидан фахрлансалар арзирди, албатта.

Қани энди Мостон ҳам иш устида бўлса-ю, унинг на-

¹ Траектория — ўқ ёки снаряднинг учиш йўли.

қадар ажойиб бажарилганини кўриб завқланса! Ахир унинг аниқ ҳисоблашлари бу катта ишни уюштирилганларга илҳом бахш этган-да... Ҳа, жуда афсуски, акс-садоси Африканинг энг узоқ чеккаларигача элиптиладиган жуда қаттиқ отиш пайтида у анча олисда бўлади.

Ҳар иккала ўртоқ Мастон тўғрисида ўйлаганларида. Замбарак клуби секретари Балтимора тюрмасидан қочгач, азиз жонини сақлаб қолиш учун ишончлироқ бошпана излаб Баллистик-коттедждан чиқиб кетишга мажбур бўлгандир деб хаёлларига ҳам келмаган эди, албатта. Улар шунингдек, жамоатчиликнинг «Шимолий қутб компанияси» инженерларидан қанчалик ғазабланганлигини ҳам билмас эдилар. Улар, агар ўзлари ҳам қўлга тушган тақдирда, эҳтимол ўлдирилган, оломон томонидан тошбўрон қилинган ёки аста ёнадиган оловда куйдирилган бўлишларидан ҳам беҳабар эдилар. Улар учун, снаряд отиладиган пайтда Шарқий Африканинг ярим ваҳший халқлари уларни қичқириб табриклашининг ўзи бахт эди.

— Хайрият-эй!..— деди капитан Николь Барбикенга, 22 сентябрь куни кечқурун, икковлари ўз ишларини кўздан кечириб юрганларида.

— Ҳа!.. Хайрият...— деб такрорлади унинг кетидан Барбикен енгил нафас олиб.

— Агар янгидан бошлашга тўғри келса нима бўларди?..

— Нима бўларди!.. Бошлайверардик-да!..

— Бахтимизни қаранг-а,— деб давом этди капитан Николь,— яхшиям бу мели-мелонитни ўйлаб топган эканмиз!

— Номингизни кўкларга кўтариш учун шунинг ўзи ҳам кифоя, Николь.

— Ўзим ҳам шундай деб ўйлайман, Барбикен,— деб жавоб қилди капитан камтарлик билан.— Биласизми,

агар биз Ойга учган вақтимиздагидек снарядни фақат пироксилин билангина тўлғазадиган бўлсак, у вақтда худди ҳозирги натижаларга эришиш учун Қилиманджарода қанча галерея қазिशга тўғри келарди?

— Қанча?

— Бир юз саксон галерея, Барбикен!

— Хўш, нима бўбди, капитан! Агар керак бўлса, бир юз саксонтасини ҳам қазиган бўлардик!

— Ҳар биттаси бир юз саксон минг тонна келадиган бир юз саксонта снарядни-чи?

— Уларни ҳам уддалаган бўлардик, Николь!

Бунақа одамларга нима ҳам дейсиз! Ахир, Ой атрофида айланиб учган бундай артиллериячиларнинг ҳамма нарсасига қурби етишини эътироф этмай бўладими!

Худди ўша кун кечқурун, яъни ўқ отиш мўлжалланган пайтга бир неча соат қолганида, Барбикен ва унинг ўртоғи ишларнинг муваффақиятли тугаганидан хурсанд бўлиб бир-бирларини табриклаётган бир вақтда, Алкид Пьердэ Балтиморадаги ўз кабинетида худди ақлдан озган одамдай бирдан қичқириб юборди. Сўнгра, алгебра формулалари билан тўлиб кетган стол олдидан сапчиб турди-да, мушти билан столга бир уриб:

— Оббо, муттаҳам Мастон-эй! Қандай ҳайвон экан-а!..— деб қичқирди.— Бу масаласи билан бошимни қотирганини айтмайсизми!.. Олдинроқ миямга келмаганига хайронман. Косинус билан онт ичаманки!.. Агар унинг шу пайт қаерда эканини билсам борми, мен уни жон-жон деб бирга овқатланишга таклиф этардим-да, унинг ҳамма ёқни вайрон қиладиган машинасидан ўқ узилган пайтда икковимиз маза қилиб бир бакалдан вижиллайдиган хилидан ичган бўлардик!.. Ҳа, чол тушкур-эй, Қилиманджаро замбараги учун ҳисоблашлар қиляётганида эсини еб қўйган экан-да! Ҳа, эсини еб қўйган экан!

**бу бобда Вамасаи аҳолиси тоқатсизлик билан
Барбикеннинг „От!“ деган командасини кутади**

22 сентябрь кечқурун. Бу кун фалокатли оқибатлар бўлишини ҳамма кутиб турган унутилмас кун. Қуёш Қилиманджаро меридианидан ўтгач ўн икки соатдан кейин, яъни ярим кечада капитан Николь ўзининг даҳшатли қуролини отиши керак эди!

Бу ерда шунинг ҳам кўрсатиб ўтиш эъён қилмайдики. Қилиманджаро Париж меридианидан ўттиз беш даража шарқроқда, Балтимора эса, ундан етмиш тўққиз даража ғарброқда жойлашган; бу бир юз ўн тўрт даража масофани ташкил этади, демак бу икки жой ўртасида вақтнинг фарқи етти соат-у йигирма олти минутдан иборат. Бу шунинг англатадики, снаряд отилган пайтда Балтиморада кундуз соат бешдан йигирма тўрт минут ўтган бўлади.

Об-ҳаво ниҳоятда яхши эди. Қуёш эндигина Вамасаи текисликлари орқасига ботди. У жуда тиниқ уфқ орқасига яширинди, снарядни отиш учун бундан ҳам юлдузли, ёруғ кечанинг бўлиши мумкин эмас. Мелимелонитнинг портлаши нитижасида ҳосил бўлган парларга бирорта ҳам булут қўшилиб кетмайди.

Қим билади дейсиз? Эҳтимол Барбикен билан капитан Николь ўзлари ҳам снаряд ичига жойлашиб ололмаганликларига пушаймон қилишаётгандир. Улар снаряд учишининг биринчи секундидаёқ икки минг саккиз юз километр масофани босиб ўтган бўлардилар. Ойдаги дунёнинг сирини билиб олиб, қуёш системасининг сирини ҳам билиб олган бўлардилар.

Султон Бали-Бали ҳамда бошқа эътиборли шахслар, яъни молия министри ва сарой жаллоди, шунингдек ишда қатнашган барча қора танлилар отиш пайтида ишти-

рок этиш учун тўпландилар. Аммо уларнинг ҳаммаси эҳтиёт шартдан, ҳаво қатламларининг қаттиқ тебранишидан батамом хавф-хатарсиз бўлиш учун Килиманджародаги галереядан уч-тўрт километр узоқда турдилар.

Теварак атрофга ўз султонининг амрига кўра Кизонго ва мамалакатнинг жанубий қисмидаги бошқа жойлардан келган ерли халқ жойлашди.

Электр батареясида галереянинг энг охиридаги взривчаткага уланган сим ток беришга тайёр эди, бу ток капсулни алангалатиб мели-мелонитни портлашга мажбур этарди.

Тантанали зиёфат уюштирилди: султон унинг америкалик меҳмонлари ва Бали-Бали мулозимларидан муътабарли шахслар катта стол атрофига тўпландилар; стол устига турли-туман маҳаллий нози-неъматлар ҳамда винолар қўйилди.

Султоннинг жуда чеҳраси очиқ бўлиб, ҳамсухбатларини катта завқ билан меҳмон қиларди, чунки зиёфатнинг барча харажатларини Барбикен ва К° ўз зиммасига олган эди.

Етти яримда бошланган зиёфат кеч соат 11 да тугади. Зиёфат охирида Бали-Бали «Шимолий қутб компанияси» инженерлари соғлиғи ҳамда ишнинг муваффақияти учун қадаҳ кўтарди.

Яна бир соатдан сўнг Ернинг иқлимий шароити бутунлай ўзгариб кетиши керак эди.

Барбикен, унинг ўртоқлари ва ўн асосий ишчи зарядланган электр батареяси жойланган будка атрофини ўраб олишди.

Барбикен қўлида хронометрни ушлагани ҳолда минутларни ҳисоблар эди, улар унга ҳеч қачон ҳозиргидай узоқ бўлиб туюлмагани: минутлар худди йилдай, йўқ, бутун бир асрдай узундан-узоқ туюлиб кетди.

Ўн минути кам ўн иккида капитан Николь билан Барбикен Килиманджародаги галереяга сим орқали уланган аппарат ёнига келишди. Султон, унинг мулозимлари ва ерлик халқ оломони: уларни катта доира бўлиб ўраб олишди.

Снаряд албатта худди Мاستон ҳисоблашларида кўрсатилган вақтда, яъни Қуёш келгусида айланиши лозим бўлган экватордан ўтаётган пайтда отилиши керак эди.

— Беш минути кам ўн икки!.. Тўрт минут қолди!.. Уч минут!.. Икки минут!.. Бир минут!..

Барбикен ишчилардан бири тутиб турган фонарь ёруғида ўз соати стрелкасидан кўзини узмай туғар, капитан Николь эса бармоғини кнопкага қўйиб, электр токини юборишга шай бўлиб турарди.

Ингирма секунд вақт қолди!..

— Атиги ўн секунд қолди!.. Уч!.. Икки!.. Бир!..

Капитан Николь шу қадар хотиржам эдики, ҳатто қўлининг қиттаккина бўлса ҳам қалтирагани сезилмасди. У ўртоғи билан Ойга учиш олдида снаряд ичиди қандай хотиржам ўтирган бўлса, ҳозир ҳам худди ўшандай эди.

— От!..— деб қичқирди Барбикен.

Капитан Николнинг кўрсаткич бармоғи кнопкани босди.

Снаряд отилиб, даҳшатли гумбурлаш Вамасаннинг энг узоқ бурчакларигача бориб етди. Қулоқни тешгудай вижиллаган овоз эшитилиб, галерея тешигидан ҳавога икки минг тонна мели-мелонитнинг портлашидан ҳосил бўлган миллиард-миллиард литр газ билан ҳайбатли қора тутун ўтга аралашиб кўтарилди. Агар ер юзидаги барча замбараклардан бир йўла ўқ узилиб унга осмондаги бутун момақалдироқлар гумбурлаши қўшилганда ҳам бунчалик ваҳимали бўлмаган бўларди!

XIX БОБ

*бу бобда Мастоң ўзининг оложон томонидан Линч¹
судига тоқширилмаганига афсусланади*

Ҳар иккала ярим шарнинг катта-кичик шаҳарлари сингари Эски ва Янги дунё пойтахтлари ҳам бўладиган ҳодисани кутиб жуда ҳаяжонланган эдилар. Ер шарининг ҳамма бурчакларига тарқалган газеталарнинг ахборотлари туфайли, Килиманджарода ярим кеча бўлганида бошқа жойларда соат неча бўлиши ҳар кимга аниқ маълум эди.

Қуёш тўрт минутда бир даражани босиб ўтади, шундай экан, Килиманджаронинг ярим кечаси йирик шаҳарларда қуйидаги вақтга тўғри келарди:

Парижда	кеч соат 9 — 40 мин.
Петербургда	кеч соат 11 — 31 мин.
Лондонда	кеч соат 9 — 30 мин.
Римда	кеч соат 10 — 20 мин.
Медридда	кеч соат 9 — 15 мин.
Берлинда	кеч соат 11 — 20 мин.
Константинополда	кеч соат 11 — 25 мин.
Калькуттада	эрталаб соат 3 — 04 мин.
Начкинда	эрталаб соат 5 — 31 мин.

Қуёш Килиманджаро меридианидан ўтгач, ўн икки соатдан кейин Балтиморада кеч соат 5-24 минут бўлишини айтиб ўтган эдик.

¹ Линч суди — арзномаган баҳоналар, кўпинча уйдирма айблар билан ўзбошимчасига ваҳшиёна жазолаш; бу нарсa Америкада, асосан негрларни жазолаш учун қўлланилиб келган ва ҳозир ҳам қўлланилади. Линч суди ирқий қарама-қаршиликнинг энг шафқатсиз ифодаси бўлиб, бу қарама-қаршилик халқ оmmasининг мавжуд тартибларга итoат этишидан, унинг исдон бўлишидан манфаатдор бўлган америкалик бой плантаторлар ҳамда капиталистлар томонидан атайин кучайтирилади.

Бу пайт ер шардаги барча халқларни қанчалик ваҳима босганини тасвирлаб бериш жуда қийин.

Айтайлик, Балтимора аҳолиси тошиб кетган денгизлар оқимидан қирилиб кетиш хавфи остида қолмасин ҳам, деярли улар томошабин бўлиб, Атлантик океани сувининг Чизапик бўғози орқали тошишини ҳамда Гаттерас бурунининг океан тагидан кўтарилиб, тоғ чўққисига айланишини кузатиб турсинлар. Лекин беихтиёр бир савол туғилади: бинно ва ёдгорликларни бутунлай вайрон қиладиган туртки ҳосил бўлмасмикин? Бутун бошлик кўча ва кварталлар пайдо бўладиган жар ва ёриқларга фарқ бўлиб кетмасмикин?

Шундай экан, бу машъум дақиқа яқинлашган сари ер шарда яшовчи ҳар бир кимсани бутун вужуди билан ваҳима босганига сира ажабланмаса ҳам бўлади. Ёлғиз инженер Алкид Пьердёдан бошқа ҳамма даф-даф қалтирарди. У кўп нарсани очиб берган кейинги текширишлари натижасини эълон қилишга улгуролмади. У энди шаҳардаги энг яхши ресторанларнинг бирида Эски дунё соғлиғи учун шампанское ичиб ўтирмақда эди.

Соат беш бўлди, ундан йигирма тўрт минут ўтиб, Қилимандаржонинг ярим кечаси ҳам бўлди. Балтимора бўлса азалгидай ўз жойида эди!

Лондонда, Парижда, Константинополь ва бошқа жойларда ҳам ҳеч қандай ўзгариш бўлмади!.. Ҳатто заррача ҳам тебраниш сезилмади!

Джон Мильян¹ Япониядаги Токошима тошқўмир конларига ўрнатган сейсмографи орқали кузатиб, ер юзининг бу қисмида сал бўлса ҳам қимирлаш сезмади.

Ниҳоят, Балтиморанинг ўзида ҳам ҳеч қандай ҳодиса юз бермади.

1. 1 Джон Мильян — ер қимирлашларини текширувчи инглиз тадқиқотчиси, Японияда яшаган.



Бунинг устига қоронги ҳам тушиб қолган эди; тун бўлгач, булутлар билан қопланган осмон юлдузларининг ўз ҳаракатларини ўзгартирганини аниқлашга имкон бермади, ваҳоланки, агар ер ўқи ўз жойидан кўчган тақдирда, юлдузлар ҳаракати ўзгариши турган гап эди.

Мастон ўзининг яширин бошпанасида туни қандай машаққат билан ўтказганини ёлғиз Еванжелика Скорбитгина биларди! Феъли тез артиллериячи ғазабланганидан ўзини қаёққа уришни билмасди. Яна бир неча куннинг тезроқ ўтиб кетиб, Қуёш йўли ўзгарган-ўзгармаганини аниқлаш учун Мастон ҳеч нарсасини аямаган бўларди: ахир бошлаган ишнинг тўла муваффақиятли чиққани сўзсиз тасдиқланарди-да.

Эртаси куни Қуёш одатдагича уфқда кўринди.

Европа давлатларининг барча вакиллари ўз меҳмонхоналари айвончасига тўпландилар. Уларнинг ҳар бири Қуёш ўз йўлини азалгидай босяптими, йўқми эканини билнш учун ниҳоятда аниқ асбоблар кўтариб олган эди. Мана, Қуёш ёғду сочиб чиққанидан кейин бир неча минут ўтгач, ўз одати бўйича жанубий ярим шар томонга қараб силжий бошлади.

Афтидан, унинг ҳаракатида ҳеч нарса ўзгармагани аён бўлди. Майор Донеллан билан унинг ошналари офтобни, одамлар саҳнадаги севимли артистларини олқишлагандай, бараварига «ура» деб қичқирдилар.

Бу пайт осмон ниҳоятда ажойиб эди: у эрталабки туман йўқолгач, тип-тиниқ бўлиб қолди, ҳеч қайси буюк

артист ҳам бунчалик гўзал сахнага, бунчалик ажойиб шаронгга дуч келмаган ва шу қадар завқ-шавққа тўлган томошабинни учратмаган бўлса керак.

— Қуёш яна ўша, астрономия қонунлари кўрсатиб берган жойида-ку!— деб бақирарди Эрик Бальденак.

— Ҳа, ўша ўзимизнинг эски астрономиямиз кўрсатганча,— деди Борис Карков,— уни анави тентаклар йўқ қилмоқчи эдилар!

— Кўрган зиёнлари ва шармандагарчиликлари ўзларига жазо бўлади,— деди Янсен, бутун Голландия номидан гапираётгандай.

— Шимолий доира ҳам умрбод музлар тагига кўмилганича қолаверади!— деб қўшиб қўйди профессор Гаральд.

— Қуёшга ура!— деб қичқириб юборди майор Донеллан.— У қандай бўлган бўлса, умрбод шундай бўлиб қолаверади; бошқасининг кераги ҳам йўқ!

— Ура! Ура!— деб илиб олишди якдиллик билан эски Европанинг бошқа вакиллари.

Шу пайт ҳалигача оғиз очмаган Тудринк ҳам гапга аралашди.

— Хурсанд бўлишга ҳали барвақт эмасмикин, жаноблар? Улар ҳали отишмаган бўлса-чи?— деди у сал илжайиб.

— Отишмаган?— деб бақириб юборди майор Донеллан.— Мен аксинча, улар бир эмас, икки марта отишган деб ўйлайман!

Мастон ҳам, Еванжелина Скорбит ҳам худди ана шундай деб гумон қилдилар. Олимлар ҳам, нодонлар ҳам шундай фикрда эдилар.

Алкид Пьердэ ҳам нақ ўшани такрорлаб, қўйидагини қўшиб қўйди:

— Улар отишдими, йўқми — барибир! Гап шундаки, Ер ҳамон ўзининг эски ўқи атрофида айланмоқда!



Килиманджарода нималар бўлганини ҳеч ким билмасди. Бироқ шу кунн кечқурун ер шарида яшовчиларнинг ҳаммасини қизиқтираётган бу саволга жавоб олинди. Қўшма Штатларга Занзибардаги элчидан қуйидаги мазмунда телеграмма келди:

*«Занзибар, 23 сентябрь, эрталаб соат 7-ю 27 минут.
Давлат секретари Джон Райтга.*

Кеча нақ ярим тунда Килиманджаро тоғи ёнбағрида пармаламган тешик оғзидан ўқ узилди. Снаряд даҳшатли овоз билан вижилаб учиб чиқди. Ваҳимали портлаш бўлди. Каттиқ бўрон натижасида теварак-атроф вайрон бўлди. Денгиз юқори кўтарилди. Кўпгина кемалар ҳалокатга учради ва қирғоққа улоқтириб ташланди. Бир қатор қишлоқлар ер билан яксон бўлди... Ҳамма нарса жойида.

Р и ч а р д Т р ё с т.

Ҳа, ҳақиқатан ҳам агар сунъий қуюн натижасидан тақир текисликка айланган Вамасаидаги вайроналикларни ва ҳавонинг ларзага келиши туфайли кемаларнинг ҳалокатга учраганини ҳисобга олмаганда, ҳамма нарса жойида бўлиб, ҳеч нарса ўзгармаган эди. Машҳур снаряд Ойга учганида ҳам худди ўшандай бўлмабмиди?

Ернинг ларзага келиши Флорида атрофидаги юз километрлаб жойга таъсир этмабдими? Ҳозир ҳам ана шуларнинг ҳаммаси такрорланди-ю, лекин бу сафар кучлироқ бўлди, холос.

Ҳар ҳолда, элчининг телеграммаси Эски ва Янги дунё аҳолисини қизиқтираётган икки нарсани, чунончи:

1) Килиманджарода каттакон замбарак қурилганини;

2) снаряднинг белгиланган соатда отилганини маълум қилди.

Шундан кейин бутун жаҳон шодиёна, енгил нафас олди, кейин тоза қотиб-қотиб кулишди. Барбикен ва К^онинг уринишлари чиппакка чиқди! Мастоннинг бутун формула ва ҳисоблашлари тутантуриқ қилиш учунгина ярайдиган бўлиб қолди! Энди «Шимолий қутб компанияси»нинг ўзини ҳеч нарсага қодир эмас деб эълон қилишдан бўлак чораси қолмади.

Аммо бу қандай бўлди экан? Наҳотки Замбарак клубининг секретари ўз ҳисоблашларида хато қилган бўлса?

— Мен ўзимнинг Мастонга бўлган ҳисларимга шубҳа қилсам қиламанки, аммо унинг хато кетганига ишолмайман!— дерди Еванжелина Скорбит ўз-ўзига.

Бироқ шу дақиқада ер шаридаги ҳеч бир киши ҳам Мастончалик хижолат тортаётган эмас эди. У, Ер ҳаракатининг мутлақо ўзгармаганига амин бўлгач, Барбикен ва Николь эҳтимол бирор фавқулодда ҳодиса туфайли отишни кечиктиргандир, деб ўзини юпатишга уринди...

Аммо Занзибардан телеграмма олингандан кейин Мастон бу ишнинг муваффақиятсиз чиққанини эътироф этишга мажбур бўлди.

Айтиш осон-а... Муваффақиятсиз чиқди эмиш! Ишнинг аниқ муваффақиятли чиқишига ишонч ҳосил қилган тенгламалар, ҳисоблашлар, формулалар қаёққа

кетди? Наҳотки узунлиги олти юз метр, кенглиги йигирма етти метр бўлган, икки минг тонна мели-мелонит портлаши натижасида бир юз саксон миллион килограмм келадиган снарядни икки минг саккиз юз километр дастлабки тезлик билан иргитиб ташлайдиган замбарак қутбни ўз жойидан кўчирилмаса? Йўқ! Йўқ! Бундай бўлиши мумкин эмас!

Гарчи шундай бўлса ҳам...

Ниҳоят, Мастон чидай олмай, қаттиқ ҳаяжонланиб, ўз ҳомийсига бошпанадан чиқиб кетиш нияти борлигини айтди. Евангелина Скорбит уни бу аҳдидан қайтаришга қанча уринмасин, беҳуда эди. У Мастоннинг ҳаёти хавф остида деб қўрқмасди, айни пайтда бундай хавф ўтиб кетганини у яхши биларди, балки уни калакалардан, аччиқ ҳазиллардан, заҳарханда пичинглардан сақлаб қолмоқчи эди, ношуд математикнинг шундай масхара-лар билан кутиб олиниши турган гап эди, албатта.

Яна савол туғилади: Мастонни Замбарак клубидаги ўртоқлари қандай кутиб олишаркан?! Улар ишнинг чип-пакка чиққанини, ўзларини эса шу қадар хижолатда қолиб, кулки бўлганликларини секретардан кўрмасмикинлар? Ишнинг муваффақиятсиз чиқишига у — ҳисоблашлар автори жавобгар эмасми?!

Аммо Мастон ҳеч нарсани эшитгуси келмасди, у Евангелина Скорбитнинг ёлворишларига ҳам, ҳатто кўз ёшларига ҳам қарамай яшириниб ётган уйидан чиқиб кетди. Ўз-ўзидан маълумки, у Балтимора кўчаларида пайдо бўлиши билан оқ одамлар уни танишиб, ҳамманинг мол-мулки ва ҳаётини хавф остида қолдиргани учун қасддан ҳақорат ва сўкишлар ёғдира бошлашди. Бунинг учун америкалик кўча болаларининг сўзларини эшитиш кифоя.

— Ҳей! Уқни тўғрилайдиган! — деб қичқирди улардан бири.

— Ер шарини остин-устин қиладиган сени қара-ю!— деб илиб олди иккинчи бирови.

Ҳақоратланган ва масхараланган секретарь нажот излаб, уни тинчлантириш учун бисотидаги ҳамма ширин гапларни ишлатиб бўлган миссис Скорбитнинг уйига боришга мажбур бўлди. Лекин буларнинг ҳеч бири фойда бермади. Скорбитнинг дўстини ҳеч нарсга юпата олмас эди.

Шу тарзда икки ҳафта ўтди. Ер шарининг аҳолиси бошидан ўтказган ташвишдан ўзига келиб, аста-секин тинчланди. «Шимолий қутб компанияси»нинг хавф солувчи проекти тўғрисида ҳатто ўйламай ҳам қўйди.

Бироқ Барбикен билан капитан Николдан дому дарак йўқ эди. Улар Вамасаи-қишлоғини вайрон қилган отиш вақтида ҳалок бўлишмаганмикин? Улар замонамизга фирибгарлик қилишгани учун қурбон бўлиб кетишмаганмикин?

Асло ундай эмас! Улар отиш пайтида султон, унинг мулозимлари ва минглаб негрлар оломони билан йиқилган бўлсалар-да, лекин ҳаммадан бурун, шикастланмай, соғ-саломат ўзларини ўнглаб, ўринларидан туришди.

— Хўш, муваффақиятли чиқдимиз?..— деб биринчи бўлиб савол берди султон ҳадеб елкасини силар экан.

— Нима, шубҳаланяпсизми?

— Менми?.. Сира ҳам шубҳаланаётганим йўғ-у, лекин ҳар ҳолда, бу қачон аниқ маълум бўларкин?

— Бир неча кундан кейин!..— деб жавоб қилди Барбикен.

Замбарак клубининг раиси ўзларининг муваффақиятсизликка учраганликларини шу ондаёқ пайқадимикин? Эҳтимол! Аммо у бу тўғрида Вамасаи султониغا сир бой бермади.



Қирқ саккиз соатдан кейин ҳар иккала ўртоқ Бали-Бали билан хайрлашди (султон уларга ўз фуқаролари кўрган зиён эвазига анча пул тўлаганларидан сўнггина жавоб берган эди). Бу минг-минг долларлар бутунича султоннинг хазинасига кириб, зарар кўрган бечораларга бир доллар ҳам тегмагани туфайли, жаноби олийлари бу фойда келтирган фирибгарликдан заррача бўлса-да

афсусланмади. Шундан кейин ҳар икки ўртоқ ўзларининг ўн усталари билан Занзибар томонга жўнаб кетишди, у ерда худди ўша вақтда Сувайшга жўнаб кетмоқчи бўлиб турган кема бор эди. Сувайшдан улар бошқа ном билан пароходга тушишиб, Марселга, кейин почта поезди билан эсон-омон Парижга келишди; бу ерда Шарқий темир йўл вокзалида поездга чиқишиб Гаврга, ундан эса океан пароходларининг бирида Америкага етиб боришди.

XX БОБ

*бу бобда ҳақиқатдан кўра кўпроқ ақлга сиғмайдиган
бу қизиқ воқиа тугайди*

--- Барбикен?.. Николь?..

— Масстон?

— Сизлармисиз?

— Ҳа, биз!

Ҳар иккала ўртоқнинг бир йўла жуда ғалати оҳанг билан айтган бу жавобида истеҳзо ҳамда таъна борлиги сезиларди.

— Килиманджародаги галереянгизнинг узунлиги аниқ олти юз метр, кенглиги йигирма етти метрмиди?

— Ҳа!

— Снарядингиз ҳам нақ бир юз саксон миллион килограммиди?

— Ҳа!

— Отишга икки минг тонна мели-мелонит ишлатилдими?

— Ҳа!

Ҳар учала саволга берилган бу ижобий жавоблар Масстоннинг мясига урилган муштдай бўлиб тушди.

Масстон:

— Ундай бўлса менимча...— деб сўз бошлаган эди-
ку, лекин тамомлай олмади.

— Хўш, нима демоқчисиз?— деб сўради Барбикен.

— Бундай демоқчиман,— деб жавоб берди Мас-
тон.— Операция шунинг учун ҳам муваффақиятсиз чиқ-
қанки, порох снарядни икки минг саккиз юз километр
тезликда отолмаган!

— Нима-нима!.. — деб хитоб қилди капитан Николь.

— Ҳа, шундай! Сизнинг мели-мелонитингиз болалар-
нинг ўйинчоқ тўппончасини ўқлашдан бошқа нарсага
ярамайди.

Бу сўзлар капитан Николга қаттиқ тегиб, уни чаён
чаққандай ўрнидан сапчиб туришга мажбур этди.

— Масстон!— деб қичқирди у.

— Николь!

— Агар мели-мелонит билан отишмоқчи бўлсангиз..

— Йўғ-эй, пироксилин билан денг!.. Бу аниқроқ бў-
лади!

Қизишиб кетган артиллериячиларни тинчитиш учун
ўртага миссис Скорбит тушди.

— Уйлаб қарасангларчи, ахир сизлар дўстларсиз-
ку!— деб бақирди у.

Шу пайт Барбикеннинг ўзи ҳам аралашди.

— Бир-бирингизни айблаб, таъналар қилишингиздан
нима фойда?— деди у бирмунча вазмин оҳангда.—
Ҳурматли дўстимиз Николь ихтиро этган мели-мелонит-
нинг сифати яхши бўлганидек, дўстимиз Масстоннинг
барча ҳисоблашлари батамом тўғри, албатта! Биз ҳо-
зирги замон фанининг энг сўнгги янгиликларини амалла
тўғри татбиқ этдик, аммо... шундай бўлса-да, тажриба-
миз муваффақиятли чиқмади! Бунга сабаб нима? Эҳти-
мол, биз буни ҳеч қачон билолмасмиз!..

— Хўш, нима бўпти!— деди Замбарак клубининг
секретари.— Яна уриниб кўраммиз!..

— Бекордан-бекорга сарфланган пуллар-чи?— деб қўйди капитан Николь.

— Жамоат фикричи?— деб хитоб қилди Еванжелина Скорбит.— Сиз уларни бутун планетамиз тақдирини яна хавф остида қолдиришингизга йўл қўяди деб ўйлайсизми?

— Ахир биз сотиб олган шимолий ерлар нима бўлади?— деб сўради капитан Николь.

— Энди Шимолий компаниянинг акциялари тушиб кетади, деяверинг!— деб қўшиб қўйди Барбикен.

Қандай муваффақиятсизлик-а!.. Акцияларнинг обрўси ҳалитданоқ туша бошлади: уларни боғлам-боғлам қилиб яроқсиз қоғоз нархида сотишяпти.

Ҳақиқатан ҳам ниҳоятда дабдабали бўлган бу ишнинг оқибати ана шундай бўлди. Барбикен ва К°нинг буюк проекти ана шундай катта ҳалокат билан тугади; бу иш ҳамманинг хотирасида абадий сақланиб қолажак.

Ҳеч ким ҳеч қачон бу ношуд инженерлар сингари бунчалик каттиқ калака қилинган эмас; газета фельетонлари, ҳажвий қўшиқлар, карикатуралар ҳамда ҳар хил кулгили тақлидлар учун материал ҳеч қачон ҳозиргидай кўп бўлган эмас. Барбикен, компаниянинг бутун правлениеси, уларнинг Замбарак клубидаги дўстлари қаттиқ ҳақоратландилар. Айниқса Европа шундай масхара қилиб кулдики, пировардида янкилар хафа бўлишди. Америкаликлар Барбикен, Николь ва Мастоннинг ҳам янги эканликларини, уларнинг Балтиморадек ажойиб шаҳарнинг муҳтарам граждaнлари эканликларини эслаб, Қўшма Штатлар ҳукуматини Эски дунёга уруш эълон қилишга мажбур этишларига сал қолди.

Муваффақиятсизликка сабаб нима бўлганлиги қачон бўлмасин маълум бўлармикин? Бу ҳол бундай ишни амалга ошириш умуман мумкин эмас, Ернинг кундалик



ҳаракатини ўзгартириш инсоннинг қўлидан келмайди, Қутб доирасини ҳеч вақт доимий қор ва музлар Қуёш нурларидан эрийдиган кенгликларга кўчириб бўлмайди, деган маънони билдирадими? Барбикен ва унинг ходими Америкага қайтиб келганидан сўнг бир неча кун ўтгач, бу саволларга жавоб берилди.

Францияда чиқадиган «Вақт» газетасининг 17 октябрдаги сониди бутун жаҳонга машҳур бўлган кичик бир мақола босилиб чиқди. Унда бундай дейилган эди:

«Ерни янги ўққа кўчириш учун қилинган уринишнинг қанчалик муваффақиятсиз тугагани энди ҳаммага аён, албатта. Аммо шуни эътироф этиш керакки, агар тушуниб бўлмайдиган паришонлик туфайли энг бошдаёқ хатога йўл қўйилмаганида, Мاستоннинг ниҳоятда аниқ маълумотларга асосланган ҳисоблашлари кутилган натижаларни бериши мумкин эди.

«Хато шундан иборатки, Замбарак клубининг машҳур секретари ўз ҳисоблашларига асос қилиб ер Шарининг айланасини олишда, қирқ минг километр ўрнига қирқ минг метр рақамини ёзиб қўйган, бу эса ҳисоблашви нотўғри ҳал қилишга олиб келган.

«Бу хатони нима деб тушунса бўлади?.. Бунга нима сабаб бўлиши мумкин?.. Шундай ажойиб математик бундай хатога қандай қилиб йўл қўйди экан?.. Ақлинг бовар қилмайди, киши! Ҳар ҳолда шу нарса равшанки, мабодо ер ўқини кўчириш масаласи тўғри тузилганида эди, у тўғри ҳал қилинган бўларди, албатта. Ваҳоланки бошдаёқ уч нуль эсдан чиқариб қолдирилган экан, пировард оқибатда ў н и к к и нулга хато қилинган.

«Ер ўқини капитан Николь ихтиро қилган мели-мелонит ёрдами билан $23^{\circ} 28'$ га силжитиш учун йигирма етти сантиметрли тўпдан миллион марта эмас, балки триллион марта катта бўлган замбарак талаб қилинарди, бунинг устига ундан биргина снаряд эмас, роса бир миллион снаряд чиқарилиши лозим эди.

«Ушбу ҳолда эса Килиманджарода отилган битта-ю битта снаряд қутбни атиги уч микронга (миллиметрнинг мингдан уч қисми) силжитган, океан сувининг паст-баландлик даражаси эса атиги мингдан тўққиз микронга ўзгарган, холос. Энди снарядга келсак, у кичкина бир планета сифатида қуёш системаси составига кириб кетган.

А л к и д П ь е р д ё.

Шундай қилиб компаниянинг бу даража шармандали муваффақиятсизликка учрашига Мастоннинг қандайдир тасодиф билан керакли уч нулли тушириб қолдирганлиги сабаб бўлганлиги батамом аниқланди.

Унинг ўртоқлари беҳад ғазабландилар. Мастоннинг ҳамкасблари унга лаънату таъналар ёғдираётган бир пайтда, жамоат фикри бечора математик фойдасига ўзгариб қолди. Ахир ер шари халқлари фақат Мастоннинг хатоси туфайлигина ўз бошларига тушадиган даҳшатли фалокатдан қутулиб қолдилар-да.

Оқибат шу бўлдики, Мастонга у қилган хато муносабати билан ҳамма ёқдан табриклар ёғила бошлади. Лекин бу табриклар Замбарак клубининг ҳурматли секретарини ниҳоятда ғазаблантирарди, холос. У жуда қаттиқ хижолат тортди Барбикен, капитан Николь, Том Гентер, полковник Билсби ва уларнинг дўстлари бу хатоси учун уни сира-сира кечирмайдилар!

Унга бир оғиз ҳам таъна қилмаган бирдан-бир одам ўша миссис Скорбит бўлди. Ҳимматли хотин бу мушкул дақиқаларда ҳам унга содиқ бўлиб қолди.

Даставвал Мастон ўз ҳисоблашларини текшириб чиқмоқчи бўлди: у ўзининг бундай хатога йўл қўйиши мумкин эканига сира ишонгуси келмасди.

Холбуки бу ҳақиқат эди! Алкид Пьердёнинг гапи тўғри чиқди. Ана шунинг учун ҳам бу ғалати одам кутилаётган фалокат юз берай деб турган сўнгги дақиқала сира ҳам пинагини бузмай, одатича шод-хуррам бўлиб, ресторанда бемалол Эски дунё соғлиғи учун ичиб ўтирган эди.

Ҳа! Ер экватори узунлигини кўрсатишда роппа-роса уч нуль эсдан чиқиб қолган эди! Тўсатдан Мастоннинг эсига бир нарса келди: у хатонинг нақ иш бошлаган чоғида, Баллистик-коттеджадаги кабинетига бекиниб олган кезларда юз берганини эслади. У, қўлига бўр олиб қора доскага аниқ қилиб 40 000 000 рақамини ёзиб қўйганини жуда яхши эсларди. Ўша пайтда тўхтовсиз телефон қўнғироғи жиринглади... У ишини ташлаб, телефон апарати ёнига борди... У миссис Скорбит билан бир-икки оғиз гапиришганидан кейин, доска ёнига қайтиб бормоқчи бўлди. Бирдан кучли момақалди роқ бошланиб, яшини уни улоқтириб юборди, доска печка томонга қулаб тушди... У ўрнидан туриб, яна ишга киришди, биринчи навбатда ярми ўчиб кетган рақамларни қайтадан ёзиб қўймоқчи бўлди... У эндигина 40 000... ни ёзиб ҳам эдики...

яна телефон жиринглаб қолди... у худди ўшанда иккинчи марта доска ёнига қайтиб келганида Ер айланасини ифодаловчи сонлар ёнига уч нулни қўшиб ёзиб қўйишни унутган бўлса керак.

Ҳа, бошқача бўлиши ҳам мумкин эмас эди. Хатога сабабчи бўлган бирдан-бир киши — миссис Скорбит-дир! Агар у ўша пайтда Мастонга халақит бермаганида эди, уни электр разряди урмаган бўларди! Яшин ҳам у билан бунчалик қалтис ҳазиллашмаган бўларди!

Мастон хатога қандай тарзда йўл қўйилганлигини Еванжелина Скорбитга айтиб берганида, унинг нақадар азоб чекканини тасаввур қилиш қийин. Ҳа, шубҳасизки, ҳамма нарса учун ёлғиз унинг ўзи гуноҳкор эди!.. У туфайли Мастон ўзини умрининг охиригача шарманда бўлган деб ҳисоблади, балки ҳали унинг умри узоқдир, чунки Замбарак клубининг аъзолари одатда юз яшар чол бўлмасдан ўлмасдилар.

Ана шу гаплардан кейин Мастон меҳмондўст уйдан қочиб кетди. У ўзининг Баллистик-коттеджига қайтиб келиб, бу ердаги кабинетининг бир бурчагидан иккинчи бурчагига юриб, ҳадеб:

— Энди мен дунёда ҳеч нарсага ярамайдиган бўлиб қолдим!..— дерди.

— Ҳатто уйланишга ҳам-а?— Йиғи аралаш сўрази Еванжелина Скорбит уялган ва ҳаяжонланган бир оҳангда; у умидсизланиб; Мастоннинг кетидан унинг коттеджига келган эди.

— Азизим Мастон...

— Хўп, майли! Розиман!.. Фақат битта шартим бор: мен энди ҳеч қачон математика билан шуғулланмайман.

— Дўстим, ўзим ҳам уни бутун вужудим билан ёмон кўраман!— деди бева хотин уни юпатишга шошилиб.

Шундай қилиб миссис Еванжелина Скорбит, миссис Мастон бўлиб олди.

Алкид Пьердёнинг кичкинагина хабари эса инженернинг ўзигагина эмас, балки у битириб чиққан Политехника мактабига ҳам шуҳрат келтирди. Хабар барча тилларга таржима қилинди, ҳамда барча маҳаллий ва чет эл журналларида қайта босиб чиқарилиб, Пьердёнинг номини бутун дунёга маълум қилди. Бунинг натижаси шу бўлдики, уни ҳаддан ташқари ақлли деб ўз қизини Алкидга бермаган прованслик дилбарнинг отаси ҳам энди Пьердёнинг хабарини ўқигач, виждони азобланиб, ярашиш мақсадида хабар авторини овқатга чақириб, таклифнома юборди.

XXI БОБ

*бу боб жуда қисқа бўлса-да, бутун жаҳонга
тинчлик бағишлайди*

Ер шари аҳолиси ташвиш тортмаса ҳам бўлади! Энди Барбикен билан капитан Николь ўзларининг шунчалик фожиали тугаган бу ишини яна қайта бошламайди. Мاستон энди ҳеч қандай, ҳатто бутунлай тўғри бўлган ҳисоблашларни ҳам қилмайди. Бу беҳуда уриниш бўлган бўларди. Алкид Пьердё ўз мақоласида мутлақо тўғри фикрни айтди. Механик қонунларига мувофиқ ер ўқини ўз ўрнидан $23^{\circ} 28'$ га, ҳатто мели-мелонит ёрдами билан бўлса ҳам кўчириш учун Килиманджаро қатламига ўрнатилган замбаракдан триллионтасини қуриш лозим бўлади. Бунинг учун планетамиз, унинг бутун сатҳи фақат қуруқликдан иборат бўлган тақдирда ҳам, кичиклик қилади.

Шу туфайли ер шари аҳолисининг тинчгина ухлаши мумкин. Ернинг ҳаракат қилиб турган шароитини ўзгартириш одам боласининг қўлидан келадиган иш эмас.

Е. Брандис

ЖЮЛЬ ВЕРН ВА УНИНГ „ОСТИН-УСТИН“ РОМАНИ ҲАҚИДА

I

1863 йилда ёш француз ёзувчиси Жюль Верн (1828—1905) ўзининг «Ҳаво шарида беш ҳафта» деган биринчи романини босиб чиқарди. Бу романни китобхонлар қиз-ғин кутиб олдилар, Жюль Верн ўша пайдан бошлаб қирқ йилдан ортиқ вақт мобайнида ўзининг янгидан-янги романларини узлуксиз нашр этиб, Франциянинг энг машҳур ёзувчиларидан бири бўлиб қолди.

Жюль Верн ўзининг олтмиш беш томдан иборат бўлган саргузаштлар ҳақида ва илмий-фантастик романларини «Ажойиб ва ғаройиб саёҳатлар»¹ деган умумий ном остида босиб чиқарди. Китобхонлар Жюль

¹ «Саёҳат» сўзини жуда кенг маънода тушунмоқ керак, чунки Жюль Верн ўз романлари сериясига шундай романларни ҳам киритдики, буларда саёҳат бўлмай, «Остин-устин» романидаги каби жуда ғалати воқиялар юз бериши мумкин. Шу туфайли Жюль Верн романлари сериясини баъзан «Ажойиб ва ғаройиб саргузаштлар» деб атайдилар.

Вернининг қаҳрамонлари билан биргаликда барча қитъа ва мамлакатларда саёҳат қиладилар, ернинг энг узоқ бурчакларида, ўша вақтларда ҳали текширилмаган Шимоллий ва Жанубий қутбларда бўладилар, сувда ва қуруқликда юрадилар, сув остида сузадилар, ҳавода учадилар, ҳатто космик фазога — Ойга ҳам, чексиз узоқ юлдузлар оламига ҳам ўтадилар.

Жюль Верн романларида сюжетнинг қизиқлиги ҳамма вақт кўпгина турли-туман маълумотлар билан қўшилиб кетади, бу маълумотлар воқиа давомида автор тўмонидан эркин суратда ҳикояга айлантириб юборилади. Ёзувчи ўз романларида астрономиядан тортиб географиягача, физикадан зоологиягача бўлган ҳар бир фан маълумотларидан усталик билан фойдаланган. Жюль Верн ўзининг фантастик романларида техниканинг реал имкониятларини, XIX асрдаги илғор олимларнинг кашфиётлари ва назарияларини ҳисобга олишга ҳаракат қилган.

«Гарчи мен ижод этсам ҳам, ўйлаб чиқарсам ҳам,— деган эди Жюль Верн,— барибир ҳеч қачон воқеликдан узоқ кетмайман. Шундай замон келадики, унда илмий кашфиётлар киши тасаввуридан ҳам ўтиб кетади».

Замон ўтиши билан бу сўзларнинг ҳаққоний экани исбот этилди. Жюль Верннинг ўз романларида таклиф этган техника соҳасидаги кўпкина янгилик проектлари кейинчалик ҳақиқатан ҳам турмушга татбиқ этилди, ҳозирги замон фани эса ундан анчагина ўтиб ҳам кетди.

Жюль Верн романлари бошқа чет эл ёзувчиларининг, америкалик Эдгар Подан тортиб, инглиз Герберт Уэллсгача бўлган ёзувчиларнинг ўнлаб фантастик романлари ва достонларидан фарқ қилади, уларнинг илмий асослардан, ҳаётдан узоқ бўлган ҳамда заминсиз уйдирма ва нуқул утопиядан иборат асарларидан устун туради.

Жюль Верн романлари одам ақлининг кучига, унинг табиат сирларини билиб, кишиларга хизмат қилдира олишига оптимистик ишонч билан суғорилган.

Жасур капитан Немо ҳали сувости кемалари бўлмаган бир вақтда, ажойиб сувости кемаси «Наутилус»да сув остида 80 000 километр масофани босди. Новатор олимлар электр қувватидан фойдаланиш усулларини зўр бериб қидираётган бир пайтда, Жюль Верннинг қаҳрамонлари ундан ёритиш ва иситиш учунгина эмас, балки ҳаракатланувчи куч сифатида ҳам фойдаланадилар.

Аэропланлар яшаш соҳасида эндиgina тажрибалар ўтказилаётган йилларда, Жюль Верннинг қаҳрамонлари аэроплан, автомобиль ва сувости кемаси хусусиятлари мужассам бўлган ҳамма ерда юрувчи универсаль машинани яшашга улгурадилар («Жаҳон ҳоқими»), ажойибгаройиб аппарат—«аэронеф» ёрдами билан ҳавони эгаллаб оладилар («Робур-Фолиб»).

«Бу Робур-Фолибнинг ўзи ким?—деб сўрайди Жюль Верн.—Робур—бу келгусининг, эҳтимол эртаги куннинг фанидир. Унинг аэронефи ҳаводаги саёҳатини давом эттирадимиз? Эҳтимол! Одамлар олдига қачон бўлмасин янги Робур-Фолиб келадими? Албатта! Ана ўшанда у ўз сирини очиб беради, бу сир ҳаётимизнинг бутун сиёсий ҳамда гражданлик тузумини ўзгартириб юборади».

Шуниси қизиқки, Жюль Верннинг биринчи романи русчага таржима қилиниб 1864 йилдаёқ, яъни асл нусхаси чиққанидан сўнг бир йил ҳам ўтмай, босилиб чиққан эди. «Современник» деган илғор рус журналида М. Е. Салтиков-Шчедриннинг бу китоб ҳақидаги ижобий мулоҳазаси босилган эди.

Кўпгина машҳур олимлар ёшликларида Жюль Верннинг романларига қизиқишларини, унинг ўз ижодларига қандай самарали таъсир кўрсатганини эслайдилар.

Рус фанининг машҳур арбоби К. Э. Циолковский Жюль Верннинг романлари унда ракетали двигатель ва планеталараро саёҳат назариясига ҳавас уйғотганини айтади.

Энг кекса совет олими академик В. А. Обручев, фантазия фанининг ҳақиқий имкониятларидан ажратилмаган, илмий-фантастик романларнинг тарбиявий қимматини характерлаб, шу муносабат билан Жюль Верн асарларининг қиммати тўғрисида бундай дейди:

«Яхши илмий-фантастик роман,— деб ёзади В. А. Обручев,— мароқли бир тарзда озми-кўпми билим беради, энг муҳими, китобхонни соф илмий адабиётдан фойдаланиб, романда тасвир қилинган мамлакат, ҳодиса, ихтиролар билан чуқурроқ танишишга қизиқтиради.

Кўп вақт роман ёшларга касб танлашда ҳам таъсир кўрсатади. Шунинг учун илмий-фантастик романларни ёшлар севиб, қайта-қайта ўқийдилар. Бу романлар китобхонда чуқур таассурот қолдиради, ваҳоланки бошқа, фақат саргузаштлар ёзилган романлар ҳавас билан ўқилса-да, тезда эсдан чиқиб кетади. Мисол учун шунга айтишим мумкин, менинг Осиё саёҳатчиси ва тадқиқотчиси бўлишимга сабаб Жюль Верн романларини ўқишим бўлди; бу романлар менда табиатшуносликка қизиқиш, кам маълум бўлган узоқ мамлакатлар табиатини ўрганишга ҳавас уйғотди».

Бизнинг Совет давлатида фан ва техника мисли кўрилмаган даражада ўсди. Фақат социалистик тузумгина инсоният тарихида биринчи марта фанининг ривожланиши ҳамда унинг ёрдами билан табиатни ўзгартириш учун беҳад имкониятлар яратиб берди.

Одамлар қурғоқ чўлларнинг ҳосилдор ерларга айланишини, сувсиз саҳроларда дарёлар мавж уришини, кўчма қумликларда чаманзорлар ератилишини, дарёларнинг тескари оқиб чанқов ерларни сувга қондиришини

печа асрлар бўйи орзу қилардилар... Бизнинг замонамизда табиатни ўзгартириш, уни одамга бўйсундириш орзу-хаёл бўлибгина қолмади, кўп ҳолларда амалга оширилди ҳам.

Қудратли электростанциялар қуриш, чўлларни суғориш, янги ўрмонзорлар яратиш — буларнинг барчаси яқин келажакда Ватанимизнинг бепоён ерларида иқлимий ўзгаришларга сабаб бўлажак. Саноатнинг кўпгина соҳаларини тўла автоматлаштириш ҳамда атом энергиясидан хўжалиkning кундалик эҳтиёжлари учун фойдаланиш — хаёлий гап бўлмай, балки совет олимлари амалга ошираётган реал планлардир.

Коммунистик қурилиш воқелиги илмий-фантастик романлар ёзадиган совет авторлари олдига мутлақо янги, ҳаёт кўрсатиб берган, бахтли келажакимизни олдиндан кўрсатиб берувчи темаларни (янги энергия манбаларини, табиатни ўзгартиришнинг янги йўлларини, агробиология фанининг келажак муваффақиятларини қидириб топиш каби вазифаларни) қўяди.

Агар Жюль Верннинг қаҳрамонлари ўз кашфиётлари устида якка-ёлғиз таваккал қилиб, ўз ҳаётларини хавф остига қўйиб, кўп ҳолларда жамиятдан ажралиб, унга душман бўлиб, шахсан ўзини бойитиш ва бахтли бўлиш учунгина ишлаган бўлсалар, совет кишилари ўзларининг бутун ижодий ғайратларини коммунистик қурилиш манфаатларига сарфламоқдалар, ўзларининг дадил илмий жасоратларини совет давлати ва совет халқининг бево-сита иштироки ҳамда ёрдами орқасида амалга оширмоқдалар.

Совет кишилари Жюль Верннинг ўз замондошлари тан олмаган сўққабош, сирли қаҳрамонларидан ғоявий

жиҳатдан устун туриши билан Совет социалистик тузумининг ҳар қандай буржуа давлатидан устун эканлигини акс этдиради.

II

Чет элларда Жюль Вернга бағишланган мақола ва китобларнинг баъзи авторлари одатда машҳур ёзувчини буржуа «тараққиёти» ва капиталистик техника «ажойиботлари»нинг куйчиси, китобхонни сиёсатдан, ҳаётнинг «ёқимсиз», ноаниқ томонлари тўғрисида ўйлашдан четлатувчи ажойиб романлар ижодкори деб ҳисоблайдилар. Ҳақиқатда эса Жюль Верн гарчи ўз замонидаги ижтимоий зиддиятларни аниқ тушуниб ололмаган бўлса ҳам, китобхонлардан ҳаётнинг «ноаниқ» томонларини яшириш у ёқда турсин, аксинча уларни ҳамма вақт қўлидан келганича ўз романларида эслатиб ўтишга уринди.

XIX асрнинг иккинчи ярмида капиталистик давлатларнинг ерлари ўзларига торлик қила бошлайди. Бозорлар ва таъсир доиралари учун қаттиқ кураш бошланади, мустамлака халқларини эксплуатация қилиш янада кучаяди. Меҳнаткашлар билан капиталистлар ҳамда озчиликни ташкил этувчи ҳукмрон миллатлар билан мустамлака ва қарам мамлакатларнинг асоратга солинган халқлари ўртасидаги зиддиятлар кучаяди.

Жюль Верн ҳамиша зolim мустамлакачилар зулми остида инграётган мазлум халқларга хайрихоҳ эди. Ёзувчи босқинчилик, мустамлакачилик, уруш оловини ёқувчи давлатлар тўғрисида ғазаб билан гапиради.

Жюль Верннинг энг машҳур қаҳрамони, сувости кемаси «Наутилус»ни барпо этган капитан Немо қўққисдан ҳинд шаҳзодаси Даккар бўлиб чиқади, у ўзининг қул қилинган ватани учун инглизлардан ўч олади

‘(«80 000 километр сув тагида» ва «Сирли орол»). «Буй» романининг қаҳрамонлари Ҳиндистонда саёҳат қилиб юриб, сипонлар¹ қўзғолонининг шафқатсиз бостирилганини ўз кўзлари билан кўрадилар.

Шу билан бирга Жюль Верн британиялик мустанлакилар билан қўлни-қўлга бериб ҳаракат қилаётган миллий саноат корхоналари эгаларининг ўз халқларига хиёнат қилганликларини эслатиб ўтишни ҳам унутмайди.

«Ун беш ёшлик капитан»да автор Африкани забт этган инглиз ва португалиялик босқинчиларнинг даҳшатли ёвузликларини таърифлаб, ирқий зулм ва қул савдосига кескин равишда қарши чиқади. Воқиалар XIX аср ўртасида юз берадиган «Джангада» романида Жюль Верн Американинг жанубий штатларида қул савдосининг даҳшатларини тасвирлайди.

1870—1871 йилларда бўлиб ўтган Франция билан Пруссия ўртасидаги уруш (бу уруш Франциядан Эльзас ва Лотарингияни тортиб олиш билан тугаган эди). Жюль Вернга, герман саноатчилари ва молиячиларининг босқинчилик интилишлари батамом йўқ қилинмаса, герман империализми халқларга янги урушлар ҳамда мислсиз офатлар келтиришини кўрсатиб берди. У ўзининг «Беш юз миллион бегума» романида уччига чىққан одам севмас, ваҳший ирқий назария маддоҳи профессор Шульценнинг совуқ қиёфасини ғазабли истеҳзо билан тасвирлайди. Шульце герман фашизмнинг энг яқин аждоди сифатидагина кўриниб қолмай, унинг образида ҳозирги америка капитализмига хос бўлган энг жирканч ва энг хунук хислатларни ҳам кўриш мумкин.

¹ Сипонлар — инглизлар қўлида хизмат қилувчи ҳинд солдатлари.

Жюль Верн бошқа бир—«Вильгелм Шторицнинг сири» деган романида бир олим ҳақида ёзади. Бу олим ўз отасининг кўринмас одамга айланиш сирини библиолиб, бу илмий сирдан одамларга ёмонлик қилиш мақсадида фойдаланади.

Ҳар иккала ҳолда ҳам ёмонлик ва бузғунлик келтирувчилар: профессор Шульце ҳам, Вильгельм Шториц ҳам шармандаларча мағлубиятга учраб, ҳалокатга йўлиқадилар.

Жюль Верн ҳаётининг охирида унинг келгуси тараққиётга ҳамда халқларнинг тинч яшашига бўлган умидлари у яшаб турган шароитда амалга ошмаяжанига ишонди. Жюль Верннинг сўнгги романларида бу фикрни тасдиқловчи кўпгина ғазабли ва заҳарханда саҳифаларни учратиш мумкин.

Техника муъжизаси ажойиб курорт-шаҳар жойлашган сузувчи оролни қурган америкалик миллионерлар бу оролда ўз вақтини ишламай, айш-ишратда ўтказишни хаёл қилган эдилар. Аммо кишиларнинг ҳаёти олтинга, шахсий бойликлар орттиришга асосланган жойда ўз манфаатини кўзлаш ҳамда худбинликнинг йўқотилиши, душманлик ва рақобатнинг бартараф қилиниши мумкин эмас. Оролда яшовчилар жанжаллашадилар, икки гуруҳга бўлиниб, уруш бошлайдилар, оролни вайрон қиладилар ва ўзлари ҳам тўлқинлар орасида ғарқ бўлиб кетадилар. («Винт орол»).

Истеъдодли инженер Ксидраль ажойиб машина ихтиро этиб, унинг ёрдами билан соф олтиндан иборат бўлган каттакон метеорни Ерга тортиб тушириб, ер юзидаги энг бой одамга айланган пайтда, Европа билан Америкада катта ваҳима бошланади: олтиннинг қиймати ниҳоят даражада тушиб кетади, банкларнинг омади кетади, акцияларнинг баҳоси тушади. Ксидраль ўзи билмагани ҳолда буржуа дунёси негизини ларзага кел-

тиради. Барча ижтимоий муносабатлар олтин пойдевор устида туради, олтин миллионерлар қудратини таъминлайди, Ксидралининг машинаси эса, олтинни оддий бир металга айлантириб, бойлар оёғи тагидаги заминни бўшаштиради, асрлар бўйи давом этиб келган алоқаларни бир зумда узади, коммерсия ҳисобларини, молиявий ва сиёсий «мувозанатни» бузади, барча ишларни чалкаштириб юборади.

Жюль Верн юз берган аҳволдан қутулиш йўлини топиши лозим бўлган давлатлар кенгаши мажлисини қаттиқ истеҳзо билан тасвирлайди. Давлатлар кенгаши бу йўлни топади: ихтирони унинг ихтироси билан қўшиб, йўқ қилмоқ учун Гренландия қирғоқларига ҳарбий экспедиция юборади («Олтин метеор»).

Кейинги икки романдаги сатирик фантазия Жюль Верннинг сиёсатдан сира ҳам олис бўлмаганини ҳамда буржуа танқидчилари кўрсатгандек мутлақо «ёшларни овунтирадиган» содда дил, кўнгилчан одам эмаслигини кўрсатади. Жюль Верннинг ижоди тўғрисида айтиб ўтилган бу гаплар «Остин-устин» романининг мақсадини аниқлаб олишга ҳам ёрдам беради.

III

1861—1865 йилларда Шимолий Америкада, жанубий қулдорлик штатлари билан негрлар қуллигини йўқотишни талаб этган шимолий штатлар ўртасида қонли уруш бўлади. Қулдорчиликнинг мавжудлиги капиталистик саноатнинг ривожланишига тўсқинлик қилар эди. Вашингтон ҳукуматининг жанубий плантаторлар билан хоинона келишиб олгани туфайли уруш бир неча йилга чўзилиб кетади. Фақат кенг халқ оммасининг қулликка қарши курашга қатнашувигина Шимолнинг жануб устидан ғалаба қозонишига олиб келади.

Американинг реакцион кучлари уруш тугаши биланоқ «озод қилинган» негрлар ўз гражданлик ҳуқуқларидан фойдалана олмай, илгаригича қул бўлиб қолаверсинлар учун барча чораларни кўрадилар.

Жюль Верн шимолий штатларга хайрихоҳ бўлиб, урушнинг боришини диққат билан кузатиб боради.

Уруш тамом бўлган йили у ўзининг «Ердан Ойгача» деган машҳур романини, кейинчалик — 1873 йилда эса, унинг давоми бўлган «Ой атрофида» романини ёзди (одатда бу ҳар иккала роман икки қисмдан иборат бир асар сифатида «Тўпдан Ойга» деган ном билан нашр этилади).

Жюль Верннинг асардаги асосий фикри яхши ўйла-ниб чиқилган илмий заминларга асосланган. Автор Ойга учиш мумкинлигини, агар снаряд дастлабки тезликда секундига 11 километр учадиган бўлса, назарий жиҳатдан исбот қилиш учун мураккаб математик ҳисоблашларни келтиради. Ҳозирги пайтда планеталараро алоқа назарияси Жюль Верндан ўтиб кетди ва Ойга учишнинг у таклиф этган усули қониқарсиз эканини кўрсатди. Шунга қарамай, ёзувчининг космик учишлар ҳақидаги фикрни ўз замонидаги илмий маълумотлар асосида оммалаштиришда қилган хизматлари шубҳасиздир.

«Тўпдан Ойга» романи биз учун фақат илмий жиҳатдангина эмас, балки ҳозиргача ўз қимматини йўқотмаган ижтимоий-сиёсий темаси жиҳатидан ҳам қимматлидир.

Романдаги воқиа Америкада гражданлар уруши тугаган вақтда бўлиб ўтади. Урмон саноати корхонасининг эгаси бадавлат Импи Барбикен Балтиморадаги артиллериячилар клубининг раиси бўлиб, Ойга учишнинг ташаббускори бўлади. «Уруш авжига чиққан бир пайтда бу илмий клубнинг бирдан-бир ташвиши,— дейди Жюль Верн,— одамзодни бутунлай қириб ташлаш бўлди».

Уруш ниҳоят шимолликлар ғалабаси билан тугагандан сўнг «Замбарак клубининг аъзолари учун унумсиз мавсум» — ишсизлик бошланади. Касблари жиҳатидан савдогар, орзулари жиҳатидан артиллериячи бўлган бу кишилар уруш даврида ниҳоятда бойиб қолганликлари туфайли ўзларининг жонга теккан кундалик ишларига — ўз идора ва дўконларига қайтиш ҳақида ўйлагилари ҳам келмасди.

Жюль Верн бебош артиллериячиларнинг яна уруш ҳаракатларини бошлаб юбориш тўғрисидаги хаёлларини қаттиқ масхаралайди. Математик Мастон ҳали ҳамма нарса қўлдан кетганича йўқ, деб клубдаги ўз шерикларини умидсизланмасликка чақиради. «Сиз унутяпсиз, — дейди у, — биз Атлантик океанининг нариги томонидаги бирор давлатга уруш эълон қилишимизга имкон берадиган халқаро қийинчиликлар пайдо бўлиши мумкин! Наҳотки французлар бизнинг бирон кемамизни фарқ қилишмаса? Наҳотки инглизлар қачон бўлмасин халқаро ҳуқуқларни бузишмаса, яъни масалан, ватандошларимиздан уч-тўрттасини осишмаса?»

Бироқ, қачон бирорта давлат халқаро ҳуқуқларни бузиб, уч-тўрт америкаликни осар экан, деб қўл қовуштириб кутиб ўтириш жасур артиллериячиларга сира-сира ярашмас эди. Улар биргаликда зўр бериб «доно» қарорга келишди: уруш баҳонасини кутиб ўтиришнинг кераги нима, уни ўз ташаббусимиз билан вужудга келтириб қўя қолмаймизми?

«— Мутлақо тўғри! — деб илиб олди Мастон яна қишииб. — Дунё урушига сабаб бўладиган минглаб баҳоналар тўлиб-тошиб ётибди, улардан фойдаланишни истамайдилар!.. Уруш баҳонасини узоқдан қидириб ўтиришнинг кераги ҳам йўқ: ахир Шимолий Америка илгари инглизларники эмасмидди?»

— Шубҳасиз, уларники эди! — деб хитоб қилди Том

Гентер, зўр бериб олди очик печдаги чўғларни қўлтиқтаёгининг учи билан кавлар экан.

— Хўш,— деб қўшимча қилди Мастон,— шундай экан, нима учун Англия ҳам америкаликларники бўлмас экан?»

Жюль Верн XIX асрнинг иккинчи ярмида америкалик капиталистларда пайдо бўла бошлаган агрессиячилик кайфиятлар устидан заҳархандалик билан кулади. Жюль Верннинг америкалик реакционерларга қарши қаратилган сатираси ҳозирги кунларда бу китоб ёзилган йиллардагидан ҳам кўпроқ куч билан жарангламоқда.

IV

«Тўпдан Ойга» романининг биринчи қисми чиққанидан кейин чорак аср ўтгач, Жюль Верн «Остин-устин» романини босиб чиқарди (1889), бу романда китобхон ўзига таниш бўлган шахсларни — Балтиморадаги ўша артиллериячилар клубининг аъзоларини яна учратади.

Биз Жюль Верннинг 1865 йилдаёқ америкалик капиталистлардаги уришқоқлик хислатларини пайқаёлганини ҳамда ундан кулганини кўриб ўтган эдик. XIX асрнинг охириги йилларида бадном «озодлик мамлакати» ёзувчига янада кўпроқ фош қилувчи материал бергани турган гап, албатта.

Ўша вақтга келиб Америка ўзининг саноат маҳсулоти жиҳатидан дунёда биринчи ўринни эгаллаган энг қудратли индустрия давлатига айланган эди.

Америкада капитализм тараққий этишида мисли кўрилмаган спекуляция, давлат хазинасини талон-тарож қилиш, ҳатто ҳукумат аъзолари ҳам қатнашган зўр қаллобликлар бўлди. Америка банклари сейфларида шундай миқдорда олтин сақланар эдики, америкалик миллиардерлар бу олтинлар ёрдами билан ўз халқини

итоат этдирибгина қолмай, балки бутун жаҳонни асо-
ратга солмоқчи эдилар.

XIX аср охирига келиб Америка Қўшма Штатлари ҳарбий авантюра йўлига кириб олиб, Гавай ороллари билан Филиппинни забт этди ҳамда Америка қитъаси-
дан ташқарида ўз қонли ёвузликларини амалга ошира бошлади. «Буржуа цивилизацияси,— деб ёзган эди В. И. Ленин,— ўзининг ҳамма яхши меваларини бериб бўлди... Америка, шу билан бир қаторда, бир томондан, қабиҳлашган, фақш ва зеби-зийнат ичида кўмилиб қолган бир ҳовуч миллиардерлар билан, иккинчи то-
мондан умрбод қашшоқлик даражасида кун кўрувчи миллион-миллион меҳнаткашлар ўртасидаги жарлик-
нинг чуқурлиги жиҳатдан ҳам биринчи мамлакатлар-
нинг бири бўлиб қолди».¹

Жюль Верн ўртоқларидан бирига янги романининг ғоясини маълум қилиб, унинг америка капитализмига қаратилган сатирик мақсадларини уқдириб кўрсатади: «Мен америкаликларнинг қандай қилиб бутун жаҳонни қўрқитганликлари ҳақида,— тўғрироғи, уларнинг ҳеч нарсани уddалай олмай фақат қўрқитибгина қолганла-
ри (чунки улар кармонларига доллар тўлдириб келган одамларни ўзларига яқин йўлатмайдиган нарсаларга дахл қилмоқчи бўлганлар), ҳақида тезда роман ёзмоқ-
чиман. Фақат эзгу ниятларгина табиатнинг барча сирлари устидаги пардаларни очиб ташловчи сеҳрли куч бўла олади, бу сирлар кейинчалик қачон бўлмасин одамнинг яхши, илғор мақсадларига хизмат қилиш учун ҳам мавжуддирлар...»

Автор «Остин-устин» романига аввал «Америкалик-
ларнинг бутун жаҳонни қўрқитгани тўғрисида» деб бир мунча маъноли сарлавҳа қўйган эди. Аммо ўзининг

¹ В. И. Ленин, Асарлар, т. 28, 52 бет.

америкалик дўстлари билан муносабатини бузишни истамаган ношир бундай сарлавҳани рад этди.

«Остин-устин» романи асл нусхада босилиб чиқиши биланоқ, дарров чет тилларга, ҳаммадан аввал рус тилига таржима қилинди.¹ Фақат америкалик ношир ва журналистларгина Жюль Верннинг янги романини халққа маълум қилишга ва айниқса уни нашр этишга шошилмадилар. Ун йил ўтгандан кейингина «Остин-устин» романи Америкада арзимаган тираж билан нашр этилди².

Барбикен Ойга қилган машҳур сафари муваффақиятли тугагач, йнгирма йилдан ортиқ вақт ўз шуҳратидан завқланиб ётди, шундан сўнг математик Мастон ўйлаб топган янги дадил проектни амалга оширишга бел боғлади. Бир куни Мастон, артиллериячилиги тутиб кетган пайтда, агар у таянч нуқтасини топа олса, америкаликлар ер ўқини буриб юбора оладилар, деган эди («Тўпдан Ойга» романига қаралсин).

Китобхонларга маълумки, математик Мастон, бу ғояни амалга ошириш учун зарур бўлган ҳисоблашларни чиқараётганда, паршонлиги туфайли ўз ҳисоблашлари бошидаёқ ер шари айланасининг узунлигини 40 000 километр ўрнига 40 000 метр деб олиб, уч нулни ёзмай қолдиради. Натижада, охирги ҳисоблашда хато 12 нулга бориб етади. Ер ўқини ҳақиқатан ҳам 23° 28'

¹ Жюль Верннинг кўпгина романларини, шу жумладан «Остин-устин» романини, рус тилига XIX асрнинг иккинчи ярмида яшаган машҳур украин ёзувчиси Марко Вовчок (тахаллуси М. А. Вилинская) таржима қилган эди.

² Афтидан америкаликлар ўзларини хафа қилган француз ёзувчисини ҳозир ҳам авф этмасалар керак. 1943 йилда Нью-Йоркда қандайдир Вальтц деган шахснинг Жюль Верн ҳақида ёзилган китоби босилиб чиқди. Бу китобда у Жюль Верннинг «Остин-устин» деган романи борлигини ҳатто тилга ҳам олмайди.

га кўчириш учун отиш кучини триллион марта ошириш зарур эди. Амалда бундай кучга эришиш мумкин эмас эди, буни авторнинг ўзи ҳам романнинг охириги бобида ҳазил билан айтиб ўтади.

Бинобарин Замбарак клуби аъзолари ўзлари бошлаган ишни дабдабали эълонлар билан беаба, ишнинг моҳиятини яхши аниқлаб олмай туриб, қуруқ американча мақтанчоқлик ва ўзбиларманчиликка берилиб кетадилар. «Остин-устин» романи қаҳрамонларининг беҳуда қилиқлари Жюль Вернга атайин қилинган беаъни ишда бўлиши мумкин бўлган барча мантиқий оқибатларни кўрсатиб бериш учун керак эди. Шундай қилиб, Барбикен ўйлаб топган янги тажрибаларнинг илмий аҳамиятини авторнинг ўзиёқ чиппакка чиқаради. Удлабурон қаҳрамонларнинг ҳаёлий ниятлари эса Жюль Верн учун ўз романини сатирик жиҳатдан ўткирроқ қилишга хизмат этади, холос.

Автор китобхонларни Барбикен билан биринчи марта таништирган пайтда («Ердан Ойга») қаҳрамоннинг шахсан беғараз эканини, илмий тажриба учун ўйлаб-не-тиб турмай ўз ҳаётини хавф остига қўйганини ҳамда ўзига моддий фойда келтиришни ўйламаслигини уқдириб кўрсатади. «Остин-устин» романида ўша Барбикеннинг ўзи Шимолий қутб табиий бойликларидан фойдаланиш учун тузилган шубҳали компаниянинг ташкилотчиларидан бири бўлиб гадаланади. Бу иш сон-саноксиз фойдалар келтириши мумкинлиги туфайли «Шимолий қутб компанияси» ўз мақсадига эришиш учун ҳеч нарсадан тап тортмайди. Уччига чиққан корчаллон ва савдогар бўлиб олган Барбикен ва унинг дўстлари ўзлари бошлаган дабдабали авантюра атрофида молиявий шов-шувлар уюштириб, дабдабали эълонлар тарқатдилар.

Бу сафар Жюль Верн ўз қаҳрамонларининг беға-

разлилигини эмас, балки уларнинг бойлик орттиришга бўлган ниҳоятда ташналиги, уларнинг йиртқичлик, манфаатпарастлик ҳисларини кўрсатади. Бунга ажабланмаса ҳам бўлади. Замбарак клуби аъзолари асл янкилар бўлганидан гражданлар уруши тугагандан кейинги чорак аср давомида америка ҳаётида юз берган катта ўзгаришларнинг ўзларига тааллуқи йўқ деб четдан қараб тура олмасдилар, албатта. Жюль Верн бу манман, сурбет америкаликларнинг психологиясини тасвирлар экан, сира ҳам муболаға қилмайди, ҳақиқатга хиёнат этмайди.

Қўшма Штатларда ҳар бир иш,— деб ёзади Жюль Верн,— ҳатто энг қалтис, бажарилиши мужмал бўлган иш ҳам, ишнинг амалий томонини ўз зиммаларига олиб, унга ўз маблағларини қўшишга тайёр бўлган тарафдор ҳомийларга эга бўлади. Шунинг учун ҳам янги пайдо бўлган компания ўзининг бошлаётган ишига «...Америка коммерсия дунёсида жуда кўп учрайдиган навбатдаги уйдирма иш» деб қарашларидан ҳам тап тортмай, ўз фаолиятини ким ошди савдо билан Шимолий қутбни сотиб олишдан бошлайди!.. Америка ҳукумати бу ташаббусни бутунлай маъқуллайди. Агар янги компания қутб ерларини ўз қўлига киритиб олса борми, унда бу ерлар сўнгги вақтларда жон-жаҳди билан босқинчиликка киришиб кетган Қўшма Штатларнинг тўла мулкига айланиб қоларди.

Шимолий қутб бойликларидан фойдаланиш мумкин бўлсин учун америкаликлар қутб музликларини эритмоқчи бўладилар. Қутб музликларини эритмоқ учун иқлимий минтақаларнинг ҳолатини ўзгартириш зарур. Иқлимий минтақаларнинг ҳолатини ўзгартириб қутб музларини қуёш нурлари таъсир этадиган доирага силжитиш учун эса ер ўқини «буриб юбориш» зарур. Шунинг учун толмас Барбикен яна ҳайбатли замбарак

ясайди, бироқ бу сафарги замбарак Ойга снаряд отадиган, унча зиён етказмайдиган замбарак эмас, албатта...

Барбикен ҳамда унинг ўртоқлари ўзларининг худбин мақсадларини амалга ошириш учун бу гал бутун инсониятга қарши қаратилган ёвуз фитналарини тайёрлайдилар. Улар ўз ишларининг албатта ўнг келишига ишониб, Мاستон ҳисоблашларида хато қилар деб ўйламайдилар ҳам. Улар ер ўқи кўчирилган вақтда ўзларининг манфаатларига ва Шимолий қутбни сотиб олишга ўз маблағини қўшган бева Скорбитнинг манфаатларига путур етмасин учун пухта тadbирларни кўрадилар. Фалокат Балтимора билан Замбарак клубига шикаст етказмаслигини назарга оладилар!

Ер ўқи «бурилгандан» сўнг денгиз ва океан сувларининг тошиб кетиб, бутун-бутун қитъаларни босиши, бутун-бутун давлатларнинг ер юзидан бутунлай йўқ бўлиб кетиши ҳамда сув гирдобларида қанчадан-қанча халқларнинг ҳалок бўлиши билан Барбикен ва компаниянинг мутлақо иши йўқ!

Ишқилиб улар Шимолий қутб ерларидан тошқўмир қазиб олсалар бас! «Шимолий қутб компанияси»нинг ёлғиз ўзи яшаса бўлди!

Жюль Верн бу воқиа давомида бирмунча муболағага йўл қўяр экан, бунига сабаб фақат Барбикен ниятининг замини бемаъни эканлигидир, холос. Аммо ёзувчи капиталистик бойлик ортдириш усулларини, сохта бойликлар билан спекуляция қилишдаги виждонсизликларни, бу билан боғли бўлган молиявий шов-шувни ҳамда Американинг ўз шахсий манфаатлари учун инсоният тақдири ва тинчлигини тахлика остига қўювчи капиталист йиртқиқчларининг ваҳшиёна очкўзлиги ва шафқатсизлигини фош қилишда ҳақиқатдан заррача ҳам четга чиқмайди.

Жюль Верн ўз сиёсий қарашларида бир мунча муътадил бўлишига қарамай, воқеликни ҳаққоний равишда кузатиб бориб, капиталистик «тараққиётнинг» хунук томонларини етарли даражада усталик билан кўра билган ва ўзининг бир қанча романларида улар устидан қаттиқ кулган. Аммо ёзувчи ўзининг «Остин-устин» романи ёзилганига олтмиш йилдан ортиқ вақт ўтгач ҳам, XX аср ўрталарига бориб, шу куннинг сиёсий памфлети сифатида жаранглаяжагини хаёлига ҳам келтирмаган эди, албатта.

МУНДАРИЖА

I б о б.	Бу бобда „Шимолий қутб компанияси“нинг бутун дунёга қандай ахборот билан мурожаат этгани. ҳикоя қилинади	3
II б о б.	Бу бобда китобхон Голландия, Дания, Швеция, Россия ва Англия вакиллари билан танишади	15
III б о б.	Бу бобда арктика ерлари сотилади	27
IV б о б.	Бу бобда ёш китобхонларимизнинг эски танишлари пайдо бўлади	38
V б о б.	Шимолий қутб яқинида тошқўмир конлари бўлиши мумкинми?	46
VI б о б.	Бу бобда миссис Скорбит билан Мاستоннинг телефонда сўзлашуви қўққисдан бўлиниб қолади	52
VII б о б.	Бу бобда Барбикен айтмоқчи бўлган гапидан ортиқ ҳеч нима гапирмайди	64
VIII б о б.	Ер Юпитер ҳолатида	74
IX б о б.	Бу бобда китобхон асли француз бўлган янги қатнашувчи билан танишади	77
X б о б.	Бу бобда ҳар турли кўнгилсиз вазиятлар юз беради	82
XI б о б.	Мастоннинг ён дафтарчасида нималар бор эди-ю, нималар йўқ эди	92
XII б о б.	Бу бобда Мастон ўжарлик қилиб миқ этмай тураверади	97
XIII б о б.	Бу боб охирида Мастон жуда мужмал жавоб қайтаради	106
XIV б о б.	Бу боб жуда қисқа бўлиб, унда „X“ пировардида географик аҳамиятга эга бўлади	112

XV боб.	Бу боб ер шар аҳолиси учун ниҳоят даражада муҳим бўлган баъзи нарсаларни ўз ичига олади	113
XVI боб.	Бу бобда норозилик авжига чиқади	120
XVII боб.	Бу унутилмас йилнинг сакинз ойи мобайнида Қилиманджаро этакларида нималар юз бергани	125
XVIII боб.	Бу бобда Вамасан аҳолиси тоқатсизлик билан Барбикеннинг: „От!“ деган командасини кутади	135
XIX боб.	Бу бобда Мастон ўзининг оломон томонидан Линч судига топширилмаганига афсусланади	138
XX боб.	Бу бобда ҳақиқатдан кўра кўпроқ ақлга сиғмайдиган бу қизик воқиа тугайди	147
XXI боб.	Бу боб жуда қисқа бўлса-да, бутун жаҳонга тинчлик бағишлайди	154
Е. Брандис.	Жюль Верн ва унинг „Остин-устин“ романи ҳақида	155

Катта ёшдаги болалар учун

На узбекском языке

Жюль Верн

ВВЕРХ ДНОМ

Издательство „Ёш гвардия“ — Ташкент — 1960

Редактор К. Пулатов

Расмлар редактори К. Назаров

Техн. редактор Я. Пинхасов

Корректор Н. Комилов

• • •

Босмахонага берилди 19/VIII-1960 й. Босишга
рухсат этилди 12/XI-1960 й. Формати 70×108¹/₃₂.
Босма листи 5,5, Шартли босма листи 7,33.
Нашр. листи 7,59. Тиражи 30000.

„Ёш гвардия“ нашриёти

Тошкент, Навоий кўчаси, 30.

Шартнома № 481—54.

• • •

УзССР Маданият министрлиги Узглавиздате-
нинг 1-босмахонаси. Тошкент. Ҳамза кўча-
си, 21. 1960 й. Заказ № 668. Баҳоси 3 с. 30 т.
1961 йил 1 январдан баҳоси 33 т.